ШЕРХОН ҚОРАЕВ

АЛИШЕР НАВОИЙ

ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИНГ

НАМАЪЛУМ ҚИРРАЛАРИ

ТОШКЕНТ-2022.

UDK: 7.091 (075)
KBK: 85.33
Қ – 23

Шерхон Қораев. Алишер Навоий таржимаи ҳолининг номаълум қирралари. (Матн).“LESSON –PRESS” нашриёти, Тошкент 2022 йил, 134 бет

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори, навоийшунос олим Шерхон Қораев қаламига мансуб ушбу рисолада улуғ мутафаккир зот, шоирлар султони Алишер Навоий таржимаи ҳолининг сизу бизга номаълум бўлган томонлари ҳақида сўз боради.

Бинобарин, бу китоб орқали биз Навоийнинг айрим шеърлари кимларга бағишланганини, ғазалларда ва “Соқийнома”да номлари айтилмаган шаҳзодалар кимлар эканини, шоирлар султонининг “улфат” ва “ошнолари” ҳамда буюк бобокалонимиз ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотларни билиб оламиз.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар:
Филология фанлари доктори
Афтондил ЭРКИНОВ,
Филология фанлари доктори
Нафас ШОДМОНОВ.

ISBN 978-9943-46-63-02

© Шерхон Қораев
© «LESSON PRESS» nashriyoti, 2022.

“БАДОЪЕ УЛ-БИДОЯ” ДЕВОНИ ДЕБОЧАСИДА ЗИКР ЭТИЛГАН МУҲАММАД СУЛТОН КИМ?

Маълумки, шоирлар султони Алишер Навоий ўн яшарлигидаёқ етти иқлимга машҳур бўлган. Унинг назмий дурдоналарини нафақат шеърият ихлосмандлари зиёлилар, дарвишлар, ҳунармандлар, балки темурийлар хонадонининг вакиллари – шаҳзодалар ҳам севиб мутолаа қилган. Хондамирнинг муболағароқ изоҳига кўра, айрим шеърият ихлосмандларининг яшашдан мақсади ҳам Навоий шеърларини ўқиб, завқланишдан иборат бўлган. “Бадоъе ул-бидоя” девони дебочасида Навоий ўз шеърларини севиб ўқийдиган ашаддий мухлисларидан бири “Шоҳ нишон” ва “Шоҳи дарвиш” шаҳзода Муҳаммад Султон ҳақида шундай тўхталган:

“Кўнглумда не маъни ўлса эрди пайдо,
Тил айлар эди назм либосида адо.
Ул назмға жонин қилибон халқ фидо,
Солурлар эди гунбази гардунға садо.
Бу вайрон табъни байт этса мастур,
Тутиб шуҳрат, нечукким байти маъмур.
Харобат ичра пайдоу ниҳони,
Ул эрди халқнинг рутбаал-лисони.

Йўққим, харобат дард нўшлари, балки муножат хирқапўшлари ва демайким авом арозили, балки хавос афозилининг тилларига жорий ва кўнгулларига корий тушар эди. Ул замоннинг каримул-хулқ озодалари, балки азимуш-шаън шаҳзодалари илтифотиға мушарраф бўлур эрди. Хусусан, салтанат ганжининг дурри самини ва қаноат кунжининг хокнишини, илму зако аҳлининг ягонаси, фақру фано хайлининг бенишонаси, итик зеҳни дақойиқ ришталарининг гириҳкушойи ва ариғ табъ ҳақойиқ чеҳраларининг парда рабойи:

Табъи дарвешу ўзи шоҳ нишон,
Шоҳи дарвеш Муҳаммад Султон”.

Хўш, Навоий мадҳ этган мазкур “шоҳи дарвеш” Муҳаммад Султон ким? У адабиётшунос Ёқубжон Исҳоқов айтганидек,

Бойсунқур Мирзонинг ўғли, Форс ва Ироқи Ажам султони Султон Муҳаммад (1418—1451) Мирзоми? Маълумки, бу ҳукмдор 1449 йилда Хуросонни эгаллаб, Ҳирот тахтига ўтирган. Ғиёсиддин Хондамирнинг ёзишича, *“Мирзо Султон Муҳаммад ақл ва донолик етуклиги билан танилган саховат ва мурувват кўплиги билан мақталган бир подшоҳ бўлиб, ўта шижоат ва жасурлиги орқасида хатарли жангларда шахсан ўзи қатнашиб, уруш-саваш ишини қиздирарди. Душман лашкари қанчалик кучли ва шавкатли бўлмасин, бундан сира ҳам ҳайиқмасди. Саховат ва тантиликда мўътадиллик йўлини тутарди. Яъни, хасислик ҳам қилмас, ортиқча исрофга ҳам йўл қўймасди. Бир гал хос кишиларидан биттаси (укаси) Мирзо Абулқосим Бобурнинг бағишлов ишида кўп сарфлиги ва қўли очиқлигини айтди ва “шундай экан, нега Сиз бу ишда ул жанобга эргашмайсиз?” дея сўрашди. Мирзо Султон Муҳаммад унинг жавобида ушбу байтни ўқиди.*

Байт:

Олим ва жоҳилни фарқ этар тамиз,
У доим тизгинда. Бу-чи? Бошвоқсиз.

Мирзо Султон Муҳаммад бин Бойсунқур Мирзо бин Шоҳрух Мирзо мақтов сифатли ҳоқон Шоҳрух Мирзонинг ҳаётлик замонида умрининг беш йилини Ироқи Ажам мамлакатида давлат ва иқбол билан ўтказди. Шоҳруҳ Мирзо вафотидан сўнг Мирзо Абдуллоҳ ҳукмронлиги остидаги Шерозга ҳужум қилди ва амакиваччасини енгиб, Форс ва Ироқи Ажам ҳукмдорига айланди.

Ул шаҳзода улуғвор отаси вафотидан сўнг беш йил салтанат ва давлат узра умр кечирди ва 855 (1451) йилда Чинорон урушида Мирзо Абулқосим Бобур қўлига тушиб, мулкларнинг қудратли молики тақдири унинг ҳаёти палосини йиғиштирди.”[1] Бизнингча, Хондамирнинг фикрларига таянсак, шоир шеърда бу ҳукмдорни назарда тутмаган? Албатта, саккиз ёки ўн яшар шоирнинг Ҳиротда Султон Муҳаммад билан учрашгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Бироқ, тарихий маълумотлар шуҳратпараст темурийзодани шоиртабиат ёки дарвешсифат шоҳ бўлганини инкор этади. Назаримизда, “Дебоча”да зикр этилган қуйидаги хусусиятлар Бойсунқур Мирзонинг ўғлида кўзга ташланмаган:

[1] Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар. Т. Ўзбекистон, 2013.-Б.528-530.

1.Салтанат ганжининг дурри самини;
2.Қаноат кунжининг хокнишини;
3.Илму зако аҳлининг ягонаси;
4.Фақру фано хайлининг бенишонаси;
5.Итик зеҳни дақойиқ ришталарининг гириҳкушойи;
6.Ариғ табъ ҳақойиқ чеҳраларининг парда рабойи;
7.Дарвишликларга мойил;
8.Шоҳи дарвиш.

Аммо, адабиётшунос Ёқубжон Исҳоқовнинг фикрича, “дарвешсифат шоҳ” айнан ана шу Бойсунқур Мирзонинг ўғли Султон Муҳаммаддир. У ёш Навоий ижодига катта эътибор билан қараган ва қуйидаги ёшлик даврида ёзилган ғазал унга бағишланган:

Чарх айирди тез этиб, ноламни ҳам, оҳимни ҳам,
Меҳрибон шоҳимни ҳам, номеҳрибон моҳимни ҳам.
Ҳар киши дилхоҳу дилжўюм эди, солди йироқ,
Шоҳи дилжўюмни доғи моҳи дилхоҳимни ҳам...
Эй Навоий, шоҳим айвони, моҳим ҳуснин кўриб,
Жон тарабгоҳимни топса, кўз назаргоҳимни ҳам.

Адабиётшунос олимнинг ёзишича, Султон Муҳаммад вафотидан сўнг шоирни укаси Султон Абулқосим Бобур ўз тарбиясига олган.[2]

Кўплаб темурий шаҳзодалар қатори Навоий шеърларини севиб ўқиган ва оққа кўчириб тарқатган Муҳаммад Султон Мирзо ҳақида қандай маълумотга эгамиз? Амир Темур шажарасида кўплаб Муҳаммад Султон номли шаҳзодаларни учратдик. Келинг маълумотларни бир таҳлил қилиб чиқсак. Биринчиси, Самарқанд ҳокими ва Ҳулогу мулки ҳукмдори Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон. У 1376-1403 йилларда яшаб ўтган. Дарвоқе, шеърда бу шаҳзода умуман кўзда тутилмаган. Иккинчиси, мазкур Муҳаммад Султоннинг набираси Муҳаммад Султон ибн Муҳаммад Жаҳонгирдир. У отасининг мулки Ҳисорда 1423-1448 йилларда яшаб ўтган. Муҳаммад Султон Ҳиротга келгани ёки етти яшар Алишер билан суҳбатлашгани ҳақида далиллар йўқ.

[2] Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. Т.: Фан, 1983.-Б.29-30.

Учинчиси, Умаршайх Мирзо наслидан бўлган Муҳаммад Султон(1458-1484)дир.[3] Султон Ҳусайн Бойқаронинг Оқобегим исмли опасининг ўғли, тоғаси саройидаги соҳибихтиёр Кичик Мирзо ота тарафдан шоир Сайид Аҳмад Мирзонинг ўғли Султон Аҳмаднинг фарзандидир. Аммо, Алишер Навоий "Тўла асарлар тўплами"нинг бешинчи жилди изоҳларида *"Кичик Мирзо – Улуғбек ўғли Мироншоҳнинг набираси, Ҳусайн Бойқаронинг опаси Оқобегимнинг ўғли"*[4] деб кўрсатилган. Хондамир "Хулосат ул-ахбор"да *"Кичик Мирзо номи билан машҳур бўлган Мирзо Муҳаммад Султоннинг отаси Султон Аҳмад ибн Мирзо Сайид Аҳмад ибн Мирзо Мироншоҳ"* деб ёзган.[5] Демак, бундан маълум бўладики, Кичик Мирзо Ҳаким Сатторий "Олтин силсила"си китобида айтганидек, Умаршайх Мирзо наслидан эмас, балки "яшаган йиллари ҳақида маълумот сақланмаган"[6] деб ёзилган Сайид Аҳмад ибн Мироншоҳ Кўрагон (Манбаларда шаҳзоданинг исми Сайди Аҳмад, Саййид Аҳмад, Сайид Аҳмад шаклида келтирилган) авлодига мансубдир. Тарихда Умаршайх Мирзонинг Сайид Аҳмад исмли ўғли ҳам бўлган, бўлиши эҳтимол. Аммо, Адабиётшунос М.Абдувоҳидова ҳам ўзбек ва форс тилларида Сайидий, Сайид, Сайди тахаллуслари билан шеърлар ёзган Сайид Аҳмад Соҳибқирон Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ фарзанди эканини қайд этган.[7] Адабиётшунос ҳақ. Чунки шоир Сайид Аҳмаднинг ўзи ҳам "Таашшуқнома" достони якунида *"Дуогў ибни Мироншоҳ бўлғай"*[8] деб Мироншоҳнинг ўғли эканлигини таъкидлаган. Бинобарин, бизнингча ҳам, Навоий, Хондамир ва уларнинг замондошлари Кичик Мирзо деганда айнан Мироншоҳнинг ўғли темурий шоир Сайид Аҳмад Мирзонинг набирасини назарда тутишган. Хондамирнинг ёзишича, *"Мирзо Кичик номи билан танилган шаҳзода Муҳаммад Султон Мирзо бин Султон Аҳмад Мирзо хушсурат йигит бўлиб, яхши хулқ, тоза кўнгиллик сифатлари билан таърифланган, ширин сўз ва чиройли ишлари ҳаммага ёққан эди. Олиму фозиллар суҳбатига бағоят*

[3] Сатторий Ҳ. Олтин силсила. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2006.-Б.54.
[4] Алишер Навоий. Хамсат ул-мутахаййирин. ТАТ. Бешинчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.840.
[5] Хондамир. Хулосат ул-ахбор. Навоий замондошлари хотирасида. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.58.
[6] Сатторий Ҳ. Олтин силсила. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2006.-Б.65.
[7] Муборак мактублар. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1987.-Б.7.
[8] Сайид Аҳмад. Таашшуқнома. Муборак мактублар. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1987.-Б.122-143.

мойил, барча ҳимматини илмий масалаларни ўрганиш сари қаратган, илоҳий ва дунёвий илмларни ўзлаштиришда ягона ҳамда ақлий ва нақлий фанларни эгаллашда тенгсиз эди. Илму фазилатлари борасида оқиллар берган шарҳ бу шаҳриёрнинг камолотлари олдида уммондан бир томчию донишмандлар сўзлари обдор лафзларига нисбатан чексиз денгиздан бир қатра (эди).”[9] Навоий Хондамирнинг мазкур фикрларини тўлдириб, “Мажолис ун-нафоис”да **Кичик Мирзо** “***хуб табълиқ, тез идроклиқ, шўх зеҳнлик, қавий ҳофизалиқ йигит эрди.*** Оз фурсатда яхши толиби илм бўлди ва кўпроқ улум ва фунундин ўз мутолааси била вуқуф ҳосил қилди. Шеър ва муаммони хўб англар эрди, балки кўнгли тиласа айта ҳам олур эрди. Бовужиди бу ***фазойил дарвешлиқларга мойил бўлуб,*** Макка зиёрати шарафиға мушарраф бўлди”,[10] деган. Шоирлар султони “Хамсат ул-матаҳаййирин”да шаҳзодани дарвешларга мухлис ва муҳтож зот сифатида таърифлаган: *“Кичик Мирзо...фақру фано аҳлиға мухлис ва ниёзманд эрди”.*[11] Фахрий Ҳиравий шаҳзода *“...Ниҳоятда камтар ва ақлли эди. Салтанат риоятида у хусусида шундай бўлганки, Мирзо Султон Ҳусайнни Улуғ Мирзо дердилар ва уни (эса) Кичик Мирзо,”*[12]деб ёзган. Бобур “Бобурнома”да ҳам Кичик Мирзо ҳақида юқоридаги таърифларга муштарак фикрлар билдирган: “*Бурунлари тағойисиға мулозамат қилур эди, сўнгра сипоҳийликни тарк этиб, мутолаға машғул бўлди. Дерларким, донишманд бўлиб экандур. Табъи назми ҳам бор экандур. Бу рубоий анингдур:*

Умре басалоҳ месутудам худро,
Дар шевайи зуҳд менамудам худро.
Чун ишқ омад кадом зуҳду, чи салоҳ,
Ал-миннату лиллоҳ озмудам худро.

(Мазмуни: Умр бўйи ўзимни яхшилик билан мақтаб юрдим, Ўзимни зоҳид ва тақводор қилиб кўрсатдим. Ишқ келгач, қани ўша зоҳидлигу, қани ўша яхши фазилатларим? Худога шукрки, ўзимни синаб олдим.)

---

[9] Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар. Т. Ўзбекистон, 2013.-Б.777.
[10] Кўрсатилган асар.-Б.415.
[11] Алишер Навоий. Хамсат ул-мутахаййирин. ТАТ. Ўн жилдлик. Бешинчи жилд. Т.:Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 1012.-Б.760.
[12] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2014.-Б.59-60.

Мулло Абдураҳмон Жомийнинг рубоийси билан таворуд (айнан бир хил) бўлган.”.[13]

Бундан ташқари, Муҳаммад Султон Мирзо (Кичик Мирзо) каби шаҳзодалар машҳури замон бўлган “назм мулкин тил чекиб олмиш”[14] Навоий шеърларини тинглашни ёқтиришган ва янги ёзилган шеърларини шоирдан олиб, оққа кўчиртириб, шеърият ихлосмандлари ўртасида тарқатиб юришган. Яъни, Навоий таъбири билан айтганда, “*Абқоаллоҳу канза фаноиҳи ва адома изза инояким матлаъи ортуқроқ ё тамом ғазал тилим хомаси тақриға келса эрди, ё хомам тили таҳрир қилса эрди, филҳол ани мушкбор қалам бирла кофур кирдор сафҳаға рақам қилиб, оқу қарони андин махтут қилур эрди ва яна ҳам анга қаробат ҳисоблиқ тез фаҳм шаҳзодалар, ва мусоҳиб интисоблиқ хуштабъ мирзодалар мутааддид савод қилиб сойир улусға ёйилур эрди ва ошиқпеша беқарорларнинг жалиси меҳнати, ва маъшуқ шева гул узорларнинг аниси суҳбати бўлуб, хосу авом орасида иштиҳори тамом ва интишори молокалом топар эрди”*.[15] Бундан ташқари, Навоий шеъри ёзилган қоғозларни Ҳиротнинг Чорсу каби кўзга кўринган ва одамлар гавжум бўлган жойлари, дарвозаларига осиб чиқишган, воизлар минбарларда ўқишган. Бинобарин бу билан шеърият ихлосмандларини ғазал мулки султонининг ижод намуналаридан баҳраманд қилишган.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”дан ҳам билса бўладики, Кичик Мирзо Навоий ижодини кузатиб борган. Унда ёзилишича, Кичик Мирзо Навоийнинг ўз замонида машҳур бўлган “Таҳфат ул-афкор” қасидасидаги қуйидаги байтини мактубига қўшиб, Самарқандга авлиёлар султони Хожа Аҳрор Валий ҳузурига юборган.

Як назар фармо, ки мустасно шавам з-абнои жинс,
Саг чу шуд манзури Нажмиддин сагонро сарвар аст.[16]

---

[13] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.Т. Юлдузча, 1990.-Б.147.

[14] Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Хазойин ул-маоний. ТАТ. Ўн жилдлик. Биринчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.323.

[15] Алишер Навоий. “Бадоеъул-бидоя” дебочаси. Хазойинул-маоний. Фавоидул-кибар. Асарлар. ЎБТ. Тўртинчи том. Т.: Бадий Адабиёт, 1965.-Б.456-467.

[16] Алишер Навоий. Хамсат ул-мутахаййирин. ТАТ. Ўн жилдлик. Бешинчи жилд. Т.:Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 1012.-Б.760.

(Бир назар қил, токи ўз тенгдошларим аро мумтоз бўлайин, ахир ит Нажмиддин назарига мушарраф бўлганда, итларга сарвар бўлди).

Тўртинчиси, Суҳтон Ҳусайн Мирзонинг акаси Бойқаронинг ўғли Султон Муҳаммаддир. 1449-1483 йилларда яшаган бу шаҳзода амакисининг саройида хизматда бўлган. Унинг шеър ёзгани, шеъриятга мойиллиги ҳамда дарвешваш бўлганлиги тўғрисида маълумотлар учратмадик. Бешинчиси, яна Мироншоҳ Мирзо наслидан бўлган Султон Муҳаммад Мирзо. Яшаган йиллари ва у ҳақда маълумотлар сақланиб қолмаган. Олтинчиси, Султон Абусаиднинг ўғли Султон Муҳаммад (Тахминан 1452-1494 йилларда яшаган)дир. Хондамирнинг ёзишича, *"ака-укалар Султон Муҳаммад ва Шоҳрух Мирзолар ҳазрат саид султон (Султон Абусаид)нинг мағлубияти куни оққўюнли Амир Ҳасанбекнинг мулозимлари қўлига тушдилар ва анча вақт Озарбайжондаги қаълаларда тутқунликда сақланиб, ниҳоят халослик топдилар. Аммо ёмон ҳолат ва паришонликда умр кечирдилар. Ҳижрий 899 (Милодий 1493 йили) йили эса Шоҳрух Мирзо салтанат пойтахти Ҳирот сари йўлга тушиб, Сорий вилоятига етиб келган чоғда Аллоҳ Таолонинг мағфирати паноҳига кўчиб ўтди.*

Султон Ҳусайн Мирзо унинг жасадини Ҳиротга келтириш учун Сорий шаҳрига одам жўнатди. Жасад олиб келингач, султонлар қоидаси бўйича маҳди улё Гавҳаршод Оға мадрасасига элтдилар ва таомилга кўра дафн қилдилар. Султон Муҳаммад Мирзо укаси вафотидан сўнг ҳам оламдан ўтганга қадар ўша мамлакатда бўлди".[17] Тақдири аянчли кечган бу шаҳзода отаси даврида Ҳиротда Навоий билан учрашган ёки учрашмагани ҳақида маълумот йўқ. Еттинчиси, Навоий яқиндан суҳбатда бўлган Шоҳи Бадахшон – Шоҳ Султон Муҳаммаддир: У *"Бағоят хуштабъ ва парҳезкор мўмин бўлган. Ва Бадахшон салтанати неча йил унинг хонадони қўлида бўлиб, ҳеч подшоҳ ола олмаган".*[18] Бобурнинг ёзишича, *"(Юнусхоннинг хотини) Шоҳбегим Бадахшон шоҳи Шоҳ Султон Муҳаммаднинг қизи эди. Бадахшон шоҳлари ўз насабларини Искандари Файлақусга (Македониялик Искандар) боғлашади,*

[17] Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар. Т. Ўзбекистон, 2013.-Б.648.

[18] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2014.-Б.50.

дейдилар. Бу шоҳнинг яна бир қизи(Шаҳзодабегим)ни Шоҳбегимнинг эгачисини Султон Абусаид Мирзо олган эди. Ундан Абобакр Мирзо бино бўлган эди”.[19] Бадахшон шоҳлари Амир Темур ва Темурийлар даврида ҳокимиятни тан олиб, уларнинг номидан давлатни идора қилганлар. Бироқ, кейинчалик мустақилликка интилганликлари учун Султон Абусаид Шоҳ Муҳаммад Султон ва унинг ўғлини қатл этади. Шоҳ Лаълий бунга қадар Ҳиротда ушлаб турилган. Ўша вақтда у Алишер Навоий билан танишган ва яқинлашган.[20] Шундан сўнг Навоий Шайх Садруддин Равосийнинг муриди - Лаълий тахаллусли шоҳни хуштабъ бўлганини тазкирасида қайд этган.[21] “Шоҳ шеърни яхши айтарди”,[22]деб ёзган бу ҳақда Фахрий Ҳиравий. Чунончи, “Дебоча”да Бадахшон шоҳи назарда тутилган, дея олмаймиз. Чунки, шоир девон муқаддимасида айтиб ўтган фазилатлар Бадахшон шоҳи ҳақидаги тавсифларга мос тушмайди.

Дарҳақиқат, Навоий яшаган даврда саройда кўплаб темурий шаҳзодалар истиқомат қилган. Улар Навоийнинг шеърларини ўқиб ва ёдлаб мушоира кечаларида айтиб, завқланиб юришган. Юқорида айтганимиздек, Навоий “Бадоеъ ул-бидоя” дебочасида ана шундай шеъриятсевар шаҳзодалардан бири – Муҳаммад Султонни зикр этган. У эса бизнингча, Султон Ҳусайн Бойқаро, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийлар тарбиясини олган *“салтанат ганжининг дурри самини”, “қаноат кунжининг хокнишини”, “илму зако аҳлининг ягонаси”, “фақру фано хайлининг бенишонаси”, “итик зеҳни дақойиқ ришталарининг гириҳкушойи”, “ариғ табъ ҳақойиқ чеҳраларининг парда рабойи”, “дарвишликларга мойил”* Муҳаммад Султон исмли Кичик Мирзодир. “Бадоъе ул-бидоя” девони тартиб берилган 1478-1479 йилларда шаҳзода йигирма-йигирма бир ёш атрофида бўлгани ҳолда Ҳирот саройида яшаган. Демак, оддий ва дарвиш шаҳзода шоирлар султони билан кўп маротаба суҳбатлашиш ҳамда унинг ҳурматини қозониш бахтига муяссар бўлган. “Мажолис ун-нафоис”даги қайдларни “Бадоеъ ул-бидоя” девони дебочасидаги таърифлар билан таққослаб ҳамда тарихий манбаларга асосланиб, айтиш мумкинки, Алишер Навоий

[19] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Ўқитувчи, 2008.-Б. 35.

[20] Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2014.-Б.578.

[21] Алишер Навоий. Мажоли ун-нафоис. Т.: Бадиий адабиёт, 1966.-Б.43.

[22] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2014.-Б.50.

“Бадоеъ ул-бидоя” девони дебочасида Муҳаммад Султон деганда, Ҳусайн Бойқаронинг жияни Кичик Мирзони назарда тутган, бўлиши мумкин.

НАВОИЙ МАДҲИЯСИ КИМГА АТАЛГАН?
Ёки шоир ғазалидаги “Шоҳи Ғозий” Султон Ҳусайн Бойқаро эмасми?

Алишер Навоий бир байтида ***“Навоий назмини қуёш лавҳида ёзилиши”***да[23] Ҳусайн Бойқаронинг нечоғлиқ катта хизмати бор эканлигига, буни у - ***“шоҳу хурдадон буюрганлигига”***[24] урғу берган. Бундан ташқари, Навоий ҳаётида ва унинг бетакрор истеъдодининг шаклланишида темурий ҳукмдорлардан **Абулқосим Бобур Мирзо** (1422-1457) ва унинг адабий мажлислари ҳам муҳим рол ўйнагани баайни ҳақиқат. Хондамирнинг ёзишича, “*Мирзо Абулқосим Бобур юмшоқ кўнгил ва яхши хулқ билан сифатланган бир ҳукмдор бўлиб, шоду хуррамлик палосини ёйишга жуда берилган подшоҳ эди. Ўта каттарлиги ва нафсни тийиши натижасида салтанати давомида сира тахт устига чиқиб ўтирмади. Яхши ахлоқининг етуклиги ва ички дунёсининг мулойимлиги туфайли ҳеч қачон қўпол сўз билан ҳеч кимнинг кўнглини оғритмасди. Уруш майдонида эса мисли ханжар санчувчи қутирган шер ва йиртқич йўлбарс каби эди. Базм йиғинида гавҳар сочувчи булут бўлиб, саховати мўллигидан назарида олий сифатли соф олтин ва арзимас тош-кесак бир хил қийматга эга эди. Ҳиммати олийлиги сабабли денгиз ва кон каби бойлиги бахш этувчи қўлида бир кунча ҳам ушланиб турмасди”.*[25]

Навоий 1451-1457 йилларда “Мирзо Бобур Қаландар” [26] номи билан машҳур бўлган подшоҳ хизматида бўлган. Бу ҳақда Хондамир “Ҳабибус-сияр”да шундай ёзган: *“Ул жаноб (Навоий) болалик пайтларидан зафар байроқли хоқоннинг хизматида бўлди, ул ҳазрат Абулқосим Бобурга суҳбатдош бўлиб қолгач, амир Алишер ҳам ул олий даражали подшоҳнинг мулозаматини ихтиёр*

[23] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 5-том. Т. Фан, 1990.-Б.194.
[24] Кўрсатилган асар. –Б.194.
[25] Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар. Т. Ўзбекистон, 2013.-Б.497.
[26] Зайниддин Восифий.Бадоеъул вақоеъ. Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979.-Б.157.

қилди”.[27] Маълумотларга қараганда, Абулқосим Бобур шеърият кечаларида Навоий ўз шеърларини ҳам ўқиган. Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”да Хондамир фикрини тасдиқлаб, *“Султон Абулқосим Бобур ...улуғ амир(Навоий)га таъби(шеъри)нинг мулойимлиги, зийраклиги учун офаринлар ўқир эди, баъзи пайтларда (мажлисларда) улуғ амир битган туркийча ёки форсийча шеърларни мутолаа қилар ва хайрли дуолари билан қўллаб-қувватларди”,*[28] деган.

Хўш, Навоий унинг шеърларини ўқишни ва тинглашни хуш кўрган султонга бағишлаб ғазаллар яратганми? Албатта, яратган. Аҳмад Аъзамнинг ёзишича, “адабиётшуносликда “Илк девон” деб аталадиган манбада шундай шеърлар борки, ўқиганни ҳайрат уммонига чўмдиради...

Ҳар гадоким, бўриёйи фақр эрур кисват анга,
Салтанат зарбофтидин ҳожат эмас хилъат анга.
Ким фано туфроғиға ётиб қўяр тош узра бош,
Тахт уза эрмас муҳаббат муттако ҳожат анга.

-бу ғазал Абулқосим Бобурга бағишланган. Хусусан, 13 байтли ғазалнинг:

Шоҳлар дарвешию дарвешлар шоҳики, бор
Шоҳлиғ суръат анга, дарвешлик сийрат анга,

мисралари “Мажолис ун-нафоис”даги Абулқосим Бобурга берилган таърифга мувофиқдир. (Айрим тадқиқотларда бу байт Султон Ҳусайн Мирзога бағишланган, дейилади. Ҳолбуки, “Илк девон” ёзилган(1455-1456 йиллар)да, Султон Ҳусайннинг тахтга ўтиришига камида яна уч йил бор эди”.[29] Демак, Абулқосим Бобурга бағишланган бу ғазал тахминан 1451-1457 йилларда шоирнинг 10-15 ёшида ёзилган бўлиши эҳтимолга яқин. Айниқса, бу даврда Навоий Хуросон, Ироқи Ажам ва Мовароуннаҳрда жуда машҳур бўлган:

Улусни тутди Навоий сўзи анинг бирла,
Магар Расул алайҳиссалом қилди ҳадис.[30]

---

[27] Навоий замондошлари хотирасида.Т:Ғ.Ғулом номида АСН, 1985.-Б.116.
[28] Кўрсатилган асар. -Б.14-15.
[29] Аъзам А. Аброрлар ҳайрати.//Жаҳон адабиёти.-Тошкент, 2021.-№6.-Б.17-18.
[30] Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Хазойин ул-маоний. ТАТ. Ўн жилдлик. Биринчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.110.

Ҳақиқатан, ўз даврида Бобур Қаландар номи билан машҳур бўлган бу ҳукмдорни Навоий ғазалларида Ҳусайн Бойқародан аввал шоҳлар дарвеши деб атагани шубҳасиз. Лекин навоийшунос Нажмиддин Комилов ҳам "Хизр чашмаси" китобида ғазалда Ҳусайн Бойқаро назарда тутилганини айтиб, шундай деган: *"Бу концепция (Шоҳлар дарвешларга хизмат қилиши тўғрисидаги ғоя) Навоийдан олдинги шоирлар (Саъдий, Ҳофиз, Жомий) ижодида ҳам асосий йўналишлардан бири эканлигини кўриб ўтдик. Навоий мазкур анъанани давом эттирган. Аммо ғазалнинг биринчи қисми бўйича фикр юритганимизда шундай хулосага келиш мумкин, ғазалнинг тўққизинчи байтидан кейинги иккинчи қисмига ўтганда эса шоирнинг позицияси ўзгаради – у салафлар фикрига зид ўлароқ, шоҳу дарвеш хусусияти бир шахсда мужассамлашиши мумкин, деган ғояни олға суради ва Ҳусайн Бойқаро сиймосида бунинг конкрет ҳаётий мисолини ҳам кўрсатиб беради."*[31] Ёқубжон Исҳоқов эса "Навоий поэтикаси" китобида шеърни кимга бағишланганига тўхталмаган.[32] Адабиётшунос Ҳамид Сулаймон эса "Илк девон" сўзбошида ушбу ғазал каби бошқа шеърлар шоирнинг 25 ёшгача бўлган ижоди маҳсули эканлигини таъкидлар экан, жумладан шундай ёзган: *"Бу нодир қўлёзма ёш Навоийнинг илк ижоди, дунёқараши, фалсафий тушунчалари, эстетик қарашлари, ижтимоий-сиёсий тузумга бўлган муносабатлари ва санъаткорлик маҳоратининг шакллана бориши каби масалаларни ўрганишда ва ўша давр адабий муҳитида шоирнинг тутган ўрнини аниқлашда бебаҳо манбадир".*[33] Нажмиддин Комилов "Шоҳ ва дарвеш муносабати ҳақидаги яхлит бир дастур" деб атаган мазкур ғазалда Ёқубжон Исҳоқов нақшбандийлик таълимоти таъсири сезилади, деган. Демак, "*"Илк девон" шеърлари орасида айрим деталлар, ҳатто, айрим тўлиқ ғазаллар Навоийнинг илк ижодига нақшбандийликнинг таъсири ва шу таълимотга мойиллиги анча кучли эканлигини кўрсатади. Ушбу ғазал ана шу руҳда ёзилган...*

Бу ғазалнинг ҳар бир байти ёш Навоийнинг нақшбандийлик тариқатининг (ўз давридаги, албатта) моҳиятини тушуниб етганлиги ва ўзи ҳам ана шу позицияда туриб, унинг муҳим

[31] Комилов Н. Хизр чашмаси. Т.: Маънавият, 2005.-Б.111-114.

[32] Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. Т.: Фан, 1983.-Б.49-50.

[33] Алишер Навоий. Илк девон. 1466 йили кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри. Нашрга тайёрловчи Ҳ. Сулаймон. Т.: Фан, 1968.-Б.6-7.

ғояларини шеърий йўл билан тарғиб ва ташвиқ қилганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Умуман, Навоий илк ижоди даврида (25 ёшга қадар) нақшбандийликнинг етакчи хусусиятлари билан танишиб, унга эътиқод қўйган. Навоийнинг нақшбандийлик позициясини маълум даражада қабул қилганлиги унинг илк лирикасида қисқа, бироқ анча ёрқин акс этган".[34]

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, агарда Султон Ҳусайн Бойқаро шоирнинг 28 ёшида Хуросон тахтига ўтирганини ҳамда "Илк девон" Навоийнинг 25 ёшгача ёзган шеърлари мажмуаси эканлигини назарда тутсак, ғазал айнан 1451-1457 йиллар оралиғида ёзилиб, тасаввуф таълимотига ва дарвишликка рўжу қўйган Абулқосим Бобурга бағишлангани маълум бўлади. Дарвоқе, дарвешсийрат султонни "Мажолис ун-нафоис"да буюк шоир худди ғазалда ёзилганидек таърифлаган:*"Бобур Мирзо – дарвешваш ва фоний сифат ва каримул-аҳлоқ киши эрди. Ҳиммати олида олтуннинг дағи кумушнинг тош ва туфроғча ҳисоби йўқ эрди. Тасаввуф рисолаларидин "Ламаъот" била "Гулшани роз"ға кўп машъуф эрди. Табъи дағи назмға мулойим эрди".*[35]

Эй Навоий, чун гуҳар беқадр эрур шоҳ оллида,
Не ажаб гар бўлса назмингдин қошида хор лафз.[36]

Абдураззоқ Самарқандий ҳам "шоҳлар дарвиши" ҳақида Навоий билан ҳамоҳанг фикр билдирган: *"У (Абулқосим Бобур) нафсий фазилатлару унсий хислатлар билан безанган бўлиб, фақирлар ҳамда авлиёлар сўзларига ғоятда майл кўргазар ҳамда "Ламоат", "Гулшани роз" (асарлари)нинг аксар мавзуъларини ва "Фусус ал-ҳикам"нинг фойдали (фикрларини) ҳумоюн хотири лавҳасига битар эди. Байт:*

У шундай некбахт (эди)ки худо уни,
Некбахтларга етказишда раҳнамо бўлғусидир.

У дарвешларнинг дилни мафтун этувчи сўзларини жону дилдан қабул қилган эди."[37]

---

[34] Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. Т.: Фан, 1965.-Б.62-63.

[35] Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. ТАТ. Ўн жилдлик. Тўққизинчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.415.

[36] Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Ҳазойин ул-маоний. ТАТ. Ўн жилдлик. Биринчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.306.

Шоирнинг ёшлигида ёзилган кейинчалик “Ғаройибус-сиғар” девонига киритилган мазкур ғазалида Навоий Абулқосим Бобурни “Шоҳи ғозий” деб ҳам атаган. Афтидан айрим адабиётшунослар Навоий “Шоҳи ғозий” нисбасини фақат Султон Ҳусайн Абулғозийга нисбатан қўллаган, дейдилар. Аксинча, тарихий маълумотлар орқали “Ғозий” номи давлат бошқарган Шарқ ҳукмдорлари, шу жумладан, Соҳибқирон Амир Темур, Шоҳрух Мирзо, Султон Абусаид, Султон Маҳмуд Мирзо каби қатор ҳукмдорлар исмига ҳам қўшилганига амин бўламиз.

Шоҳга шоҳлиқ мусалламдир, агар бўлгай мудом,
Шоҳлиқ таркин қилиб, дарвеш ўлур ният анга.
Мумкин эрмас шаҳлар ичра буйла ниятлиғ, магар,
Шоҳи ғозийким, муяссар бўлди бу давлат анга.[38]

Ушбу мисралардан маълум бўладики, шоир дастлаб Бобур Мирзони “Шоҳи Ғозий” деб атаган. Кейинчалик, бу номни Султон Ҳусайн Бойқарога нисбатан ҳам қўллаган. Аслида “Ғозий” – Ҳақ дин учун кураш – ғазот олиб борувчи подшоҳ, демакдир.

Умуман олганда, биринчи “шоҳлар дарвеши” Абулқосим Бобур мажлисларидан ва дарвешлигидан кейинчалик Хуросон ҳукмдори бўлгач, иккинчи “шоҳлар дарвеши” Ҳусайн Бойқаро ҳам андоза олган бўлишини тахмин қилишимиз мумкин. Чунки бу иккала темурзоданинг табиати, феъл – атвори ҳамда одатларининг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари шундай дейишимизга асос бўлади. Шунинг учун муштарак жиҳатларни илғаган буюк мутафаккир Навоий иккала шоҳга нисбатан “Шоҳи Ғозий” ва “Шоҳлар дарвеши” атамаларини қўллаган.

АЛИШЕР НАВОИЙ ЗОҲИД БЎЛГАНМИ?
Ёки шоирлар султони ёшлигида сўфийларнинг Работи Суҳайлига нега бош олиб кетган эди?

Манбаларда ёзилишича, Алишер Навоий ёшлик даврида улуғ инсонлар, буюк устозлар ва тариқат пирларининг хонақоҳи ва работларида истиқомат қилган гўшанишин дарвешлар -

---

[37] Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд. Т.:Ўзбекистон, 2008.-Б.400.

[38] Алишер Навоий. Илк девон. 1466 йили кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри. Нашрга тайёрловчи Ҳ. Сулаймон. Т.: Фан, 1968.-Б.15-16.

зоҳидлардан бири бўлган. Нажмиддин Комиловнинг ёзишича, *“тасаввуф шайхлари хонақоҳ, работларда умргузаронлик қилиб, вақф ерлардан келган даромад ёхуд ўз касбкорлари эвазига ҳалол луқма билан қаноатланар; на сиёсат, на раёсат ишларига қизиқмас, салотину вузаро, амиру умаронинг туҳфа-инъомига эътибор қилмас, (ёш Алишер Навоий каби) муридларга ҳам шуни таълим берардилар”.*[39] Аслини олганда, луғавий маъноси йўлни билдирадиган тариқат – инсонларни устоз ёрдамида махсус таълим-тарбия билан гўзал ахлоқ, покиза қалб ҳамда латиф руҳ соҳиби этиб шакллантирадиган ва Аллоҳга яқинлаштирадиган ўзига хос таълимотдир. Бинобарин, Навоий “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарида тариқат намояндалари хизматида бўлганини *“Дарвешлар ва аҳлуллоҳ (Аллоҳ аҳли) мулозаматиға кўп етибмен”*[40], деб хонақоҳ ва работларда устоз шайхлар хизматида бўлганига ишора қилган. Ваҳоланки, шоир “Маҳбуб ул-қулуб”да ҳам *“гоҳо поклик хонақоси аҳли(Шайхлар)нинг обдасталарига сув қуйиш билан улар ўртасида обрў топгани, ёлғизлик хилватгоҳида ётгани (зоҳидликка берилгани), азиз(авлиёю шайх)лар хизматидан ва улар суҳбатидан баҳраманд бўлганини”*[41] айтиб ўтган. Чунончи, мутафаккир фикрини Хондамир ҳам *“сулук йўлидан юрган”*[42] *“Навоий ёшлик ва йигитлик даврида доимо дарвешлар хизматида бўлган”*, деб тасдиқлаган:*“...Ул зот ёшлик ва йигитлик давринининг гуллаб-яшнаган чоғларида ҳар доим “Улар туриб ҳам, ўтириб ҳам, ётиб ҳам Аллоҳни зикр этадилар” (Қуръони Карим “Оли Имрон” сураси, 191-оят) ояти улар борасида туширилган дарвешлар билан мулоқотда бўлишга интилиб юрар, қўлидан келганича ва имконияти етганича иродат ва ихлос билан олий мартабали ушбу тоифага мансуб кишиларнинг хизматида бўлардилар.*

(Шундан сўнг ул Ҳазрат) бир неча вақт давомида бу дунёнинг барча қизиқишлари ва ҳою ҳавасларидан кўнгил узиб, табаррук макон бўлган Работи Суҳайл деган жойда яшай бошладилар. Одамлар билан бўладиган мулоқот ва муносабатдан этак йиғиштириб, файзу баракотларга тўла вақтларини турли

[39] Комилов Н. Хизр чашмси. Т.:Маънавият, 2005.-Б.305.

[40] Алишер Навоий. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. Ўнинчи жилд. ТАТ. Т.Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.96.

[41] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб.Т.: Янги аср авлоди, 2019.-Б.21.

[42] Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Т.Ғ.Ғулом номидаги НМИУ,2015.-Б.61.

риёзатлар чекиш ва ибодатлар қилиш билан ўтказишга киришдилар”.[43] Работ деганда кўпчилигимизнинг кўз ўнгимизга карвонсарой келган, бўлса ажаб эмас. Дарвоқе, Навоий карвонсарой (Меҳмонхона)да ҳам яшаган экан, деб ўйлагандирсиз, азиз ўқувчи! Аслини олганда, работ арабча сўз бўлиб, ўрта асрларда арабларнинг тўртбурчак шаклдаги, деворларида миноралари бўлган қароргоҳи, истеҳкоми ёки қўрғони ана шундай ном билан аталган. Қомус.инфода баён этилишича, Ислом дини тарқалаётган дастлабки даврда ғозийларга мўлжаллаб қурилган махсус бино ҳам работ дейилган. Кейинчалик работ деганда карвонсарой тушунилган. Қолаверса, гўшанишин дарвешлар, яъни зоҳидлар ҳам работларда яшаганлар. Демак, бундан чиқди, Навоий ҳам ёшлигида маълум муддат тасаввуф шайхларидан бирига қўл бериб, зоҳидлар каби узлатга чекинган ва сўфийларнинг Работи Суҳайлида яшаган ҳамда тасаввуф таълимотини ўрганган, кўринади.

Шунингдек, улуғ шоир таржиъбандида работдан ташқари, тасаввуф шайхларининг хонақоҳига бориб, пиру муршидга шогирд тушиб, таълим олганини ҳам зикр этган:

Тариқат сулукин касб этгали,
Ҳамул кунки бўлди ҳавое манга.
Бурун зуҳди тақвони айлаб шиор,
Дедимким, етишгай сафое манга.
Бориб хонақоҳ ичра қилдим мақом,
Бу маъни худ ўлди балое манга.
Боқиб хилвату зикру сажжодани,
Зуҳур этти ҳар дам риёе манга.
Булардим ўзумни халос айладим,
Ки то ҳосил ўлғай фаное манга.
Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синғон сафол.

Ушбу мисралар “Навоийдан чу топқайлар навое” китобида шундай шарҳланади: “(Навоий таъбири билан айтганда:) *Ўша куни мен тариқат сулуки, яъни тасаввуф йўналишини ҳаётимга татбиқ этишни истаган эдим. Аввалларида қалб мусаффолигига етишай деб, зуҳду тақвога қаттиқ берилдим. Аммо иш мен ўйлагандек эмас экан: ихлоссиз, муҳаббатсиз ибодат наф бермас экан. Кейин*

[43] Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Т.Ғ.Ғулом номидаги НМИУ,2015.-Б.62.

тасаввуф пири ҳузурига бориб, унинг таълимини олишга киришган эдим, билдимки, менинг қуруқ зоҳирий ибодатлар билан юксакликка эришиш ҳақидаги хаёлим бир бало экан. Ўзимни хилватга олиб, зикру намоз билан машғул бўлганимда ҳам менда риё иллати зоҳир бўлар эди. Энди мен бундай ибодатлардан, яъни одамлар кўзига ибодат кўринса-да, аслида шахсий манфаатларга қаратилган, ихлоси етарли бўлмаган зоҳирий ибодат қилишдан воз кечдим. Мақсадим – фано мақомини ҳосил қилиш: қалбда Аллоҳдан ўзгага жой қолмасин, Унга қиладиган ибодатларим, тақволаримда ҳам Аллоҳдан ўзганинг мулоҳазаси бўлмасин. Уни кўриб тургандек ибодат қилай, чин ихлос билан тоатда бўлишга эришай. Мана шу мақсадда муршид даргоҳига ошуфтаҳол кириб бордим. Қалбим ниҳоятда синиқ, шикаста, айни вақтда турли иллатлардан қутила олмай ҳалак эди. Истагим – Аллоҳнинг севгиси, илоҳий ишқ нашъу намоси эди”.[44] “Таржеъбандни ўқир эканмиз, муаллифнинг рози дилидан огоҳ бўламиз, чунки у ёшлигидан бошлаб, ҳар хил илмларни ўргангани, “Маҳбуб ул-қулуб”да таъкидланганидек, ҳар хил “саргузашт”ни бошидан кечириб, дунё ва унинг одамлари ҳақида кўп мулоҳаза юритганини ёзади. Шоҳу султонлар дабдабаси, шайхулислом ва уламо-умаролар, мана-ман деган донишмандлр суҳбати уни қониқтирмаган, уларнинг бирортаси ҳам инсон қаршисида пайдо бўладиган минглаб саволларга жавоб беришга қодир эмас эди. “Назар айла бу коргоҳ вазъиға, ки тамошосида ҳайратим”, дейди шоир. Олам моҳияти нимадан иборат, инсон нега дунёга келади ва яна нега кетади? Нега қуёш ҳар тонг нур сочиб чиқади, фалак доим гардишда? Нега инсон зоти бир хил эмас? Фирибгарлик, қонхўрлик, риё, ёлғон қаердан келиб чиққан? Бу ва бунга ўхшаган саволлар Навоийни ҳамиша қийнаб келган. На ўзимнинг “саъй ила фикратим”, “на касби улум этти ҳал мушкулим”, - деб ёзади, у. Юрагида ҳар хил андишалар, шубҳалар кезгани, лекин замон тафаккури доирасидан батамом чиқиб кетишга журъат қилолмаганини эслатади. Ва оқибатда:

Менинг бошима бас қотиғ тушди иш,
Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим,-

дея ўзини тасаввуф билан овутади, яъни “май била улфат” тутинади.

[44] Алишер Навоий. Навоийдан чу топқайлар навое. Т, Ҳилол-нашр,2014.-Б.46.

Шундай қилиб, тасаввуф Навоийга жаҳолатдан қутулиш, дунёни билишга, чанқоқ юракни маълум даражада тинчитишга кўмак берган. Бунинг икки сабаби бор: биринчиси шуки, Навоий яшаган замоннинг ақлий тараққиёт даражаси, фан ривожи реал дунё воқеаларини илмий асосда тушунтиришга ожизлик қиларди. Иккинчиси эса, бу яна муҳимроқ: инсоннинг ақлий имкониятлари, донолиги билан ахлоқи, аъмол-нияти орасида мавжуд бўлиб келаётган номувофиқликдир. Навоий ақлу заковати ҳайратланарли, қилни қирқ ёрувчи кишилар ичида нафс домига тушган, зулм ва бадкирдорлиги билан машҳур бўлганларни кўп кўрган эди. Шунинг учун улуғ гуманист шоир ахлоқни – фазилатлар тарбиясини биринчи ўринга қўядики, бу ҳам тасаввуфона мурожаат этишга олиб келарди. Зеро, тасаввуф бутун эътиборни айнан инсон ахлоқини поклашга қаратиб, шу мақсадда турли йўл-йўриқлар, амалий тадбирлар ишлаб чиққан эди. Тасаввуф одамни виждони билан юзма-юз қўйиб, ўзи ҳақида ўйлашга мажбур этар, ҳақиқат ва эътиқод поклиги руҳида тарбияларди.”[45]

Албатта, Навоий маълум муддат Работи Суҳайлда таркидунёчиликка берилар экан, тасаввуф таълимоти мазмун – моҳиятини англаб етишга ҳаракат қилган ва бу кейинчалик унинг асарларида акс этади: *“Шундай қилиб, Навоийда дарвешчилик ғояси, таркидунёчилик ва зоҳидлик ғояси ҳам, ночор ва қашшоқ кишилар мафкураси эмас, балки ботиний маънавий юксалиш ғояси, яъни Комил Инсон маънавиятидир”*.[46]

Хўш, зуҳд ва зоҳидлик нима? Нега Навоий Работи Суҳайлга бориб, зоҳидлар сафига қўшилган? (Кўкалдош.ўз сайтида ёзилишича,) “Зуҳд” луғатда “рағбатнинг оз бўлиши” маъносида бўлиб, “заҳада фийҳи” дейилса, “ундан воз кечди” мазмунини билдиради. “Зуҳд”нинг истилоҳий маъноси эса, “дунёдан воз кечиб, охиратга майл қўйиш”, демакдир. Қуръони Каримда шундай марҳамат қилинган: *“Кимки охират экинини (савобини) истар экан, Биз унга экини (ҳосили)ни зиёда қилурмиз. Кимки дунё экинини истар экан, Биз унга ўшандан берурмиз ва унинг учун охиратда насиба (савоб) бўлмас* (Шўро сураси, 20-оят). Охират экини – бу зоҳидликдир. Саҳл ибн Саъд Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят

[45] Комилов Н. Каманд учига еткурмас ғаму андеша айёри. //Навоий ғазалиёти талқинлари.Тўпловчи, тузувчи ва нашрга тайёрловчи Н.Жумахўжа. Т.: Ўзбекистон, 2018. –Б.157-170.

[46] Комилов Н. Хизр чашмси. Т.:Маънавият, 2005.-Б.35.

қилинади: *“У киши айтди: “Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, “Эй, Расулуллоҳ! Мени бир амалга далолат қилингки, уни қиладиган бўлсам, Аллоҳ ҳам ва инсонлар ҳам мени яхши кўришсин”, деди. У зот: “Дунёда зоҳид бўлгин (дунёдан юз ўгиргин), Аллоҳ сени яхши кўради ва инсонларда бўлган нарсалардан воз кечгин, инсонлар сени яхши кўришади”, дедилар* (Ибн Можа ривоят қилган). Яна бир ҳадисда шундай дейилган: *Абу Ҳурайра ва Абу Холлад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: “Агар дунёда зоҳидликка берилган гап-сўзли кишини кўрсангиз, унга яқинлашинг. Зеро унга ҳикмат берилибди”, дедилар* (Байҳақий “Шуъабил Иймон”да ривоят қилган). Бундан ташқари, Умар розияллоҳу анҳу шундай деган: *“Дунёдаги зоҳидлик қалб ва жасаднинг роҳатидир”*. Хўш, юқоридаги оят ва ҳадисларда тарғиб қилинган ҳақиқий зоҳидлик нима? Имом Ғаззолийнинг “Иҳяу улум-ид-дин” китобида ёзилишича, *“Бир нарсага рағбатнинг йўқ бўлиб, ундан кўра яхшироқ бўлган нарсага рағбат қилишни ифодалаш зуҳд дейилади. Савдо қилиш, алмаштириш ва бошқа сабаблар билан бир нарсадан юз ўгириб бошқа нарсага рағбат қилган ҳар бир киши, бировга берган нарсасига рағбати кам бўлгани учун ундан воз кечди, бошқа нарсага қизиқиши бўлгани учун бошқадан олган нарсасига, унга юзланди, дейилади. Воз кечган нарсасига нисбатан “зуҳд” дейилади. Қизиққан нарсасига нисбатан “рағбат” деб аталади. Ҳақиқий зуҳд ҳосил бўлиши учун инсоннинг воз кечган нарсасига ҳам аввалда унга нисбатан рағбати бўлган бўлиши лозим. Шунга кўра ким ўзига қизиғи бўлмаган нарсани тарк қилса, у зоҳид дейилмайди. Масалан, тош, тупроқ, ҳашорат каби нарсалардан воз кечган киши зоҳид эмас. Балки, ким динор, дирҳам каби инсоннинг рағбати бўлган нарсалардан воз кечса, у зоҳид дейилади”*. Бинобарин, Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳи ҳам шундай деганлар: *“Зуҳд уч хил кўринишда бўлади: 1. Ҳаромни тарк қилиш. Бу умуман барча одамларга лозим зуҳддир. 2. Ҳалол саналган нарсалардан ҳожатидан ортиғини тарк қилиш. Бу хос инсонларнинг зуҳдидир. 3.Аллоҳга зикр ва ибодат қилишдан тўсиб қўядиган барча нарсаларни тарк қилиш. Бу орифларнинг зуҳдидир. Биринчи босқичдаги зуҳдни амалга ошириш барча инсонларга фарздир. Иккинчи босқичдаги зуҳд эса мустаҳаб бўлса-да, лекин, аввалги*

босқичдаги зуҳдни ҳосил бўлиши ҳам иккинчи босқичдаги зуҳдга боғлиқ бўлади. Чунки ҳожатидан ортиқча нарсага кўпроқ берилиб кетган кишининг манъ қилинган гуноҳни ҳам содир қилиб қўйиши эҳтимоли кўпроқ бўлади. Учинчи босқичдаги зуҳд биринчи ва иккинчи босқичдаги зуҳдни амалга оширгандан кейин ҳосил бўлади". Имом Ибн Мансур Мақдисий раҳматуллоҳи алайҳ "Шарҳу маназилис саирийн" китобида зуҳд бобида шундай деганлар: *"Барча зотларнинг фикрича, зуҳд-қалбнинг дунё ватанидан охират манзилларига сафар қилишидир"*. Демак, хулоса қилиб айтганда, юқоридаги оят, ҳадис ва улуғ алломалар китобларидан тўла хабардор бўлган Ҳазрат Алишер Навоий ёшлик йиллариданоқ охиратини ўйлаган ва шунинг учун дунёдан воз кечиб, муайян вақт Ҳиротдан Работи Суҳайлга борган ҳамда бизга номи номаълум бўлган улуғ шайхга шогирд тушиб, зоҳидлар сафига қўшилган. Бу жараёнлар эса бир умр фақру фано ва дарвешлик йўлини тарғиб этган, ўзи ҳам дарвеш ва ҳақиқий зоҳидлардан бири бўлган Алишер Навоий дунёқарашининг шаклланишида муҳим ўрин тутган.

НАВОИЙ ЭЪТИРОФ ЭТГАН ЖАҲОНШОҲ МИРЗО КИМ ЭДИ?

1408 йил 21 апрелда Жанубий Озарбайжондаги Сардрудда Қора Юсуф бошлиқ қора қўюнли туркманлар ва Мироншоҳ бошлиқ темурийлар ўртасида жанг бўлиб ўтди. Жангда Мироншоҳ Мирзо ҳалок бўлади ҳамда Қора Юсуф тўла ғалабага эришиб, Табриз ва бутун Жанубий Озарбайжонни қўлга киритади.

1410 йили Оқ қўюнлилар давлати раҳбари Қора Усмон Шарқий Анатолиядан Арзинжонга – Қора Юсуфга қарши уруш ҳаракатларини бошлади. Бундан фойдаланган Аҳмад Жалойир Табризни эгаллаб олди. Қора Юсуф қўшинини Анатолиядан қайтаришга мажбур бўлди. 1410 йил 30 август куни Табриз яқинидаги жангда Аҳмад Жалойир қўшини қақшатқич зарбага учрайди. Жангнинг эртанги куни Аҳмад Жалойир қочаётган пайтда тутиб олиниб, ўғиллари билан қатл қилинади. Табриз узил-кесил Қора қўюнлилар давлатига қўшиб олинади, кўп ўтмай Бағдод ҳам

қўлга киритилади. Шундай қилиб жалойирийлар давлати тугатилиб, Қора қўюнли туркманлар салтанати ташкил топади.[47]

Жаҳоншоҳ ибн Қора Юсуф (1397-1467) Қора қўюнлилар салтанатининг қудратли ҳукмдорларидан бири бўлган. Манбаларда Жаҳоншоҳ Туркман ҳам дейилади. Ироқ ва Озарбайжонда 1437 йилдан бошлаб, Шохруҳ Мирзонинг вассали сифатида ҳукмронлик қилган. 1447 йилда Шохруҳ Мирзо вафотидан сўнг мустақил сиёсат юритган. 1467 йилда бўлган жангда Оққўюнлилар ҳукмдори Узун Ҳасандан мағлубиятга учраб қатл этилган.

Жаҳоншоҳ Мирзо зуллисонайн шоир бўлиб, туркий ва форсийда шеърлар ёзган. Фахрий Ҳиравий таъбири билан айтганда, *“Жаҳоншоҳ Мирзо Туркмоннинг ҳам яхши табъи бор эди ва шеърни яхши айтар эди ва Ҳақиқий деб тахаллус танлаган эди. Ва филҳақиқат, назмда у дарвишона ва тасаввуфга яқиндир”*.[48] Жаҳоншоҳ Мирзо “Мажолис ун-нафоис”да ҳам эътироф этилган: *“Жаҳоншоҳ Мирзо – дағи шеър айтур эрди. Бу мақтаъ анингдурким:*

Аз лутфи дўст ёфт Ҳақиқй мурод дил,
Бе жидду жаҳди тоату бе миннати амал.

(Мазмуни: Тоатда ортиқча тиришқоқлик ва иш(лар)да миннатсиз дўстнинг лутфи туфайли дил Ҳақиқий мурод ҳосил қилди.)[49]

Шоҳлар шоири асарларининг икки қўлёзмаси маълум бўлиб, бири Британия музейида, иккинчиси Еревандаги Қўлёзмалар институтида сақланади. Бизгача Жаҳоншоҳ Ҳақиқийнинг туркий тилдаги 91 ғазал ва 36 рубоийси, форсийдаги 116 ғазал ва 11 мустазоди етиб келган.

Жаҳоншоҳ Ҳақиқий Абдураҳмон Жомийга шеърларидан намуналар жўнатган. Жомий унинг шеърлари билан танишгач, 28 байтдан иборат шеърий мактуб йўллаган. Шоҳлар шоирининг шеърларида ўша даврдаги ҳуруфийлик таълимоти, айниқса, Насимий ижодининг кучли таъсири сезилади.[50]

Жаҳоншоҳ юксак шеърий истеъдод соҳиби бўлиб, Табриздаги саройида ижод аҳлини тўплаб, шеърий мажлислар ўтказган.

---

[47] Воҳидов Ш. Қодиров А. Шарқнинг машҳур сулолалари. Т. Академнашр, 2013.-Б.351.
[48] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т. Мумтоз сўз, 2014.-Б.82.
[49] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т.Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.172.
[50] Алишер Навоий. Қомусий луғат. Биринчи жилд. Т. Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.181.

Жаҳоншоҳ Мирзо темурий Иброҳим Мирзо ибн Алоуддавлани енгиб, Журжон ва Хуросонни вилоятларини, 1458 йил июнда эса пойтахт Ҳиротни қўлга киритади. Султон Абусаъид Мирзо билан сулҳ тузиб, Жаҳоншоҳ Ҳиротни тарк этади. Шунда унинг ўғли Пир Будоғ Мирзо ўзи билан ҳиротлик шоирларни Табриз саройига олиб кетади: *“Охир ул-амр, Султон Абусаъид етишиб, сулҳ тузиб, яна Табризга юзланди. У маҳалда Пир Будоғ Мирзога кўплаб хуштабъ мардум ҳамроҳ эди.”*[51] Навоий ҳам Пир Будоғ Ҳирот шоирларини ўзи билан Шерозга олиб кетганда, шоир Вали Қаландар ҳам улар орасида бўлганлигини айтади.[52] Демак, шоир Вали Қаландар Жаҳоншоҳ саройидаги мушоираларда қатнашган. Бинобарин, Навоий ҳам 1458 йилда Ҳиротда Жаҳоншоҳ Мирзо билан учрашгани ёки Пир Будоғ Мирзо Шерозга шоирларни олиб кетганда, у билан боргани эҳтимолдан ҳоли эмас. Албатта, хуросонлик назм аҳлининг Қора қўюнлилар салтанатига элтишдан мақсад ҳам ҳукмдор ҳузурида шоирлар иштирокида адабий мажлислар ташкил этиш ва мушоиралар уюштиришдан иборат бўлган.

Мухтасар айтганда, Жаҳоншоҳ Мирзо ҳузуридаги адабий мажлислар мумтоз адабиётимиз равнақига хизмат қилган.

НАВОИЙНИ “УСТОЗУ ПИРИМ” ДЕГАН ТУРКМАН ҲУКМДОРИ

Ўз даврида Алишер Навоий билан яқин дўстона алоқа ўрнатган туркий ҳукмдорлардан бири Султон Яъқуб Оққўюнли Туркмандир. Шоирлар султони ўз асарларида адабиёт аҳли ва шеърият анжуманларини хуш кўрган Яъқуб подшоҳ номини чексиз ҳурмат билан тилга олган. Дарҳақиқат, Фахрий Ҳиравийнинг ёзганидек, *“Алишер Навоий ўзининг “Тазкират уш-шуаро” китобида келтирганки: Султонлар орасида у каби писандида зот ва ҳамидасифат ва дарвешсифат ва фониймашраб йигит кам бўлган”*.[53]

[51] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т. Мумтоз сўз, 2014.-Б.83.

[52] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т.Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.48.

[53] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2014.-Б.81.

Тарихга назар солсак, Оққўюнли (оқ қўйлилар) туркманлар мамлакати (1378-1508) XIV-XV асрларда Курдистонда ҳамда Кавказолди ва Кичик Осиёнинг баъзи минтақаларидаги бирлашган ўғуз (туркман) қабилалари иттифоқи сифатида ташкил топган эди. Байроғида оқ қўчқорнинг расми бўлган Оқ қўюнлилар Византия солномаларида Анатолиянинг шарқига кўчиб келишларидан бошлаб, яъни 1340 йилдан бошлаб тилга олинади.

Амир Темур 1402 йили Усмонлилар империясига қарши жангда иттифоқчи сифатида қатнашган Оққўюнлилар давлати асосчиси Қора Усмон (1378-1434)га Диёрбакр вилояти (ҳозирги Туркиянинг Дажла дарёси оқими)ни инъом этади.

Қора Усмоннинг набираси Узун Ҳасан (1423-1478) акаси Жаҳонгирга қарши урушда ғалаба қозониб, давлатни мустақил бошқара бошлайди. 1467 йилда эса у Қора қўюнли (қора қўйлилар) туркманлар ҳукмдори Жаҳоншоҳни мағлуб этиб, Оқ қўюнлилар салтанатини тузади ва пойтахтни Табризга кўчиради. Шимолий Эрон, Озарбайжон ва Ироқ ҳудудини эгаллаган Узун Ҳасан Оққўюнли подшоҳлик мақомини эгаллайди. У “Қонуннома” номли қонунлар тўпламини ишлаб чиқади ва қатор ислоҳотлар ўтказади. Бироқ, 1473 йилда Узун Ҳасан Тержондаги жангда Усмонлилардан мағлубиятга учрайди. 1480 йилда эса унинг ўғли Яъқуб подшоҳ даврида Сулаймонбек бошчилигидаги Оққўюнлилар армиясининг турклар билан муҳорабада қўли баланд келади.

Ҳасанбекдан сўнг тахтга аввал Халилбек, 1478 йилда эса 15 яшар Яъқуббек (1463-1490) ўтиради. Султон Яъқуб Озарбайжон, Ироқ ва Эроннинг бир қатор шаҳарларини эгаллаб, Оққўюнли туркманлар давлати ҳудудига кўплаб мулкларни қўшиб олади. Султон Яъқуб даврида Оққўюнлилар мулки Шарқнинг қудратли давлатларидан бирига айланади. 1489 йили Султон Яъқуб даврида маслаҳатчи Сайфиддин Исо томонидан молиявий ислоҳотлар бошланади. Бу ислоҳот авлоддан авлодга мерос суюрғол тизимини ўзгартириб, янгидан ерларни рўйхатга олишни кўзда тутарди. Суюрғолдан айрилиб қолишни истамаган мулкдорлар ислоҳотга кескин норозилик билдиришади. 1490 йили Султон Яъқуб ва укаси Юсуфбек онаси томонидан заҳарлаб ўлдирилади ва ислоҳотлар ҳам тўхтатилади: *“Яъқуб подшоҳ 896 йили 20-30 ёшлар орасида вафот этган:*

Умри он Хусрави баланд жаноб,
Буд дар ашари сеййўмин зи шабоб.

(Мазмуни: Ул олижаноб подшоҳнинг умри, йигитликнинг учинчи ўнлигида эди.)

Подшоҳнинг вафоти таърихини Мавлоно Биноий шундай айтган:

Шоҳ Яъқуб онки, шоҳонаш,
Ҳама чокар шуданду вай хусрав.
Буд Кайхусрави замони хеш,
Рафти таърих монд "Кайхусрав".

(Мазмуни: Шоҳ Яъқуб шундай одам эдики, барча шоҳлар унга хизматкор, у эса подшоҳ бўлган эди. Ўз замонининг Кайхусрави эди, кетди-ю таърих "Кайхусрав" бўлиб қолди).

Яъқуб подшоҳнинг бу дунёдан кўчиш аҳволи (ўлими) тўғрисида шундай нақл қилинади. Онаси Яъқубнинг укаси Юсуфни кўпроқ яхши кўрар ва унинг подшоҳ бўлишини хоҳлар экан. Шу ниятда шарбатга заҳар солиб, Яъқубга беради. Яъқуб ўзи ичган, ўша шаробдан меҳмон қилиш учун акасига ҳам насиба чиқартирган. Укасининг онаси қилган бу суиқасддан хабари йўқ эди – билмасдан у ҳам ичади ва онаси ҳузурига ҳам татиб кўриш учун юборади. Онаси ҳам "ўзинг ичирган шарбатдан ичирсан" мазмунига кўра, заҳарланган шарбатдан ичади ва "қазо етса – кўздан нур қочади" ҳукмига биноан ҳаётдан кўз юмади. Мавлоно Биноий улар марсиясида шундай шеър айтган:

На аз Юсуф нишон дидам, на аз Яъқуб осоре,
Азизон, Юсуф а-р гўм шўд, че шуд Яъқубро боре?

(Мазмуни: На Юсуфдан бир нишон топдим, на Яъқубдан бир из, азизлар, Юсуф агар йўқолган бўлса, Яъқубга на бўлди, бу гал?)"[54]

1508 йилда эса сўнгги Оққўюнлилар салтанати султони Муродни енгиб, Исмоил Сафавий бу салтанатга чек қўяди.

Бу сулоланинг машҳур ҳумкдорларидан бири – Султон Яъқубдир. Султон Яъқубнинг шоир бўлган ҳамда гўзал шеърлар ёзган:

Лашкар кашам аз ашку барорам алам аз оҳ,
Хоҳам гирифт руйи заминро бадин сипоҳ.

[54] Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. Т. Мерос, 1993.-Б.72.

Яъқубвор мунтазири руйи Юсуфам,
Ҳастам ғуломи Маҳдиву мастам з-жоми шоҳ.

(Мазмуни: Кўз ёшидан лашкар тузаман ва оҳдан байроқ тикаман, Шу сингари сипоҳ билан ер юзини олишни истайман. Яъқубвор Юсуфнинг юзига интизорман, Маҳдининг ғуломиману шоҳнинг жомидан мастман).[55]

"Маълумки, Ҳирот Темурийларнинг (1370-1506) сўнгги вакили Ҳусайн Бойқаро (1469-1506) даврида гуллаб яшнаган. Темурийларга қўшни бўлган заминдаги Оққўюнлилар сулоласи ҳам маданият ва санъат тараққиётига катта эътибор берган".[56] Оққўюнлилар салтанати ҳукмдорлари ҳузурида саройда тўпланган шоирлар иштирокида адабий мажлислар ўтказилган. Оққўюнлилар мамлакати султони Яъқуб бошчилигидаги адабий муҳитда Фахрий Ҳиротийнинг ёзишича, кўплаб шоирлар ижод қилган. Шулардан 40 нафари ҳақида Фахрий Ҳиротий тазкирасида маълумот бериб ўтган. Демак, шоирларнинг сони юзга яқин ёки ундан ортиқ бўлган бўлиши мумкин.

"Сир эмаски, Навоий Қорақўюнли ва Оққўюнли давлатларидаги адабий муҳитдан ҳам хабардор бўлган. "Мажолис ун-нафоис"нинг еттинчи мажлисида барча темурий подшоҳ ва шаҳзодалар қаторида шу икки сулола вакиллари номини Қорақўюнлилардан Жаҳоншоҳ Мирзони, Оққўюнлилардан Султон Яъқубни санаб ўтади ва уларнинг шеърларидан мисоллар келтиради".[57] Шунингдек, Алишер Навоий ҳам Оққўюнлилар адабий муҳити намояндалари, яъни Султон Яъқуб саройи шоирлари ҳақида ҳам қатор маълумотларни келтириб ўтган. Навоий *"Шайх Нажм – ҳам совалиқдур ва Қози Исоға қаробатдур. Султон Яъқуб қошида андин махсусроқ ва нойиброқ киши йўқ эрди. ...Фуқаро ва масокиннинг ишига кўп мададкорлиқлар қилди. Андоққи яхши оти атроф ва жавонибқа борди. Бу фақир(Навоий) била дағи ғойибона муҳаббат ва ёрлиқ ва инилиқ қоидасин маъруи тутти"*, деган ва унинг шеъридан намуна келтирган. Шунингдек, *"Қози Исони Султон Яъқуб ул мартабада таъзим ва тарбият*

[55] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т. Мумтоз сўз, 2014.-Б.81-82.
[56] Алишер Навоий. Оққуюнли мухлислар девони (1471). (Нашрга тайёрловчи А.Эркинов). Research institute for languages and cultures of Asia and Africa (ILCAA), 2015.-P.13.
[57] Алишер Навоий. Оққўюнли мухлислар девони (1471 йил). (Нашрга тайёрловчилар: А.Эркинов, Р.Жабборов). Т. "Шарқ" НМАК БТ, 2020. –Б.10.

қилдиким, ҳеч подшоҳ аҳли алоқадин ҳеч кишини онча тарбият қилганини тарихларда кўрилмайдур. Дерларким, шеърға андоқ машъуфдурким, кунда ўн ғазал, балки кўпроқ ҳам айтур эрмиш...”[58] Албатта, Навоий зикр этган ҳам қозилик, ҳам шоирлик билан шуғулланган Қози Исо Султон Яъқубни ҳамиша адолатга ундаган. Қазвиний у адолат билан кўпчиликнинг қалбида ҳурмат иморатини қурган эди, деб ёзган. Сом Мирзо Сафавий (1517-1576) шоирларга бағишланган “Туҳфаи Сомий” тазкирасида Абдураҳим Хоразмийни Мавлоно Анисий номли шоир сифатида таништириб, шундай маълумот келтирган: “Мавлоно Анисий асли Хоразмликдир. Султон Яъқуб хизматида бўлган. Настаълиқ хатини юксак маҳорат билан ёзгани учун халқ уни Султонали Машҳадийдек деб биларди. Анисий 1460-1494 йиллар оралиғида, яъни ўттиз йилдан кўпроқ давр мобайнида Оққўюнлилар саройида хизмат қилиб, сулола ҳукмдорлари учун бир неча қўлёзмаларни кўчирган.

Қози Аҳмад хаттотлар ва рассомлар тўғрисидаги рисоласида ёзишича, Анисий тахаллусига Оққўюнлилар ҳукмдори Султон Яъқуб уни ўзига яқин тутиб анис-дўст деб атагани асос бўлган. Яна кўпгина шоирлар Анисий шогирдлари бўлиб, унинг услубига эргашиб шеър битишган. Демак, (Султон Яъқуб саройи шоири) Анисий – Абдураҳим Хоразмий яхши шоир ҳам бўлган экан. Анисий форсча шеърлардан иборат девон яратиб, уни 899/1493-94 йили ўзи кўчирган ва бу дастхат нусха бизгача етиб келган”.[59]

Форсийнавис шоир Мавлоно Шаҳидий (1431-1530) бир неча муддат Султон Яъқуббек адабий мажлиси мусоҳиби бўлган:[60] *“(Мавлоно Шоҳидий) Ошуфтаваш ва девонасор киши кўрунур. Аммо бу тарийқлари жаъли ранг ҳам бор. Ироқдин Хуросонга икки навбат келиб борди. Бадиҳаси равондур ва таассуби ғолиб ва табъи ҳазлға кўп роғибдур”.*[61] “Мажолис ун-нафоис”нинг таржимони Муҳаммад Қазвиний Мавлоно Шоҳидий Ироқдан Хуросонга келганда, Абдураҳмон Жомий суҳбатига мушарраф бўлгани ва Навоий билан суҳбатлашганини ёзган.[62] Шоир Шаҳидий

[58] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012. –Б.408-409.
[59] Алишер Навоий. Оққуюнли мухлислар девони (1471). (Нашрга тайёрловчи А.Эркинов). Research institute for languages and cultures of Asia and Africa (ILCAA), 2015.-P.18-19.
[60] Алишер Навоий: Қомусий луғат. Биринчи жилд. Т: Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.299.
[61] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.164.
[62] Алишер Навоий: Қомусий луғат. Биринчи жилд. Т: Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.299.

Қумий Султон Яъқуб замонининг “Маликуш-шуаро”си унвонини ҳам олган.

Навоий Оққўюнлилар салтанати шоирларидан Мавлоно Ҳумоий ҳақида шундай ёзган*: “Аммо кўпрак авқот (вақт), балки ҳамиша Ироқда бўлур. Бир қатла келиб кетти. Бағоят фақир ва камсухан ва номурод киши кўрунур. Аммо наузу биллоҳ андинким, бир мажлисда анга бир аёқ берсалар, ул арбада ва пургўйлиқким, андин зоҳир бўлур, анинг шарҳи мутааззирдур.”*[63]

“Шафиъий” тахаллуси билан ижод қилган зуллисонайн шоир Зиё Табризий Оққўюнлилар сулоласидан Яъқуб Султон саройида бир муддат хизмат қилиб, умрининг охирида Табризга қайтиб келади.[64]

Туркман бекларидан соҳибдевон шоир Шоҳ Туркман Адҳамий Иброҳим тахаллуси билан шеърлар ёзган. Навоий унинг *“мутаайин хуштабъ ва зарофатлиқ киши”* эканини эътироф этган.[65] Амир Музаффар Туркман Султон Яъқуб саройи шоирларидан бири бўлган. Нисорийнинг ёзишича, *“Яъқуб подшоҳнинг қадимий амирларидан Амир Музаффарнинг хуш суҳбати ва дилкаш мажлиси бор эди. Иншо ва имло қоидаларини яхши биларди. Яхшигина шеърлар айтарди:*

Дар хилъати сафид қадди он пари ҳисол,
Шохи шукуфе аст зи бустони эътидол.

(Ул пари ҳисолнинг қадди оқ кийимда, Адл дарахтли бўстондаги оппоқ гуллаган шоҳага ўхшайди.)”[66]

Султон Яъқуб даври адабий муҳитининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унинг атрофидаги амалдорлар, ҳокиму зиёлилар, сарой айёнларининг барча-барчаси шеър айтган, шоир бўлган. Бу биринчидан.

Иккинчидан, манбаларда Оққўюнлилар салтанатининг энг машҳур шоирларидан бири сифатида Дарвеш Деҳакий тилга олинган. “Мажолис ун-нафоис”да Навоий Дарвеш Деҳакий ҳақида ёзар экан, *“Дерларким, абдолваш кишидур. Девони дойим белига боғлиқдур. Ҳар байти, ё маънисиға эҳтиёж бўлса, кўргали филҳол девонин чиқариб, топиб кўргузур. Филвоқеъ фақир(Навоий)нинг*

[63] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т.Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.164.
[64] Алишер Навоий: Қомусий луғат. Биринчи жилд. Т. Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.192.
[65] Кўрсатилган асар. –Б.163.
[66] Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. Т. Мерос, 1993.-Б.180-181.

шеърга шуурум бор ул тарафдан(Оққўюнлилар юртидан) анинг абётидин яхшироқ назм келмади” дейди. Муҳаммад Қазвиний Деҳакий ҳақида қуйидагиларни қайд этган: *“Султон Яъқубхон Дарвеш Деҳакийни ҳузурига чорлаганда, у (мажлисда) бир байтни ўқибди. Унинг биринчи мисраси маъноси шундай экан, “Агар унинг ўқи олдимга йўналса, орқамга қалқон тутаман”. Буни эшитган шоҳ таажжуб қилиб, ўқдан сақланиш учун орқага қалқон тутиш нимаси? – деганда, шоир: “Сабр қилинг, иккинчи мисрани эшитинг” дебди: “Токи унинг ўқи – новакининг чиқиб кетиш йўли бекилсин”. Шоҳ шунда лол қолиб, шоирга “Нимаки тилагинг бўлса айтгил, бош устига бажараман”, дебди. Шоир “Дўстга дўстдан яхшироқ нарса йўқ”, дея жавоб берибди. Шоҳ яна фикрини қайтарганда, шоир: “Боғларимдан олинаётган хирождан озод қилсангиз”, дебди. Шоҳ буни бажарибди.”* “Бадое ул-вақоеъ”да ёзилишича, шоир Биноий Султон Яъқуб билан учрашуви ҳақида ҳикоя қилган. Мавлоно Биноийнинг айтишича, “Табриз вилоятига яқинлашдик. Яъқуббек мулозаматига мушарраф бўлдик. Бу дилнавоз шоҳ деди: *“Бизнинг диёрда сизларга нималар ёқди?”* Мен: *“Дарвеш Деҳакий суҳбатидан ўзга ҳеч нарса ёқмади”,* дедим. Дарвешни мадҳ ва васф қилдим. Шоҳ Деҳакийни ҳузурига чорлади.

(Адабий мажлисда Деҳакий) Шоҳ билан учрашганда (йўлда ёзилган) ғазални тақдим этди. Мажлисда юз чоғлик киши ўтирганди. Мажлисда ғазални тинглаб, ҳамманинг кайфияти кўтарилди. Подшо сўради*: “Ҳазрати Дарвеш фақирдан не-не талаб қиладилар?”* Дарвеш: *“Подшоҳимизнинг умрини тилаймиз”*, деди”. Биноий юқорида мисол тариқасида келтирилган Султон Яъқуб ҳузуридаги ана шундай мажлисларда кўп маротаба бир неча йил мобайнида иштирок этган. Албатта, бундай маълумотлар Яъқуб Мирзонинг бир томондан ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб қувватлатлаганини, қадрлаганини, иккинчи томондан шеъриятни чуқур тушунганини кўрсатади. Мавлоно Биноий Ҳиротга қайтгач, Алишер Навоий уни мушоира мажлисига таклиф этиб, шоирнинг Султон Яъқуб ҳамда Оққўюнлилар мамлакати назм аҳли ҳақидаги таассуротлари билан қизиқади: *“Биноийни Ироқда Султон Яъқуб тарбият қилибдур. Неча муддатдан кейин яна ёниб Ҳиротга келибдур. Мир Алишер киши юбориб чорлаб олиб келибдур. Лутфу марҳамат бирла ошнолик қилибдурлар. Ва инъоми эҳсон*

ҳам қилибдурлар. Ва (олдинги) ўтган воқеаға узр айтибдурлар. Ондин Мир Алишер сўрабдурки, Ироқ вилояти (Оққўюнлилар салтанати) қандоқ жой экан, деб? Биноий айттибдиларки, ироқийларнинг бир қисми иши манга хўб кўриндики, улар асло туркий шеър айтмас эканлар. Мир Алишер айттиларки, сиз ҳануз ҳушёр бўлмаган экансиз, мундоқ тааррузни тарк қилинг".[67]

Учинчидан, Оққўюнлилар салтанати ва Яъқуб подшоҳ ҳузурига хуросонлик Сайид Козимий,[68] Хуррамий,[69] Мавлоно Шайхий[70] каби кўплаб шоирлар бориб, саройдаги мушоираларга қатнашишган. Жомий ҳаж сафаридан қайтишда Табризда Оққўюнлилар ҳукмдорлари билан мулоқотда бўлган, "Саломон ва Абсол" достони Султон Яъқубга бағишланган. Камолиддин Ҳусайн Ироққа борганида Яъқуб мирзо уни ҳурмат билан кутиб олиб, Биёбонг деган ҳар йили юз минг олтинга яқин даромад келтирадиган жойни суюрғол қилиб беради. Лекин бу оддий ва содда, дарвештабиат киши инъомни қабул этмай, юртига қайтади. Мир Сайид Ҳасан Абивардий Ҳусайн Бойқаронинг жияни Кичик Мирзо билан ҳажга йўл олганда, Маккаи Мукаррамага ҳам бормай, Оққўюнлилар салтанати саройида қолади. Шундан сўнг Навоийнинг ёзишича, ...*Рум ва Миср ва Ҳалаб балки ул тарафнинг кўпрак мамоликига мусофират қилиб, олти-етти йил қолиб, арабий тилни равон қилиб, мутабаррук мазоротға етиб, балки Макка ва Мадинаға мушарраф бўлиб, кўп азизлар суҳбатин топиб, Хуросонға келди. Борурда ақл ва табъи қиллатиға матъун эрди, келганда иккаласин тамом қилиб келдиким, ҳеч кишига маҳалли таън ва ташнеъ бўлмағай. Бир байт моддасида ақли ва таъби не миқдор эканин исбот қилибдур. Ул байт будурким:*

Эй зи меҳри оразат гардун ғулом,
Юсуферо кардаанд Яъқуб ном.

(Мазмуни:Юзинг қуёшига дунё кулдир, Юсуфга Яъқуб от қўйибдилар.)

Таъби натижаси бу бўлдиким, мундоқ байт айтти ва вуқуф аҳли бу байтнинг маъниси йўқтур, номавзундур деганда, эмасдур, деб баҳс қилди ва ақл натижаси буким, Хуросон аҳлин тажҳил

[67] Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. Т. Ўзбекистон, 2011.-Б.287.
[68] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т.Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.45.
[69] Кўрсатилган асар.-Б.78.
[70] Кўрсатилган асар.-Б.104.

қилиб, бу байтин хубликға битиб, Ироқға Яъқуб Мирзо ўрдусиға йиборди”.[71]Абивардий Хуросонга келганда ҳам, оққўюнлилар ҳукмдори билан мактуб ёзишиб турган.

“Бобурнома”да (юқорида таъкидлаганимиздек,) шоир Камолиддин Биноийнинг Оққўюнлилар салтанатига, яъни Яъқуббек саройига 1487 йилда борганлиги зикр этилган: *“...Ироқ ва Озарбайжонга Яъқуббек қошиға борди. Яъқуббек қошида ёмон эмас эди, ҳарифи мажлис(улфат) бўлиб эди. Яъқуббек ўлгандан сўнг ул вилоятларда турмай Ҳири(Ҳирот)га қайтди”.* Яъни, Султон Яъқуб Биноийни ўз саройида “ҳарифи мажлис”-суҳбатдош лавозимига тайинлаган.

Тўртинчидан, Навоийнинг шеърлари ўз даврида Оққўюнлилар салтанатида жуда машҳур бўлган. Бу давлатнинг Табриз ва Шероздек марказий шаҳарларида шоирлар султонининг ғазаллари кенг тарқалганди. Навоийнинг таъбири билан айтганда:

Олибмен тахти фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Хуросон демаким, Шерозу Табрез,
Ки, қилмишдур найи қилким шакаррез.

Ҳатто Навоийнинг Оққўюнлилар мамлакатидаги мухлислари томонидан 1471 йилда (хаттот Абдураҳим Хоразмий) шоирнинг девони тузилган: *“...Аммо халойиқ аросида минг байт – икки минг байт ортуғроқ, ўксакракким ўзлари жамъ қилиб эрдилар, бағоят машҳур бўлиб эрди”.*[72] Ҳақиқатан, мазкур ҳудудларда Навоийнинг шеърларини шоҳ ҳам, гадо ҳам бирдек севиб мутолаа қилган. Бу ҳақда Хондамир шундай дейди: *“Ҳеч қандай такаллуфсиз ва лофсиз айтиш мумкинки, бир оз вақт ичида юксак санъаткорлик билан яратилган, жозибали байтлар, гўзаллик ва усталик билан безалган тизмалар зийнатининг шуҳрати шундай даражада етдиким, улуғ мартабали юқори илмпарвар султонлар дунёнинг узоқ шаҳарларида сўз усталари бўлган махсус элчиларни Ҳиротга юбориб, Амир (Навоий) ҳазратларининг балоғатли сўзларин куллиёти (тўплами)ни олиб кетишни излайдилар. Араб ва Ажам мамлакатларининг атрофидаги гўшанишин дарвешлар ҳам олий ҳазрат (Навоий)нинг шавқли шеърларининг ҳавасидан умрларини*

[71] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.130.
[72] Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. Тўртинчи том. Т: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965 .-Б. 469.

ўтқариб, уни жуда кўп ҳаракатлар қилиб излаш учун югурадилар. Шу жиҳатдан Хитой ва Хўтан мамлакатларининг юқори ҳудудларидан бошлаб, то Рум ва Ғарб мамлакатларининг қуйи чегараларигача шоҳ ва гадо, ёш ва қари, мусулмон ва кофирлар оғзида Олий ҳазратнинг гўзал тизмалари ўқилатурғон бўлди: бутун миллатларнинг, барча халқларнинг ҳукумат доирасида бўлган ҳамма кишиларнинг кўнгил саҳифаларида ва дилларининг лавҳаларида муборак нақш бўлиб ўзлаштирилди".[73]

Бундан ташқари, Оққўюнли туркманлар мамлакати адабиётига Султон Ҳусайн Бойқаро ва Навоий бошлиқ адабий муҳитнинг яққол таъсири сезилиб турган. Табриз адабий муҳити намояндаси Кишварий каби шоирлар Навоийни ўзларига устоз деб билишган, шоирлар султонига эргашишган, темурийлар саройига ҳавас билан қарашган:

Кишварий шеъри Навоий шеъридин аксик эмас,
Бахтина душсайди бир Султон Ҳусайн Бойқаро.

Дарҳақиқат, "Алишер Навоий ижоди нафақат ўзбек адабиёти, балки бутун туркий тилдаги ижод аҳлини бефарқ қолдирмаган. Навоийнинг ўзи ҳам Шарқ адабиётининг кўплаб вакиллари ижодидан илҳомланганини қайд этиб, асарлари билан ўнлаб туркий қавмларни қамраб олганини таъкидлайди."[74]

Бешинчидан, болалигидан шоирлар султонининг шеърларини ўқиб, улғайган Оққўюнлилар ҳукмдори Султон Яъқуб доимо Навоийга мактуб йўллаб, унга янги асарларини юборишини сўраган. Навоий "Хамсатул мутахаййирин"да бу ҳақда шундай ёзади: *"Бир қатла фақир(Навоий) алар(Жомий)нинг қадимий девонин Мавлоно Абдусамадғаким, замоннинг хушнависларидиндур ва хуш табъи ҳам бор, буйуриб эрдим ва улча мақдур такаллуфлар қилилиб эрди. Ва девон тугагандин сўнгра алар хизматиға элтиб, муқобала истидъоси қилилди. Алар айттиларким: "Бир икки кун мунда турдик. Биз миқдоре мулоҳаза қилали. Котибин хуштабъ киши дерлар. Шоядки, эҳтиёт қилиб эркинким, муқобала қилурға эҳтиёж бўлмағай".*

[73] Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Т:Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2015.-Б.36.
[74] Джабборов Р. Алишер Навоий "Оққўюнли мухлислар девони" ва унинг давр адабий муҳитида тутган ўрни. Автореферат. Самарқанд.2020.-Б.22.

Аммо Жомий кўриб чиққач, котибнинг хатоси сабабли китобда айрим нуқсонлар кўзга ташланади: "баъзи ерда бирор – иккирор, балки ортиқ абъёт тарк қилибтур".

Навоий устозига ушбу девон *"муборак қаламингиз билан ислоҳ топса, мужиби мубоҳат ва зебу зийнат бўлур"* дейди.

Гап шундаки, ана шу вақтда Султон Яъқуб Навоийдан гўзал асарлар юборишни сўраб элчи жўнатган эди*: "Султон Яъқуб фақирдин китоб тилаганда, андин нафисроқ китобим йўқ эрдиким, ҳар мисраида ул ҳазратнинг муборак қалами кириб эрди ва аларнинг –ўқ қудсий осор анфоси эрди – йибордим ва бу битилган кайфиятни шарҳ била битидим. Ўқиб, хушвақтлиғлар қилиб, қитъани ёд тутиб, мактубда миннатдорлик изҳор қилиб эрдилар".*

Олтинчидан, Навоий ва Яъқуб мирзо ўртасида шу даражада яқин дўстлик ва биродарлик, пиру муридлик алоқалари шаклланган эдики, султон умрининг охирига қадар бу муносабатлар давом этди. Бу ҳудудларда истиқомат қилган халқлар шоирлар султонини ўзининг ижодкори сифатида қабул қилиб, шеърларини севиб мутолаа қилдилар.

Султон Яъқуб шеърий мажлисларида Навоийнинг янги шеърлари, девонлари ўқилган. Давлатшоҳ Самарқандий "Тазкират уш-шуаро" улуғ амир(Навоий)нинг туркий девони ҳукмдорлар ҳамда акобир йиғинларига безакдир", дея оққўюнлилар ҳукмдори Султон Яъқуб мажлисларини ҳам назарда тутган: *"Бу улуғ амир(Навоий)нинг шеърий девони султонлар ва киборлар мажлисларининг безагидир. Навоийнинг (инсонни) элитар навоси бенаво ошиқларни тўғри йўлга бошлайди, мухолифлар унинг қаламининг қитирлашидан орқага чекинадилар. Подшоҳона оҳанги Султон Ҳусайннинг маҳбуби! Қандай яхши овозаки, турк диёридан Ҳижоз ҳудудигача кетди! Қандай соз дабдабаки, Нишопурдан Исфаҳонгача етди! Ажам диёри (араб бўлмаган мамлакатлар) аҳолисининг қулоқлари бу овоздан битган ва оламнинг ҳар бурчаги бу дарёнинг дурларидан тўлган. Тонг шабадаси бу хабарни Ироқ(Оққўюнлилар мамлакати)қа етказгандир ва фалак Тубо дарахтининг баргларини бу ниҳолнинг шохчаларига айлантирди".*[75]

[75] Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Т. Академнашр, 2011.-Б.226.

Дарвоқе, яқинда филология фанлари доктори, навоийшунос олим Афтондил Эркинов томонидан топилиб, фанга олиб кирилган “Султон Яъқуб сайланмаси” айнан оққўюнлилар ҳукмдори адабий йиғинларида ўқилган шеърлар жамланмаси ҳам бўлиши мумкин: *“Султон Яъқуб сайланмаси, 885/1480-81 йил, кўчирилиш жойи – Табриз (эҳтимол). Котиби – Абдураҳим Хоразмий ал-Яъқубий. Сақланиш жойи – хориждаги намаълум коллекция. Қулёзмада Навоийдан 12 та шеърий парча бор. 2019 йили навоийшуносликка маълум бўлган. Биз уни шартли тарзда “Султон Яъқуб сайланмаси” деб атадик. Сабаби қўлёзма ҳақида унинг колфонида айни китоб Султон Яъқуб учун “ал-интихоб” – яъни, сайланма тарзида тузилди дейилган. Интернет фактларидан келиб чиқадиган бўлсак, мазкур қўлёзма Буюк Британиядаги антиқа буюмлар савдоси билан шуғулланувчи Сотбис аукционида шахсий коллекция учун сотиб олинган. Ўшанда 12 варақ (24 бет)дан иборат бўлган (қўлёзма аслида бундан кўпроқ саҳифага эга бўлган бўлиши ҳам мумкин). Бизга бундан-да камроғи маълум – кичик қўлёзмадан олти саҳифаси нусхасини қўлга киритишга муваффақ бўла олдик, холос. Муҳими, уни ҳам “Оққўюнли мухлислар девони”дан чамаси, 10 йил кейин – 885/1480-81 йили уни кўчирган котиб Абдураҳим Хоразмий ал-Яъқубий номи остида тайёрлаган. Бу вақтга келиб, Абдураҳим Хоразмий ўз тахаллусига ал-Яъқубий номини ҳам қўшган. Қўлёзма Оққўюнлилар (1378 – 1501) салтанати ҳукмдорларидан Султон Яъқуб (1478-1490) буюртмаси асосида тузилган. Асосийси, тўплам “Илк девон” ва “Оққўюнли мухлислар девони”дан кейинги, Алишер Навоий шеърияти ихлосмандлари томонидан тузилган учинчи тўпламдир”.*[76]

Мухтасар айтганда, оққўюнлилар салтанати ҳукмдорлари, давлат арбоблари ва шоирларининг Навоий билан бўлган ёзишмаларию муносабатларини ўрганиш навоийшуносликнинг янги маълумотлар билан бойишига хизмат қилади.

[76] Эркинов А. Алишер Навоий девонларининг аниқланган янги нусхалари (2010-2021 йиллар)/ “Алишер Навоий ва Қўқон адабий муҳити” мавзусидаги халқаро илмий анжуман материаллари(21-22 май 2021 йил). Қўқон, 2021.-Б.201-211.

СУЛТОН АБУСАИД МИРЗО ЗОЛИМ ҲУКМДОР ЭДИМИ? Ёки Навоийнинг Самарқандга сургун қилинишига Шайх Садруддин Равосий сабаб бўлганми?

Келинг, азиз ўқувчи, биз ҳам эски саволга яна бир бор жавоб излаб кўрсак.

Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро давригача беш ҳукмдор - Абулқосим Бобур, Султон Маҳмуд, Султон Иброҳим, Султон Абусаид Мирзо ва Султон Аҳмад Мирзолар саройларида хизмат қилган. Хондамир "Ҳабиб ус-сияр"да Навоий *"Султон Абусаид ҳукмронлиги кунлари Ҳиротга келиб, бир неча муддат вақт иқбол ошёни остонаси(султон саройи)нинг мулозаматида бўлган"*ини ёзган. Албатта, Султон Абусаид саройида ҳам Навоий каби кўплаб шоирлар хизмат қилган.

Аммо, айрим навоийшунослар "Бобурнома"га асосланиб, Абусаид Мирзо қандайдир сабаб билан 10-12 ёшиданоқ бутун туркий мамлакатларда машҳур бўлган шоирлар султонини Самарқандга сургун қилганини ёзган. Муҳаммаджон Маҳмуд қандайдир сабабни подшоҳ яхши кўрган Шайх Садруддин Равосийнинг ажойиб суҳбатларига Навоий қатнашганлиги деб кўрсатган. Яъни, шоҳнинг шайх мулоқотига ўзидан бошқа ҳеч кимни киритмаслик ҳақидаги фармонини бузган Навоий Самарқандга "ихрож" қилинади: "*В.Бартольд эса "Мир Алишер и политическая жизнь" ("Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт") китобида шоирнинг Самарқандга сургун қилинишига, аввало, унинг ҳокимиятни қўлга олиш учун тайёргарлик кўриб юрган Ҳусайн Бойқаро билан дўстлиги ва Абусаид Мирзо фармонини бузиб, шайх Равосий билан доимий мулоқотда бўлишини асосий сабаб қилиб кўрсатади.*

Тасаввуф халқ бошига оғир кунлар тушганида, уни нафақат ташқи, балки ички душманлардан ҳам мардона ҳимоя қилишни тақозо этади. Абусаид Мирзо Навоийни ана шундай таълимотнинг фаол тарғиботчиси, хавфли душман деб билган ва унга қарши шеърлар ёзаётганига шубҳаланмаган. Бизнингча, шоирни Ҳиротдан "ихрож" қилишнинг асосий сабабларидан яна бири шу бўлган. Абусаид Мирзонинг Равосий ҳузурига бошқаларни, жумладан, муршид Навоийни киритмаслик ва уни Самарқандга

сургун қилиш ҳақидаги фармонлари – илғор фалсафий тафаккурнинг халқ оммасига ёйилишига тўсқинлик қилишнинг бир кўриниши, албатта”.[77] Зотан, адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул ёзганидек, *“кўпдан кўп шоҳ, султон ва хонлар сингари Абусаид ҳам ўз умри, хайрли амалларини тарих зарварақларига муҳрлаш учун шоирлардан фойдаланган...*

Хуллас, Абусаид Мирзо шеърпараст бўлмаса ҳамки, шеъриятнинг кўксига пичоқ санчадиган даражада жоҳил ва гумроҳ ҳам эмас эди.

Устоди Мавлоно Лутфийни Навоий “ўз замонининг малик-ул каломи эрди”, деганини бугун мактаб ўқувчиси ҳам билади. Лекин унинг асарларидан маълум қисми Султон Абусаид замонида яратилганини ҳамма ҳам билмаслиги мумкин. Худди шунга монанд фикрни султон билан шахсан яқинлиги бўлган форсий адабиётнинг буюк намояндаси Нуриддин Абдураҳмон Жомий ҳақида ҳам айтиш керак бўлади.

Албатта, Навоийнинг миллат ва башар шоири бўлиб камол топиши, дунёга танилган санъаткор мақомини эгаллашида Султон Абусаид ҳеч вақт Ҳусайн Бойқаро даражасида эрк ҳам, имкон ҳам бермасди. Бунга шубҳаланмаслик керак. Бироқ Навоийни улуғлаб, шижоатини шарафлаш учун мутафаккир шоирга Абусаидни қаттол бир душман қиёфасида кўрсатишнинг ҳам кераги йўқ. Акс ҳолда, Навоийнинг холислиги ва бағрикенглиги камситилади”. Албатта, султон ва шоир ўртасида ўтган гап-сўзлар, келишмовчиликлар бизга қаронғу. Аммо Саййид Имомхўжа Салимий юқоридаги “сургун” ҳақидаги тахминларни инкор этиб, шундай ёзган: *“Кўпгина навоийшуносларимиз Алишер Навоийни Султон Абусаиддан яхшилик кўрмади, деган фикрни илгари суришади. Бунга сабаб Алишер Навоийнинг Султон Ҳусайн Бойқаро билан дўстлигидир, дейишади. Хўш, Султон Абусаид Алишер Навоийни ёмон кўрар экан, унда нега Самарқандда ҳукмдор ҳурмат қилган улуғ шахслар – Хожа Аҳрори Вали ва Хожа Фазлуллоҳ Абуллайслар даҳо шоиримизни фарзанддай эъзозладилар. Менинг назаримда, Султон Абусаид Алишер Навоийни Самарқандга Хожа Аҳрор демократиясини англаб етсин, деган маънода ҳам жўнатган*

[77]Маҳмуд М. Навоий ижодига янги қараш. Т.:Мериюс, 2015.-Б.22-23.

бўлиши мумкин. Бу мавҳум тушунчаларга барҳам бериш керак, деб ўйлайман. Алишер Навоий Самарқандга илм истаб, муршиди комил истаб келган эди. Унинг бахтига ўз асрининг машҳур олим ва адиблари, жумладан Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий, Саъдиддин Кошғарий, Саййид Қосим Анвор, Абдураҳмон Жомийлар "каъбаи мақсуд", "муршиди офоқ" деб билган Хожа Аҳрори Вали учради. Султон Абусаид эса буюк пирнинг фикрини ҳеч қачон рад этолмас эди."[78] Бизнингча, авлиёлар султони Хожа Аҳрор Вали шуҳрати етти иқлимни тутган ёш Алишерни унинг ҳузурига юборишни темурий ҳукмдордан сўраган бўлиши мумкин.

Навоийнинг замондошларидан тарихчи Хондамир Навоий Самарқандга илм истаб борганини ёзган. Алишер Навоийнинг ўзи Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган маснавий-мактубида Амир Темур пойтахтига келишининг бир неча сабабларини кўрсатган. Биринчиси, Нажмиддин Комиловнинг ёзишича, Ҳиротда ижод қилишга имкониятнинг йўқлиги, сўз қадрига етадиган, туркий шеърга талабгор одамнинг қолмагани. Иккинчи сабаб, Хуросонда одамгарчилик, саховату мурувватнинг барҳам топгани, унинг ўрнини нифоқ, бахиллик, ҳасад эгаллагани, вайронгарчилик, зулму ситам авж олгани. Учинчиси, илму ирфондан баҳраманд бўлиш, тариқат йўлини танлаш. Чунки, Навоий эътиқодига кўра, инсон бўлиб яшамоқдан мақсад Аллоҳни ва ўз-ўзини танишдир. Бунинг эса иккита йўли бор. Бири – Ҳақдан жазба етиб, "яқинлик жомидан маст бўлиш", яъни Худо ёдида ўзидан ва ўзлигидан бехабар бўлиб юриш, дунёнинг барча шуғли(машғулотлари)дан юз ўгириш, охир-оқибатда жисм – вужуддан қутилиб, Аллоҳ вужудига қўшилиш. Иккинчиси – пирга қўл бериб, унинг иродаси, амри билан "фано даштини кезиб", риёзат оқибатида жазба топиш:

Яна бир будурким, гадо гар мулук,
Талаб йўлида қилгай онча сулук.
Бурун муршиди комил истай юруб,
Ани топқач ўзин анга топшуруб.[79]

[78] Салимий. Саййид Имомхўжа. Муршиди офоқ. Т.: Наврўз, 2015.-Б.40.

[79] Алишер Навоий. Маснавий. Ғаройиб ус-сиғар. Хазойин ул-маоний. ТАТ. Биринчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012. –Б.693-704.

Биринчи йўлни Навоий “мажзуби солик” йўли деб атайди, яъни аввал илоҳий жазба (тортилиш) етиб, кейин тариқатни қабул қилиш. Иккинчи йўлни у “солики мажзуб” дейди, яъни аввал тариқатни қабул қилиб, тавба, вараъ, сабр ва ҳоказо мақомларни босиб ўтгандан кейин ҳол мақомига мушарраф бўлиш.

Маълум бўладики, Навоий тасаввуфга, фақр аҳли сулукига ёшлигидан кучли эътиқод қўйган. Мажнундай ошиғи сармаст бўлиш, девона қаландардай сарсари кезишни орзу этган. Аммо бу муяссар бўлмагач, пиру муршидни топиб, унинг иршодида фақру фано неъматидан баҳраманд бўлишга қарор этган. Демак, бундан чиқди, Навоий Самарқандга Устоз излаб келган.

Олиб борилган тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, Темурий султонлар анъаналаридан келиб чиқиб, Султон Муҳаммад ибн Мироншоҳнинг ўғли Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳукмдори **Абусаид Мирзо** (1424-1469) саройида ҳам кўплаб шоирлар иштирокида шеърий йиғинлар ўтказилган, султон шоирларни қадрлаган, ғамхўрлик кўрсатган, шеър эшитишни хуш кўрган.

Султон Абусаъиднинг дастлаб 1451 йилдан Самарқанддаги, 1457 йилдан бошлаб Ҳиротдаги саройида шоирлар мажлислари ташкил этилган ва мушоиралар уюштирилган. Шоир Котибий Нишопурий Султон Абусаидга бағишланган қуйидаги қасидасини темурий ҳукмдорнинг Ҳирот саройидаги мажлисларида ўқиган:

Гаҳики, тиғи ту да қатли аҳли дид барояд,
Ба як мушоҳада мақсуди сар шаҳид барояд.
Манол, Котибй, аз шоми ғам ки субҳи саодат,
Ба юмни давлати Султон Абусаид барояд.

(Таржимаси: Гоҳо тиғинг ошиқлар қатли учун кўтарилганда, бир кўриш билан юз шаҳиднинг мақсади ҳосил бўлади. Котибий ғам тўнингдан нолима, Абусаид давлати баракатидан саодат тонги отиб қолади).

Сарой шоирларидан Саййид Қосимийнинг “Мажмаъ ул-ахбор” асари Султон Абусаид Мирзога бағишланган ва мазкур асардаги қуйидаги сатрларда эса ҳукмдор мажлислари зикр этилган:

Ҳамди худо бирла равон оч тилинг,
Мадҳи шаҳаншоҳға боғла белинг.
Носири дин, мулк эяси Бу Саъид,

Давлатидин элга турур кунда ийд.
Эгри бўлур мажлисида рострав,
Бошдин этар дурри гуҳарларни нав.
Қилди қўбуз барча сўзин ихтисор,
Айта турур мадҳи шаҳи комкор.[80]

Абдусамад Бадахшийга ““Мажолис ун-нафоис”да ёзилишича, Подшоҳ(Абусаид Мирзо) ўз тарихин буюрди”. У шунингдек султон адабий мажлисларида иштирок этган. Абдураҳмон Жомий ҳам Султон Абусаид Мирзо мушоира кечаларида иштирок этиб, ҳукмдор мадҳ этилган ғазалларини ўқиган:

Соқий, ба шакли жом бар омад ҳилоли ийд,
Май деҳ ба фарри давлати Султон Абусаид.
Ийд нав асту, ёр нав аст ва баҳор нав,
Дорад зи ҳар жадид дилам лаззати жадид.
Шуд бар мазид ишрати мо аз дуои шоҳ,
Бодаш ҳамиша давлати иқбол бар мазид.
Жомий, шаккар лабони Самарқандро шудий,
Аз жон мурид – “яссарак Аллоҳу мо мурид”.[81]

(Мазмуни: Соқий, жом шаклига кирди ийд ойи бу тун, Султон Абусаид давлатидан биза май сун. Ийд янги, ёр янги, баҳор келмиш янгидан, Ҳар янгидан дил завқи янгиланди бутун. Шоҳ дуосидан ортди ўйин-кулгу файзи, Унинг-да давлати бахти бўлсин доим фузун. Жомий, Самарқанд шакарлабларига бўлди Мурид: “Оллоҳ, умидингга осон етурсун.”)[82]

Султон саройида хизмат қилган шоирлар сирасига Амир Шайхим Суҳайлийни ҳам қўшиш мумкин. Бу борада Навоий “Мажолис ун-нафоис”да шундай ёзган: *“Султон Абусаид Мирзо хизматига тушиб махсус мулозим бўлди ва ашъори эл орасида шуҳрат тутти.”*[83] Бу ўз навбатида Хуросонда машҳур бўлган шоир Суҳайлийнинг танилишида султон мажлислари муҳим рол ўйнаганини англатади. Ҳерман Вамбери ҳам Шайхим Суҳайлий Султон Абусаид саройи шоирларидан бири бўлганлигини ёзган: *“Суҳайлий ёхуд Амир Шайхим Суҳайлий. Илк бор Абусаид мирзо*

[80] Саййид Қосимий. Маснавийлар мажмуаси.Т.: Фан, 1992.-Б.17-22.

[81] Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013.-Б.36-37.
[82] Кўрсатилган асар.-Б.37.
[83] Алишер Навоий. Мажолис-ун-нафоис. Т.: Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.71.

саройида, кейин 20 йилча Мирзо Ҳусайн саройида яшаган ушбу зот Ҳиндистоннинг "Тўтинома" масалларини фавқулодда гўзал таржима қилган".[84] Ботир Валихўжаев "Алишер Навоий ва Шайхим Суҳайлий" мақоласида ўзбек ва форс тилларида шеър ёзган зуллисонайн шоир Суҳайлий ҳақида шундай ёзган: "Давлатшоҳ ибн Бахтишоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" асарида маълумот беришича, Шайхим Суҳайлий Ўрта Осиёлик ("Улуси Чиғатой") бўлиб, унинг ота-боболари Амир Темур замонидан бошлаб, катта эътибор ва обрўга эга бўлганлар. Кейинчалик (юқорида таъкидланганидек), хусусан йигитлик даврида у Султон Абусаид Мирзога махсус мулозим бўлиб хизмат қилган" ва ҳукмдор ҳузуридаги шеърият кечаларида иштирок этиб, мажлис аҳлига ўз ғазаллари, султонга бағишланган қасидаларини ҳавола этган.

Мухтасар қилиб айтганда, Султон Абусаид саройида ҳам бошқа темурий ҳукмдорлар ҳузурида бўлгани каби ўзига хос адабий муҳит шаклланган эди. Унинг ғамхўрлигида Мавлоно Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Шайхим Суҳайлий, Котибий Нишопурий, Саййид Қосимий каби ўнлаб шоирлар яшаб ижод этганлар ва бетакрор асарлар яратганлар. Шунинг ўзини ҳам ҳукмдор томонидан мумтоз адабиётимиз тараққиётига қўшилган ҳисса деб баҳолаш мумкин. Аммо адабиётшунослигимизда Султон Абусаид Мирзо саройи шоирлари мавзусини тадқиқ этиш лозим. Бу эса қатор саволларга ойдинлик киритишга ҳамда мумтоз адабиёт тарихини янги маълумотлар билан бойишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

НАВОИЙ УЧУН ТАБАРРУК БЎЛГАН ШЕЪРЛАР МУАЛЛИФИ
Ёки уч яшарлигидаёқ авлиёликни юқтирган Саййид Қосим Анвор

Авлиё шоир Саййид Қосим Анвор (1355-1433)нинг шеърлари ва адабий мажлислари ўз даврида темурийлар давлати(1370-1506)да машҳур бўлган. Шоҳрух Мирзо ҳукмронлик қилган салтанатда барча унинг шеърларини ўқишга ва ёзиб олишга

[84] Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1990.-Б.73.

иштиёқманд бўлган.[85] Навоий “Мажолисун-нафоис”да авлиёнинг шоирлик қилишидан мақсад тасаввуф таълимотини ташвиқ этиш бўлганлигини айтган: *“Ул жумладан, солики атвор ва кошифи асрор, яъни: Ҳазрати Амир Қосим Анвор (қуддиса сирруҳу)дур. Ҳар неча аларнинг рутбаси шоирлиқ поясидин юқорироқдур ва валоят (валийлик) аҳли зумрасида васфдин тошқарироқ, аммо чун ҳақойиқ ва маориф адосида назм либоси дилпазирроқ учун илтифот қилур экандурлар”.*[86]

Хуросон ва Мовароуннаҳрда ўтказилган каттаю кичик шеърият кечаларида ҳам валий шоир ижодидан намуналари ўқилган. Алишер Навоийнинг ёзишича, у уч ёки тўрт ёшларида азиз кишилар йиғилишида Қосим Анворнинг ушбу матлаъ билан бошланувчи шеърини ўқиб, мажлис аҳлининг ҳайратга солган:

Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чок,
Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок.[87]

(Мазмуни: Риндлармиз, ошиқлармиз, жаҳонни куйдирувчи ва ёқа вайронлармиз, Сенинг ғаминг давлати билан эканмиз, жаҳон фикрининг нима ҳожати бор?)

Айтиш лозимки, нафақат шоирлар султони авлиёнинг шеърларини ёд олди, балки бир умр унинг ижодига ихлос қўйди, “Девон”и ва асарларини ўқиб, ўрганди. ““Мажолис ун-нафоис”нинг кекса Навоий томонидан ёзилиб, яна Қосим Анворнинг номи ва шеъри билан бошланиб, шарафланганини эътиборга олсак, Навоийнинг ёшликда олган бу таассуротлари то умрининг охиригача сақланиб, унинг ҳаёти ва ижодида катта роль ўйнагани аён бўлади”.[88] Навоий унинг ғазалларидан икки матлаъни “Мажолис ун-нафоис”да “табаррук бўлгани учун”[89] келтирганини айтган. Давлатшоҳ Самарқандий таъбири билан айтганда, *“(Қосим Анворнинг) файзли хотири ҳақиқат хазинасининг калиди, мўътабар ва мўъжиз сўзлари рамзу ҳақойиқ ганжинасидир”*[90].

“Ҳақиқат дарёсининг гавҳари, тариқат водийсининг сайёҳи, илоҳиёт майдонининг лочини, фаришталар оламининг

[85] Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Т.: Ғ.Ғулом номидаги БАН,1969.-Б.57.
[86] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т.Ғ.Ғулом номидаги БАН,1966.-Б.8-9.
[87] Кўрсатилган асар.-Б.8-9.
[88] Кўрсатилган асар.-Б.58.
[89] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т.Ғ.Ғулом номидаги БАН,1966.-Б.8-9.
[90] Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. (“Тазкират уш-шуаро”дан). Т.:Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1981.-Б.137.

билимдони”[91] Қосим Анворнинг шеърлари шеърият кечаларидан ташқари, хонақоҳ ва масжидлардаги ваъз йиғинларида ҳам воизлар томонидан ўқилган. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт” китобида ёзилишича, *“Дарвиш Аҳмад (Самарқандий) минбарнинг устида Ҳазрати Саййид Қосим (қуддиса сирруҳу)нинг абётларидин кўб ўқур эрдилар. Ва охир мажлисда ҳам буюрур эрдилар, то ўқуғучилар ҳазрати Саййиднинг ашъорларини ўқур эрдилар. Ва хизмати Шайх (Зайнуддин Хавофий) они ҳар неча ондин манъ эттилар, мутақоид бўлмади.”*[92]

Ўз даврида Шайх Садруддин Ардабилий ва Шайх Садруддин Али Яманий каби улуғ авлиёларга шогирд тушиб, улар билан суҳбат қурган Амир Муиниддин Али Саид Қосими Анвор - Қосим Анворнинг араб ва форс тилларидан ташқари, юнон ва туркий тилни ҳам билганлиги ва уларда шеърлар ёзганлиги нақл қилинади. Қосим Анвор асли Табризлик бўлиб, Рум, Балх, Самарқандни кезган бўлса ҳам бутун умрини Ҳиротда ўтказиб, Хожа Аҳрордек авлиёларнинг камолотига таъсир этган.[93] Озарбайжонлик бўлган бу тасаввуф пешвоси устози Ардабилий даъвати билан сўфийлик ғояларини тарғиб қилиш мақсадида Хуросонга келади.[94] Ваҳоланки, Ҳиротда унинг шеърларидан ташқари, ваъзлари ҳам машҳур бўлган. Алишер Навоийнинг ёзишича, “*Мир (Қосим Анвор) йигитликларида шайх Садриддин Ардабалий (қуддиса сирруҳу)ға мурид бўлдилар ва сўфия одоб ва тарийқин андин такмил қилиб шайх ишорати била Хуросонға келдилар ва оз вақтда халойиқ Мир хизматиға фирифта бўлиб ғавғо қила бошладилар. Подшоҳи замон (Шоҳрух Мирзо) Мирга ихрож ҳукми қилди. Балх ва Самарқанд сари бориб, муддате бўлиб, яна дорус-салтанат азимати қилдилар, яна Чиғатой мирзодалари, балки улус озодалари мурид бўлиб, ҳужум қила бошладилар. Равишлари пок эрди ва нафаслари оташнок. Эл бағоят алар назмлариға мойил ва шеърларин ўқумоқ ва битимакка рағиб бўлдилар. Ҳар ойинаким, девон жамъ қилурға бу амр боис бўлди ва “Анисул-ошиқин” отлиқ мухтасарроқ маснавий ҳам назм қилдилар”.*[95] Навоийнинг мазкур сатрларидан

[91] Кўрсатилган асар.-Б.137.
[92] Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Т. Абу Али Ибн Сино,2004.-Б.139.
[93] Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. Т: “Шарқ” НМАК БТ, 2009.-Б.99-100.
[94] Донишмандлар туҳфаси. Рубоийлар. Т.: Ўзбекистон, 2009.-Б.318.
[95] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т.Ғ.Ғулом номидаги БАН,1966.-Б.8.

маълум бўладики, пирининг кўрсатмаси билан Хуросонга келган Қосим Анвор қаерга бормасин, унинг кундан кунга шуҳрати ортиб борган ва адабий мажлисларига чиғатой улуси мирзазодаларию озодалари, яъни темурийлар хонадони вакиллари, сўфийлар, зиёлилар талпинган: *“Алар(Қосим Анвор) шаҳр(Ҳирот)дин узр қўлдилар. Ва алар Балхқа бордилар ва халойиқ ғавғоси ҳам алар хизматиға бор эрди. Аларнинг ҳақойиқ ва маорифидин ҳоло эл орасида девонлари бор.”*[96] Шайх Самарқандда Мирзо Улуғбек билан учрашади: *“Ҳазрат Амир Қосим Самарқанд шаҳрига киргач, тасадифан йўли Арк эшиги олдига тушиб қолиб, Мирзо Улуғбекнинг шу Арк саройида эканини англадилар ва ҳеч бир такаллуфсиз юқори қалъага кўтарилиб, ул жаноб билан учрашдилар. Мирзо Улуғбек ул кишилар яхшиси (С.А.В.) авлоди паноҳгоҳининг барокатли нурини кўрмоқ шарафига эришиб, шайхнинг гавҳар сочувчи тилидан дарвешона сўзлар ва сўфиёна гаплар эшитиб, ўша мажлисдаёқ эътиқод исирғасини қулоғига осиб олди ва яхши эътиқод занжирини елкасига ташлади. Натижада бир неча йил давомида Амир Қосим Анвор катта мартаба ва шавкат билан ул диёрда яшаб, умри айёмининг охирларида яна бир бор Хуросон диёрини ҳузури нури билан мунаввар айлади”.*[97]

Қосим Анворнинг Эронда Саид Нафисий томонидан чоп этилган куллиёти шайх-шоирнинг ғазал, таржеъбанд, марсия, қитъа, рубоий, маснавий жанрларидаги шеърлари, “Амир Темурни кўриш воқеаси баёни” манзумаси, “Сад мақом дар истилоҳоти сўфия” (“Тасаввуф истилоҳларидаги юз мақом”), “Анис ул-орифин” (“Орифлар дўсти”) маснавийлари, “Рисолаи саволу жавоб” (“Савол ва жавоб рисоласи”), “Рисолаи дар баёни илм” (“Илм баёни ҳақида рисола”) рисолалари ва туркий муаммоларини ўз ичига олган.[98]

Уч яшарлигиданоқ илоҳиёт илмига ошно бўлган Саййид Қосим Анворни ўз замонида “Шоҳ Қосим Анвор” деб аташган: *“Қутбул-аброр, ғавсул-ахёр ҳазрати Шоҳ Қосим Анвор,*

[96] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. ТАТ. Ўнинчи жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.464-465.

[97] Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар. Т. Ўзбекистон, 2013.-Б.475.

[98] Қаранг: Куллиёти Қосим Анвор. Бо тасҳеҳу муқобилаву муқаддимаи Саид Нафиси.-Теҳрон, 1959.

онҳазратнинг асл номи Муъинуддин Али бўлган. Илоҳий шаробнинг ул сармасти Табризнинг Сароб қарясидандир. Уч яшарлик чоғларида, ки ғўдаклик олами фасли баҳорининг аввалидир, дил ғунчалари илоҳий беғойиб инояти қўрқинчидан гул очиб, жаннат боғининг ниҳоли гулбунини камолот даражасига етказдилар. Риёзат мартабаси шундай даражада эдики, ғўдаклик айёми оламида илми ладуний ҳосил бўлди. Чунончи, ўзлари бу ҳақда қуйидаги икки байтда ишорат қилганлар. Байт:

Маро илми азал дар сийна доданд,
Ажаб илме, вале дарсе надоданд,
Маро сесола ҳоле гашт маълум,
Ки шайх чилларо дилраси надоданд.

(Мазмуни: Менга, илми азални сийнамга солганлар, Ажаб, илми дарсийни бермаганлар. Уч яшарлигимда шундай бир ҳол маълум бўлди, Ки шайх чиллани дилимга яқинлаштирмаган.)"[99]

Энг қизиғи, уч яшарлигида аёлиёликни "юқтирган" Қосим Анворнинг шеърларини шоирлар султони уч-тўрт ёш орасида ёдлаган. Иззат Султон эса бу ғазал Навоий ёдлаган биринчи шеър деган, тахминни илгари сурган. Демак, Навоий дабистон – бошланғич мактабга бормасдан туриб, Қосим Анвор ғазалларига меҳр қўйган.

Абдураҳмон Жомийнинг эътирофига кўра, Қосим Анвор тўғри йўлдаги шайх бўлган, лекин унинг номи билан алоқадор тариқат аҳли залолат ва бузғунчилик билан шуғулланган.[100] Навоий ва Хожа Аҳрор Валийнинг маълумотларига асослансак, шайх Саййид Қосим ўзини хожагон-нақшбандия тариқати мансуб кишидек тутган. *"Ойтур эрдиларким: "Саййид Қосим мабодойи ҳолда Бовард ҳаволисида ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳиға мулоқот этиб эрдилар ва олар билан суҳбат тутиб ва ондин сўнг ўзларини Хожа Бузругнинг тариқалари ва нисбатларида тутар эрдилар. Баъзи вақтлар суҳбат ўлтурғонларида мажлисларида шундоғ маълум бўлур эрдиким, ҳазрати Саййид Қосим ўзларини хожагон қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу тариқаларида тутар эрдилар"*.[101]

---

[99] Шарофуддин Роқимий. Тарихи томм. Т. Маънавият, 1998.-Б.30-31.

[100] Алишер Навоий: Қомусий луғат. Иккинчи жилд. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.201.

[101] Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Т.Абу Али Ибн Сино, 2004.-Б.306-311.

Саййид Қосим мажлисларида тариқат ғояларини шеърга солиб, йиғилганлар қаршисида ваъз айтган, тасаввуф таълимотини суҳбатлар орқали тарғибу ташвиқ этган: *“Ҳазрати Эшон (Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким: “Ҳазрати Саййид Қосимнинг суҳбатларида ҳеч нохушлиқ йўқ эрди, магар бир неча мурид ва улчаким одамларға нисбат сўз ойтур эрдилар, икки нимарсадин бири турур: аввал улким, қазо ва қадарға муттaлиъ бўлуб билиб эрдиларким, шул тариқа била турурларким, мундоқ нохушлар оларнинг атрофларида бўлурлар ва ул одамларни сақламоқдин чоралари йўқ эрди. Ё ул турурким, ондоғким, мевадор боғларнинг атрофиға жангалзор тутарлар, то ўғри ва ҳайвонотлар кирмакдин моне бўлур. Олор ҳам бу жамоатға атрофларида йўл бердилар сатри ҳол этмак учун ва ўзларининг ҳақиқатини ғайрдин сиёнат этмак учун”.*[102] “Насойим ул-муҳаббат”да ёзилишича, *“...Азизлардин баъзи дер эрдиларки, алар Самарқандда эрканда алар била мулоқот қилдуқ. Маориф асносида, дер эрдиларки, Сиддиқ Акбардин кўп сўз ривоят қилиб, риққат қилурлар эрди ва кўзларидин улуғ оқ қатарот тушар эрди ва муридлари дер эрдиларки, алар ҳоло Абобакрий мақомидадирлар”.*[103]

Хожа Аҳрор Валий Саййид Қосим Анвор билан Самарқанд ва Ҳиротда бир неча бор суҳбат қурган: “(Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким: *“Ман ҳама умримда ҳазрати Саййид Қосимдин улуғ кишини кўрмадим. Машойихи замондин ҳар кишининг суҳбатиға бордим, нисбати зоҳир бўлуб, кайфияти ҳосил бўлур эрдиким, охируламр они маҳкам тутмоқ керак бўлур эрди”.*

Ойтур эрдиларким: “Ҳар қачон Саййид Қосим ёнлариға борсам, шундоғ мушоҳада этилур эрдиким, жумлаи коинот оларнинг атрофида ойлануб ва оларда маҳв бўлур эрди”.[104] Юқорида таъкидлаганимиздек, Хожа Аҳрор Валий иштирок этган Саййид Қосим Анвор мажлисларида тасаввуфга доир масалалар бўйича қизғин суҳбатлар олиб борилган. Фахруддин Али Сафий “Рашаҳоту айнил-ҳаёт” китобида ёзишича, *“Мавлоно Фатҳуллоҳ Табризий раҳматуллоҳдин манқул турурким, ойтуб турурлар:*

[102] Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Т. Абу Али Ибн Сино, 2004.-Б.308.

[103] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат.Ўнинчи жилд.ТАТ.Т.Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.464-465.

[104] Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Т.Абу Али Ибн Сино, 2004.-Б.306-311.

“Ман ҳазрати Саййид Қосим қуддиса сирруҳунинг хизматларида кўб бўлдум ва тасаввуфнинг масалаларига майлим ва машъуфлиғим бор эрди, то ғоятғаким, кўб кечаларни бу тойифанинг дақойиқларидин бир масаланинг тааллуқида кундузга келтурур эрдиким, уйқу келмас эрди. Бир мартаба ҳазрати Саййиднинг суҳбатларида ўлтуруб эрдим. Ҳазрати Эшон (Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор) келдилар. Саййид Қосим талаққий этдилар ва иқбол кўргуздилар. Маъорифи ғариба ва дақойиқи ажибани ойдилар. Ҳар мартабаким, Ҳазрати Эшон ҳазрати Саййиднинг ёнларига келур эрдилар, Саййид беихтиёр ҳикоят ва асрори ғомизани оғоз этуб, ҳақойиқ ва латойифи ғариба олардин ондоғ жўш урур эрдиким, бошқа вақтларда онинг мисли иттифоқ тушмас эрди”.[105]

Адабий мажлисларда Саййид Қосим Анвор ўз бошидан ўтган воқеаларни ҳам сўзлаб берган: *“(Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор) Ойтур эрдиларким: “Ҳазрати Саййид Қосим ойдилар: “Маволи жинсидан икки киши кўрдумким, оларға мазоқи сўфия (сўфийлик завқи) бор эрди. Бири Мавлоно Жонийи Румий ва яна бири Мавлоно Носири Бухорий”.*

Ҳазрати Саййид Қосим қуддиса сирруҳу мабодийи ҳолда мужозиб ва мажонинларининг атрофларида кўб бўлуб эрдилар. Ойдиларким: “Румда бўлдум, одамлардин мажзублари (жазбали)нинг ҳолин сўрдим. Ойдилар: “Фалон мавзеда бир қавий ҳолли мажзуб бор турур”. Ул ерга бордим ва они кўрдум. Танидим, Мавлоно Жоний эрдиким, Табризда ҳамроҳи таҳсил этуб эрдик. Туркий лафзи била онга ойдимким: “Эй Мавлоно Жоний, мани донирсан?” Ойди: “Доний турурман, Мавлоно Саййидсан”. Ойдим: “Санга не ҳол бўлди?” Ойди: “Ман санингдек саргашта эрдим, ҳамиша ҳар нимарса мани ҳар тарафға тортар эрди, ногоҳ бир нимарса кўрунди ва мани ҳамма нарсадин мужаррад этди”. Бас, Рум туркийсининг тилинда деди: “Тингландум, динландум, фароғат(ли) бўлдум”.

Ҳазрати Эшон (Хожа Аҳрор Валий) айтур эрдиларким: “Ҳар мартаба ҳазрати Саййид бу ҳикоятни нақл этсалар, кўзларидин ёш тўкулур эрди. Мундин маълум бўлурким, ул мажзубнинг сўзи оларнинг ботинларида таъсири азим этуб турур”.[106]

[105] Кўрсатилган асар. –Б.306-311.

[106] Кўрсатилган асар.-Б.306-311.

Мухтасар айтганда, тариқат – инсонларни махсус таълим-тарбия билан гўзал аҳлоқ, покиза қалб ва латиф руҳ соҳиби этиб, Аллоҳга яқинлаштирадиган таълимот эканлигидан келиб чиқсак, Қосим Анвор адабий мажлисларида унинг эзгу ғояларини тарғиб қилиб, муридлар ва йиғин аҳлини комил инсон қилиб тарбиялашга ҳаракат қилган, дейиш мумкин.

ИСКАНДАР ЗУЛҚАЙНАЙН АВЛОДИДАН БЎЛГАН ШОҲИ БАДАХШОН ВА АЛИШЕР НАВОИЙ

Ёки шоир Самарқандга 1467 йилда келганми?

Тарихий ва адабий манбаларда ижод билан шуғулланган Шоҳи Бадахшон ҳақида қисқа бўлса ҳам маълумотлар бор. Навоий ҳам “Мажолис ун-нафоис”нинг Иккинчи мажлисида *“фақир (Навоий) алардан баъзининг мулозаматига кичикликда етибмен ва баъзининг суҳбатига йигитликда мушарраф бўлибмен”,*[107] деб, 26 ёшида учрашган Шоҳи Бадахшон – Шоҳ Султон Муҳаммад тўғрисида маълумотлар келтирган. Дарҳақиқат, у *“Бағоят хуштабъ ва парҳезкор мўмин бўлган. Ва Бадахшон салтанати неча йил унинг хонадони қўлида бўлиб, ҳеч подшоҳ ола олмаган”.*[108] Бобур таъбири билан айтганда, *“(Юнусхоннинг хотини) Шоҳбегим Бадахшон шоҳи Шоҳ Султон Муҳаммаднинг қизи эди. Бадахшон шоҳлари ўз насабларини Искандари Файлақусга (Македониялик Искандар) боғлашади, дейдилар. Бу шоҳнинг яна бир қизи (Шаҳзодабегим)ни Шоҳбегимнинг эгачисини Султон Абусаид Мирзо олган эди. Ундан Абобакр Мирзо бино бўлган эди”.*[109] Бадахшон шоҳлари Амир Темур ва Темурийлар даврида ҳокимиятни тан олиб, уларнинг номидан давлатни идора қилганлар. Бироқ, кейинчалик мустақилликка интилганликлари учун Султон Абусаид Шоҳ Муҳаммад Султон ва унинг ўғлини қатл этади. Шоҳ Лаълий қатлга қадар Ҳиротда ушлаб турилган. Ўша вақтда у Алишер Навоий билан танишган ва яқинлашган.[110] Давлатшоҳ Самарқандий Ҳиротда шоҳнинг қатл санасини 1467 йил деб кўрсатади. Демак, Навоий Бадахшон шоҳи билан айнан шу йил

[107] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис.Т.:Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.30.
[108] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2014.-Б.50.
[109] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Ўқитувчи, 2008.-Б. 35.
[110] Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2014.-Б.578.

танишган ва учрашган ҳамда у шаҳид этилгач, шоир айрим адабиётшунослар айтганидек, 1465 йилда эмас, балки 1467 йилда Самарқанд шаҳрига кетган кўринади. Шундан сўнг Навоий Шайх Садруддин Равосийнинг муриди - Лаълий тахаллусли шоҳни "хуштабъ ва мусулмонваш киши" бўлганини тазкирасида қайд этган[111] ва унда назаримизда, ўз тилидан ёзиб олган қуйидаги шеърини ҳавола этган:

Мо савдои ту тарки жону сар хоҳим кард,
Коми жон охир з-лаълат пуршакар хоҳим кард.[112]

(Мазмуни: *Биз сенинг йўлингда жону бошдан кечишни истаймиз, Сершакар лабингдан коми жонни тилаймиз.)*

Фахрий Ҳиравий ҳам "Равзат ус-салотин"да "Шоҳ шеърни яхши айтарди",[113] деб ёзади ва қуйидаги байтларини келтиради:

Чашми шўхи ту ки дар мамлакати жон заду бўрд,
Турки маст аст буд одати туркон заду бўрд.
Дили хунини маро байзаи рангин пайдо аст,
Ёри кард лаби ёр бадандон заду бўрд.

(Мазмуни: Шўх кўзинг жон мулкига урдию олиб кетди, Маст турк эди, туркларнинг одатини қилиб олиб кетди. Менинг қонли дилимдан тухум бўялди, Ёрнинг лаби ёрлик қилди, тишладию олиб кетди.)[114]

Давлатшоҳ Самарқандий "Тазкират уш-шуаро"сида шоир Соҳиб Балхийнинг Бадахшон шоҳларига бағишланган қасидалар борлигини айтган: *"Бадахшон шоҳлари ва Термизнинг улуғ саййидлари ҳақида покиза қасидалар бағишлаган.*

Аммо, Бадахшон подшолари қадимий сулола ва карамли шоҳлардан эдилар. Баъзи (олимлар) улар насабини Зулқайнайн номи билан машҳур Искандар Файлақусга боғлайдилар. Улар Эрону Турон подшолари замонида ҳамиша ҳурмат ва эҳтиромда эдилар. Подшолар Бадахшонга тегмас, уларнинг тараддуд ва мулозаматлари билан қаноатланардилар. Бу ҳол узоқ замонларда ўтган подшолар давридан давом этиб келган. Бахтиёр хоқон Абусаид Султон Бадахшон вилоятининг латофату об-ҳавоси яхшилигини эшитиб, ўз тасарруфига киритмоққа қарор қилди.

[111] Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Т.: Бадиий адабиёт, 1966.-Б.43.
[112] Кўрстилган асар.-Б.43.
[113] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2014.-Б.50.
[114] Кўрсатилган асар.-Б.50.

Бегуноҳ шоҳларни қириб ташлашга бел боғлаб, лашкар тортди ва ўша мамлакатни фатҳ этди. (Сўнг) Султон Муҳаммадшоҳ ва унинг авлод ҳамда қариндош-уруғларини ўлдиришга буюрди. 1467 (Ҳижрий 871) йили ўша мазлум шоҳлар Султон Абусаид амри билан шаҳид этилдилар. Соҳибкарам шоҳларнинг қадимий хонадони вайрон бўлиб, уларнинг насли узилиб қолди. Ўша муборак хонадонга қилинган қасд Султон Абусаидга бахт келтирмади. Орадан кўп ўтмай, уларга бир қултум (заҳар) ичирган идишдан ўзи ҳам нўш этди".[115]

Манбаларда ёзилишича, шоир Хожа Маҳмуд Хуросондан Бадахшон шоҳи ҳузурига борган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг зикр этилишича, *"Бахтиёр шоҳ Султон Муҳаммад Бадахшоний фозил ва саховатли, андишали, шеъру шоирликдан хабардор эдиким, Хожа Маҳмуднинг бошини силади. У шоҳ инъом этган молларни сармоя қилиб, (кўп ўтмай) молдор савдогар Хожа Бузург бўлиб олди".*[116]

Мухтасар айтганда, юқорида зикр этилганидек, шоҳ Ҳиротда банди этилганда, Навоий шоҳ билан учрашиш ва суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлган. Бироқ суҳбатнинг тафсилотлари манбаларда келтирилмаган. Албатта икки шоирнинг мулоқоти – шеър ва шоирлик тўғрисида бўлган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо, ҳамма гап, шоирда катта таассурот қолдирган бу суҳбатнинг бир умр унинг хотирасида муҳрланиб қолганида! Йигирма тўрт йилдан сўнг эса шоҳ ва унинг ўғли ҳақидаги маълумотлар шоирлар тазкирасида битилади ва шоҳга абадий ҳайкал қўйилади.

НАВОИЙНИНГ САМАРҚАНДЛИК МУҚАВВИЙСИ

Жаҳон адабиётшунослиги тарихида муайян миллат маънавий меросига, илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган адабий жараёнларни ўрганиш адабиётшуносликнинг адабий-эстетик категорияси сифатида ўзига хос илмий-назарий аҳамиятга эга.

[115] Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони ("Тазкират уш-шуаро"дан).Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1981.-Б.178-179.

[116] Кўрсатилган асар.-Б.181.

Дунё адабиётшунослигида адабий жараёнлар, адабий муҳитлар, сарой адабиёти вакиллари меросини тадқиқ этиш юзасидан олиб борилаётган изланишлар фан тарихи асосида унинг назарияси тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган Янги Ўзбекистонда дунё адабиётшунослигида юзага келган илғор методологик усуллар асосида миллий адабиётимиз мезонларининг янгича тамойилларини шакллантириш, ўзбек адабиёти тарихида сарой адабиёти ва адабий мажлисларни тадқиқ этиш ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Тарихдан маълумки, ўн бешинчи асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган, *“бир кечаю кундуз адабий базм қурадиган*”.[117] Султон Аҳмад Мирзонинг атрофидаги беклар ҳам маърифатли инсонлар бўлишган. “Бобурнома”да ёзилишича, Абдулали Тархон султонларга хос бадиий базмлар ўтказган. Улуғ зотлар билан мулоқотлар қилишни хуш кўрадиган Дарвеш Муҳаммад Тархон эса ўз қароргоҳида доим Қуръони Карим кўчириб ўтирган. Аҳли айёндан Дарвешбек соз чалган ва шеър айтган.[118] Мамлакатда катта мавқега эга бўлган, нуфузли амалдорлардан ҳисобланган Аҳмад Ҳожибек ўз вақтини маърифий суҳбатлар, адабий базмлар ва шеърият кечалар ташкил этишга сарфлаган. Фахрий Ҳиравий ҳам бекни бутун умр ҳаётини айшда-базму жамшид билан ўтказганини[119] тасдиқлаган.

Алишер Навоий асарларида Аҳмад Ҳожибек (XV аср) номи катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади: *“Султон Малик Кошғарийнингким, замонининг бебадалларидин эрди, ўғлидур. Сурати хуш ва сийрати дилкаш, аҳлоқи ҳамида ва атвори писандида йигитдур”.*[120] Таниқли давлат арбоби, саркарда ва шоир Аҳмад Ҳожибек Султон Абусаид Хуросонни эгаллагач, Ҳиротга ҳоким этиб тайинланади ва у ўн йил давомида бу шаҳарни бошқаради. Султон Абусаиднинг Самарқанддаги ноиби Жонибек Дўлдой (Аҳмад Ҳожибек Дўлдойнинг амакиси) вафот этгандан сўнг, Аҳмад Ҳожибек унинг ўрнига тайинланади. Султон Абусаид 1469 йилда ҳалок бўлгандан сўнг Аҳмад Ҳожибек унинг тўнғич

[117] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.Ўқитувчи, 2008.-Б.39.
[118] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.Ўқитувчи, 2008.-Б.41.
[119] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.Мумтоз сўз, 2014.-Б.107.
[120] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.156.

ўғли Султон Аҳмад Мирзонинг улуғ бекларидан ва лашкарбошиларидан бири сифатида фаолият кўрсатган ва Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётида катта мавқега эга бўлган.[121] *“Самарқанд маҳфузасида ҳам муддате ҳоким эрди. Ва бир қарн бўла бордиким, истиқлол била аморат ва истиқрор била подшоҳға наёбат қиладурким, ҳеч киши андин бир номулойим нимаким, мужиби эътироз бўла олғай, нақл қилмайдур. Бовужуди бу Бекнинг сипоҳийликда жалодат ва баҳодурлуғин ҳар кишиким танир, мусаллам тутар”.*[122]

Аҳмад Ҳожибек ўз даврида маърифатпарвар ва инсонпарвар ҳоким сифатида ном қозонган. Илм, маданият ва адабиёт ривожи учун жон куйдирган, илму адаб ва ҳунар аҳлини қўллаб-қувватлаган. Ҳиротдалигида Абусаид Мирзо тарихини ёзаётган Мавлоно Абдусамад Бадахший ва Султоннинг хос мулозими Шайхим Суҳайлий воситасида Аҳмад Ҳожибек билан яқин алоқа ўрнатган Навоий ўша пайтда пойтахтда ўзига нисбатан бўлган эътибордан кўнгли тўлмай, бирор ёққа бош олиб кетиш қарорига келганида, айнан уни орқа қилиб, Самарқандга йўл олган. Аҳмад Ҳожибек Самарқандда Навоийнинг илм олиши ва яшаши учун барча шароитни яратиб беради, “мураббийлик ва муқаввийлик қилиб”, моддий ва маънавий жиҳатдан ҳамиша қўллаб – қувватлайди.[123] Умид Бекмуҳаммад ҳам Навоийнинг Самарқандга етаклаган сабаблардан бири илгари Ҳиротда ўн йил ҳокимлик қилган, айни вақтда Мовароуннаҳр пойтахтида ҳукм юритиб келаётган Аҳмад Ҳожибек ҳузурига бориш бўлган,[124] дейди. “Амир Аҳмад Ҳожибек Ҳирот доруғаси (бошқарувчиси) бўлган даврда Навоий билан учрашгани ҳақида тарихий маълумотлар бор. У (ўн-ўн икки ёшида етти иқлимда машҳур бўлган) ёш Навоийнинг истеъдоди тўғрисида хабардор бўлган. Навоийнинг отаси билан танишлиги ҳам ҳақиқатга яқин... Навоий айнан уни қора қилиб, Самарқандга келган бўлиши ҳам истисно эмас. Нима бўлганда ҳам Аҳмад Ҳожибек Навоийни бенаволикдан қутқарганига шубҳа йўқ.”[125] Адабиётшунос Буробия Ражабова ““Бобурнома”да

[121] Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т. Шарқ НМАК БТ, 2014.-Б.66.
[122] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.156.
[123] Алишер Навоий: Қомусий луғат. Биринчи жилд. Т. Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.86.
[124] Бекмуҳаммад У. Навоийнинг армонлари. Т.: Янги аср авлоди, 2011.-Б.14.
[125] Аъзам А. Аброрлар ҳайрати.//Жаҳон адабиёти.-Тошкент, 2021.-№7.-Б.7.

мураббий ва муқаввийлик талқини” мақоласида ёзишича, *“Мемуар(“Бобурнома”)да мураббий ва муқаввий бирикмаси Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибекка нисбатан қўлланган маълумотда “Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввий эди”, деб фозил ҳоким ўзининг мураббий ва муқаввийлигини фақат Самарқандда Алишер Навоийга кўрсатгани айтилган, аммо асарда муаллиф уни темурийлар Уйғониш даврининг мураббий ва муқаввий ҳокими сифатида ҳам таништирганини яққол сезиш мумкин.”* Иззат Султоннинг ёзишича, Алишер Навоий ўзининг бутун умр орзу қилган адабий муҳитни биринчи мартаба Самарқандда топди: Бу ернинг ҳокими санъат ва илмга, Алишердек... истеъдодли кишиларга ҳомийгина эмас, ўзи ҳам оқил ва шоир эди.[126]

Аҳмад Ҳожибекнинг Самарқанддаги даргоҳида ўтказилган базму жамшид, зиёфатлари адабий мажлис кўринишида бўлиб, унда қасидалар, ғазаллар, бадиҳалар ўқилиб, мушоиралар олиб борилган. Самарқанд шоирларидан Хотамийнинг *“улуғ, мукаррам амир ва олимлар мураббийси, фозиллар ҳомийси, Ҳассон (машҳур араб шоири) баёнли, замон Салмон (форс шоири)и, бениёз тангри назари воситасида одамларга манзур бўлган Амир Шужоъ уд-давлата вад-дин Аҳмад Ҳожибек”* мадҳидаги ғазали ва қуйидаги қитъаси амалдорнинг адабий мажлисларида ўқилган:

Мири арбоби мурувват ба сахо,
Дидайи аҳли маоний ба сухан.
Бод нав бардаи бораш, анжум,
Аз сар дид дар ин дайри куҳан.

(Мазмуни: Саховатда мурувват аҳлининг амири, Сўзда маоний аҳлининг кўрар кўзи. Саройи қули янгиланиб, кўринсин, Юлдуз янги бошдан бу эски жаҳонда.)[127]

Навоий Самарқанд шаҳрида бўлган пайтда дўсти Шайхим Суҳайлий билан биргаликда Аҳмад Ҳожибек адабий кечаларида иштирок этгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Бобурнинг ёзишича, *“Мир Алишер Навоий Ҳиротдан Самарқандга келган пайтлари Аҳмад Ҳожибек билан бирга бўлар эди”.*[128] Демак, шоирлар султони Аҳмад Ҳожибекнинг “яқин суҳбатдоши” сифатида бекнинг шеърият кечаларида ҳам қатнашиб, ўз ғазалларини ўқиган.

[126] Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Т.:Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1969.-Б.
[127] Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013.-Б.32.
[128] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.:Ўқитувчи, 2008.-Б.41.

Ботирхон Валихўжаев “Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари” номли мақоласида ёзганидек, *“Маълумки, Навоийнинг мураббийси ва ҳомийси Аҳмад Ҳожибек Самарқанд ҳокими бўлиши билан бирга Вафоий тахаллуси билан шеър битган, ҳатто девон ҳам тузган эди. Шунинг натижасида Вафоий мушоираларда қатнашарди, шоирлар эса унинг шеърларига тазмин ва назиралар ёзардилар. Ана шундай шоирлардан бири Алишер Навоий эди. Унинг “Девони Фоний”сига киритилган қуйидаги матлаъли ғазали Амир Аҳмад Ҳожибек Вафоий ғазалига назира ва татаббуъ тарзида ёзилгани алоҳида таъкидланган:*

Дилам бурди ба рух чун парда бо сад макру фан басти,
Чу дуздон гоҳе қасди нақд рўи хештан басти.[129]

(Мазмуни: Ўғрилар ўғриликка чиққанда юзларини ёпганларидек, сен ҳам кўп ҳийла-найранг била юзингни парда билан бекитиб, кўнглимни ўғирладинг.)

Алишер Навоийнинг қуйидаги ғазали ҳам Амир Вафоийнинг машҳур ғазалига пайравдир:

Ҳаст рўи гули холи лабат болои ў,
Чун ҳарири ол к-аз анбар бувад тамғои ў.[130]

Юқоридаги Вафоий ғазалига ёзилган назиралар Навоий томонидан Аҳмад Ҳожибек ҳузуридаги адабий кечаларда ўқилган бўлиши эҳтимолга яқин. Навоий Аҳмад Ҳожибек билан суҳбат қургани – адабий кечаларида иштирок этганини Мирхонд ҳам “Равзат ус-сафо”да ёзиб қолдирган: *“Хуросондан Самарқандга кетиб, Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ (Абуллайсий) хонақосида яшади. Асосий вақтини мутолаа билан ўтказди. Гоҳида Мовароуннаҳр давлати ишларининг соҳибихтиёри Амир Дарвеш Муҳаммад Тархон ва Амир Аҳмад Ҳожибек билан суҳбат қурарди. Бу ҳаёт шунгача давом эттики, Мирзо Султон Аҳмад Ҳусайн Мирзога қарши Амудан кечиб, Хуросонга юриш қилганда, Амир Алишер ҳам унинг ўрдусида эди. Абу Саид Мирзо ўлими воқеаси ва Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротни истило этганлиги ҳақидаги хабар аниқланган сўнг Аҳмад Ҳожибекдан рухсат олиб, Ҳиротга юзланди”.*[131]

---

[129] Алишер Навоий. Девони Фоний. ТАТ. Бешинчи жилд. Т.:Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.529.
[130] Кўрсатилган асар.-Б.488.
[131] Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Т. Академнашр, 2011.-Б.60.

Аҳмад Ҳожибек ўз даврининг машҳур шоирларидан бўлган: *“Аҳмад Ҳожибек хуштабъ ва мардона киши эди. “Вафоий” тахаллуси бор эди. Девон тартиб берган, шеъри ёмон эмас эди, бу байт уникидир:*

Мастам, эй муҳтасиб, имрўз зи ман даст бидор,
Эҳтисобам бикун, он рўз ки ёби ҳушёр.

(Мазмуни: Қилма безовта мени, эй муҳтасиб, мастман бугун, Истаганча қил сўроқ топган кунинг ҳушёр мени.)[132]

Алишер Навоий ҳам унинг шеърий истеъдодини юқори баҳолаб, “Мажолис ун-нафоис”да *“табъи бағоят хуб воқеъ бўлубтур ва назмга кўп илтифот қилур”,*[133] деган. Демак, Навоий ва унинг замондошлари қайдларига асосланиб айтишимиз мумкинки, Вафоийнинг ижодидан келтирилган қуйидаги байт билан бошланувчи ғазал ҳам адабий йиғинларда ўқилган:

Гирифтй жони ман аз тан ба зулфи пуршикан бастй,
Кушодй парда аз рухсори хешу чашми ман бастй.[134]

(Мазмуни: Танимдан жонимни олиб кўп занжирли сочинг билан боғладинг, Юзингдан пардани очиб (у билан) кўзимни боғладинг.)

Ушбу қўшмисрада муболағанинг ақл ишонадиган ва ҳаётда юз берадиган тури – таблиғ (юздаги парда билан кўзни боғлаш) ҳамда ақлга сиғмайдиган ва ҳаётда сира учрамайдиган тури –ғулуъ (тандан жонни олиб, занжирли соч билан боғлаш) санъатларининг қўлланилганлиги Аҳмад Ҳожибекнинг юксак шоирона маҳоратга эга бўлганлигидан далолат беради[Султонов, 2017:65].

Навоийнинг Аҳмад Ҳожибекка меҳр ва ихлоси шу қадар баланд бўлганки, Ҳиротда Вафоий тахаллуси билан шеър ёза бошлаган бир ижодкорни у Султон Бадиуззамон Мирзонинг сарой шоири бўлгани боис ўз тахаллусини Замонийга ўзгартиришга ундаган, Аҳмад Ҳожибек қаламига мансуб ажойиб шеърларни ўз номига ўтказиб юбормаслиги ҳақида огоҳлантирган.

Навоий “Соқийнома”да Аҳмад Ҳожибекни зикр этиб, Вафоий тахаллуси билан машҳур бўлган бек шоирни вафо ичра сафо топган, яъни ҳаёт мазмунини вафода деб билган зот, дейди.

---

[132] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.Ўқитувчи, 2008.-Б.41.

[133] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.156.

[134] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.156.

Чун Вафойи била бўлди машҳур,
Айласун умри вафо бирла зуҳур.
Кўнгли чун топти вафо ичра сафо,
Деки, мундоқ дедилар аҳли вафо.[135]

Мухтасар қилиб айтганда, Аҳмад Ҳожибек ҳузуридаги адабий мажлислар ўз даври шоирлари камолоти ва мумтоз адабиёт тараққиётида муҳим роль ўйнаган. Тахминан 1467-1469 йилларда Самарқандда бўлган Алишер Навоий ҳам мазкур шеърият кечаларидан завқ ва илҳом олган, бўлиши мумкин. Албатта, Аҳмад Ҳожибек адабий мажлисларида Навоий иштироки ҳамда шоирлар султони дунёқараши такомилида шеърият кечаларининг таъсири масаласини тадқиқ этиш навоийшунослик илмининг янги маълумотлар бойишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

НАВОИЙ НАЗАРИ ТУШГАН АБУБАКР ИСМЛИ ТЕМУРИЙЗОДАЛАР

Тарихда Соҳибқирон Темур сулоласига мансуб уч Абубакр Мирзо яшаб ўтган. Не бахтки, бу учала шаҳзоданинг тақдири бир-бирига ўхшаб кетади. Уларнинг биринчиси, Мироншоҳ Мирзо Кўрагоннинг тўнғич ўғли **Абубакр Мирзо** (1382-1417) ҳақида Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да алоҳида тўхталган: *“Абубакр набира бўлур. Баҳодирлиғи ва қиличи зарби Чиғатой улусида машҳурдир. Чун табъида назм чошниси бор эрмиш”.*[136] Мироншоҳнинг мўғил маликаси Ўринсултонхоника бинту Суюрғатмишхондан туғилган фарзанди, бор-йўғи 36 йил умр кўрган Абубакр ўз укаси Умар Мирзо билан доимий ихтилофда бўлган. Абубакр *“1399 йилда Соҳибқирон томонидан отаси Мироншоҳ Мирзо тасарруфидаги вилоятларга ҳоким этиб тайинланган. Бироқ Мирзо отаси Мироншоҳга бўлган ҳурмати юзасидан бобосининг таклифини қабул қилмаган. Соҳибқирон Абубакр Мирзони кўнгилчанликда айблаб, ҳокимиятни Мироншоҳнинг иккинчи ўғли Умар Мирзога берган. (Бироқ, Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”сида Соҳибқирон Озарбайжон мулкини Мироншоҳнинг ўғли амирзода Абубакрга*

[135] Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. Фавоидул-кибар. Асарлар. ЎБТ. Тўртинчи том. Т.: Бадиий адабиёт, 1965.-Б.422.
[136] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.412.

топширгани ва отасини ҳам унга буйсиндирганини ёзган: "(Шундай қилиб) салтанат амирзода Абубакр қўлида қарор топди, подшоҳлик номи ҳам махфий тарзда отаси қўлида бўлди. Аслида, ҳокимият тўлиғича Абубакр Мирзонинг тасарруфида эди. Мироншоҳ Кўрагон шу тарзда бир неча йил кун кечирди ва 1406 (Ҳижрий 809) йили Қора Юсуф туркман томонидан ўлдирилди. Мироншоҳ Мирзо тўққиз йил Хуросонда ва ўн бир йил Озарбайжонда ҳукмронлик қилди.[137]*) 1405 йилнинг апрелида нисбатан пинҳоний ғанимлик руҳида бўлган Умар Мирзо томонидан Султонияда банди қилинади, унга тегишли ҳарам ва мол-мулк мусодара этилади. Шу йилнинг 25 июлида Абубакр Мирзо уни қатл қилиш учун келган Одил хазиначи, Исо қўрчи ва Шайхҳожиларни ўлдириб, аскарлари билан Султонияга боради, у ердаги хазинани қўлга киритиб, Рай орқали Хуросонга қараб йўлга чиқади. Султонияни эгаллагач, укасига тегишли бекларнинг аксарияти Абубакр Мирзо хизматига киради. Абубакр отаси Мироншоҳни тантанали равишда тахтга ўтқазади. Лекин укаси Умар Мирзонинг душманлиги ҳаддан ошавергач, аркони давлат Абубакр Мирзонинг ўзини тахтга ўтказишни лозим топадилар. Абубакр Мирзо тахтга чиққач, Тўкал Ўрусбуганинг қизини никоҳига олади. Ушбу йилнинг 22 декабрида Абубакр Мирзо Табризни қўл остига киритади. 1406 йил 14 октябрь куни Арс дарёси бўйида Қаро Юсуф туркман билан кечган тўқнашувда енгилади. Айни йилнинг қишини Рай шаҳрида ўтказган ва Шаҳриёр қалъасида исён кўтарган Баён қавчин ва унинг бир қанча амирларини қатл этади. 1408 йилнинг 21 апрелида Озарбайжоннинг Сардруд мавзесида Қаро Юсуф туркманнинг йигирма минг кишилик лашкарига қарши кечган жангда падари бузруквори Мироншоҳ Мирзо билан маглубиятга учрайди. Шундан кейин Кермон ҳокими Султон Увайс ибн Идику Барлос ҳузурига, у ердан Сейистон ҳокими Шоҳ Қутбуддин қошига келади. Абубакр Мирзо 1417 йилда вафот этган".*[138] Аммо, айрим тарихий манбаларда шаҳзоданинг 1409 йилда номаълум сабабларга кўра, умри якунига етганлиги ёзилган.

[137] Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони ("Тазкират уш-шуаро"дан). Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1981.-Б.129-130.

[138] Ҳамидулла Дадабоев. Амир Темур даврдошлари. Т.: Навоий университети, 2018.-Б.11.

Бобоси Амир Темур тарбиясида йирик саркарда бўлиб шаклланган Абубакр Мирзо атрофида шоирлар бўлиб, унинг ҳузурида шеърият мажлислари ташкил этилган. Аммо унинг сарой шоирлари ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Шуниси аниққи, шеъриятга меҳр қўйган бошқа темурийлар каби Абубакр атрофидаги олимлар, шоирлар ва фозиллар даврасида ўз шеърларини ўқиган:

Эр керак ўртанса ёнса ёлина,
Ёра еб ётса отининг ёлина.
Ит ўлуми бирла ўлса яхшироқ,
Эр отониб душманига ёлина.[139]

Ҳолбуки, ушбу туюқ Алишер Навоий: Қомусий луғатининг биринчи жилдида Султон Абусаиднинг ўғли Абубакр Мирзога нисбат берилган.[140]

Иккинчи Абубакр Мирзо эса Муҳаммад Жўки Мирзонинг фарзандидир. Фахрий Ҳиравий Жўки Мирзонинг ўғли **Абубакр Мирзо** (1427-1449) шеър ёзганлиги тўғрисида шундай ёзган: *“Абубакр Мирзо бинни Жўки Мирзо Шоҳрух Мирзонинг набирасидир. Ҳусни жамол, фаслу камолда тенги йўқ эди. Ва Амир Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг “Тазкират уш-шуаро”сида ёзган: давлатхоҳлар тарафдорлари раъияти ва заррадек кўп сипоҳи шаҳриёрлик осмонининг қуёши бўлганларида Улуғбек Мирзо салтанат ишларидан андиша қилди ва қаттиқ ва кескин аҳд ва қасамга кўра алдаб уни қўлга олди. Ва кейин уни уқбо саройига жўнатиш (қатл этиш) учун Самарқанд ҳисоридаги Кўксаройга юборди. Ва у (Абу Бакр Мирзо) ушбу рубоийни айтиб, Улуғбек Мирзога жўнатди. Рубоий:*

Аввалки, маро бадоми хеш оварди,
Сад гуна вафо ва ноз пеш оварди.
Чун донист ки дил гирифтори ту шод,
Бегонагии тамом пеш оварди.

(Мазмуни: Олдин мени ўз домингга илинтириб, Юз хил вафо ва нозни кўрсатдинг. Дил сенинг гирифторинг эканлигини билгандан кейин, Барча бегоналикларни илгари сурдинг.)

---

[139] Кўрсатилган асар.-Б.412.
[140] Алишер Навоий: Қомусий луғат. Биринчи жилд. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.44.

Шундан кейин унинг зулмкорлиги тамом бўлди. Улуғбек пушаймон бўлди ва ҳамиша ҳасрат бармоғини надомат тишлари билан тишлаб, мана бу байтни ўқир эди. Байт:

Вақти дарёб баҳри ҳол ки суди накунад,
Нушдори ки пас аз марг ба Сухроб диҳанд.

(Мазмуни: Суҳроб ўлганидан кейин заҳарга қарши дори берганларидек, Қутқариш вақтида ҳеч нарса фойда қилмайди.)[141]

Янада тушунарлироқ қилиб айтганда, *“Ҳар жиҳатдан мукаммал бўлган Абубакр Хутталон, Арханг, Солисаройни бошқарган. Балхни эгаллаб, ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлайди. Улуғбек Мирзо куёв қилиш ниятида ҳузурига чорлайди. Ғаламислар аралашиб, фитна чиқарадилар ва Кўксаройда қатл этишади.”*[142]

Учинчи Абубакр Мирзо (1455-1479) эса Абусаид Кўрагон ва Бадахшон маликасининг фарзанди. У бошқа отдошлари каби шижоатли, жасур, ҳимматли бўлган. Фахрий Ҳиравийнинг ёзишича, *“...Онаси Бадахшон шоҳларининг оиласидан эди. Унинг баҳодирлиги ва шамширининг зарби Чиғатой жангчиларининг орасида маълумдир. Диловарлик билан бирга ҳусну жамолда назири йўқ эди.* ***Ва табъи туркий ва форсий назмда бағоят яхши эди.*** *Айтишларича, ўз оға-иниларидан ранжиб, Мовароуннаҳрдан Хуросонга келган. Ва мағфур Султон Ҳусайн Мирзо уни фарзандларидан ортиқроқ кўриб, салтанат бўстонидан бир гулга унаштириб, куёвликка муқаррар қилди. Лекин у бир куни кечаси ижозатсиз Мовароуннаҳрга қайтди. Аммо толеъсизлигидан у ерда отасининг эътиборли амирларидан бири бўлган Саид Мазид Арғунни қатлга етказди. Ва шундай қилиб, яна Хуросонга келди ва Султон Ғозийнинг мулозаматига мушарраф бўлди. Ва ул ҳазрат унинг гуноҳидан ўтиб, эътибор билан муносабатда бўлди ва Термиз мулкини унга иноят қилди. Озгина фурсатдан кейин асли туркман бўлган иккита фитнаангиз амир Самарқанддан қочиб (келиб), унга қўшилдилар. Ва уни мағфур ҳазрат хоқонга мухолиф қилдилар ва охир ул-амр, ўша фитнада онҳазрат қўлида қатл бўлди”.*[143] Хондамир ҳам Абубакр Мирзо воқеасини “Ҳабиб ус-сийар”да батафсил ёритган: *“У Султон Абусаид Мирзо ўғиллари*

[141] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2014.-Б.54.
[142] Сатторий Ҳ. Олтин силсила. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2006.-Б.96.
[143] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2014.-Б.45.

ичида энг шижоатлиси эди ва отаси ҳаёт пайтида Бадахшон мамлакатида фармон берувчилик ишида мансуб турди. Ул ҳазрат шаҳид бўлгач, дастлаб Султон Ҳусайн Мирзога нисбатан ихлосмандлик йўлини тутиб юрди, кейинчалик эса қаршилик байроғини ҳилпиратиб, бир неча вақт ҳужум ва қочиш ишларини амалга ошириб турди. 884 йилнинг Ражаб ойи охирида (Милодий 1479 йил 17 октябрь) Астрабод ҳудудида қўлга тушиб, сиёсат қўли унинг ҳаёти кўч-кўронини йиғиштирди."[144] Дарҳақиқат, отаси вафотидан сўнг Султон Ҳусайн Бойқаро илтифотига интилган. Алишер Навоий уни Ҳиротга олиб келади. Хондамир "Ҳабиб ус-сийар"да ёзишича, *"Султон Абусаид Мирзо аҳволи баёни асносида маълум бўлганидек, довюрак ва баланд ҳиммatли шаҳзода Абубакр Мирзо улуғвор отаси давлати айёмида Бадахшон мамлакатида ҳукумат юргизарди. Қорабоғ воқеасидан кейин Амир Жалолиддин Мазид Арғун Бадахшонга кетиб, мазкур шаҳзодага бўйсуниш занжирини елкасига ташлади ва шунинг воситасида бу шаҳарда амирлар ва лашкар аҳлидан анчасини йиғиб, натижада Абубакр Мирзо ишлари ўнгланиб кетди. Чакмон мавзеида душманни енгувчи подшоҳ (Султон Ҳусайн Бойқаро) Аллоҳ таоло иноятн билан Султон Маҳмуд Мирзо устидан ғалаба қозонгач ва ғалаба оятли байроқ ойчаси нурлари ул ҳудуд мамлакатлари ён-атрофига сочилгач, Абубакр Мирзо мансур хоқон (Султон Ҳусайн Бойқаро) билан ихлос ва муҳаббат риштасини боғлашни кўнглига тугиб, келишув ва бирдамлик борасида гапираркан, подшоҳлик хонадонидан бир каримани ўз никоҳига киритиш фикрига тушди ва шу қарор билан Бадахшондан Жайҳун дарёси бўйига келиб, аъло тахт пойига элчи юборди ва нурли юрагида яшириган ниятидан бир бўлагини олампаноҳ даргоҳ эгасига айттирди.*

Мансур хоқоннинг ақл нурлари бу маъно сари тушгач, ғоятда хурсанд ва шод бўлди. Маслаҳат ва рухсатдан сўнг ҳазрат султоннинг энг яқин кишиси Амир Низомиддин Алишер (Навоий) шаҳзода ҳузурига бориши ва уни хоқонликнинг чексиз иноятидан умидвор қилиб, қандай бўлмасин шаҳзоданинг сидрат-ил-мунтаҳо мартабали даргоҳ (Ҳирот саройи)га келишига эришиши лозимлиги борасидаги қарорга келинди.

[144] Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар. Т.: Ўзбекистон, 2013.- Б.648.

Амир Алишер (Навоий) фармонга биноан олий маконли шаҳзода даргоҳига бориб, ул жанобнинг тасаввур қилинган даражадаги фаросат етуклиги ва ақл баркамоллиги туфайли элчилик расмини адо этиб, ул олам султонлари бошлиғининг яхши хулқи ва мақтовли атвори борасида тўлақонли тарзда сўзлаб бергач, шаҳзода Амир Жалолиддин Мазид Арғун билан биргаликда қутлуғ мулоқотга ошиқди ва Жайҳун дарёсидан кечиб ўтиб, Қози қишлоғида учрашув шарафини топди.

Мансур хоқон (Султон Ҳусайн Бойқаро) Абубакр Мирзони мўл-кўл тортиқ ва инъомлар, меҳрибонлик ва мушфиқлик билан сийлаб, бир неча кун давомида тўй тантанасини ўтказди ва айш зиёфатларини ясаб, иффату ҳаё ва ҳашамат пардаси хонанишини Султонбегимни шаҳзодага унаштириб, шариф кўнглини қувончга тўлдириб шоду хуррам қилди.”[145] Юқорида айтиб ўтилганидек, Султон Ҳусайнга қарши чиққан шаҳзода кейинчалик қатл этилади. Бироқ биз учун энг эътиборли далил – бу шаҳзода Абубакрнинг шоирлар султони назарига тушганлигидир. Демак, Амударё (Жайҳун) бўйига шаҳзодани кутиб олишга чиққан, Соҳибқирон Темур авлодига нисбатан чексиз ҳурматда бўлган Алишер Навоий то ҳукмдор ҳузурига бошлаб келгунча бир неча кун мобайнида Абубакр билан суҳбатлашиш ва унга ўз баҳосини бериш имконига эга бўлган. Яна шуниси қизиқки, Навоий ҳурмат қилган Лаълий тахаллуси билан шеърлар ёзган Бадахшон шоҳи шаҳзода Абубакрнинг она томондан бобоси бўлган. Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонида шаҳзода Абубакрга бағишланган қитъа мавжуд:

Шоҳи сипеҳрқадр Абубакр ул шаҳе,
Ким кўк равоқи даргаҳи қадриға тоқ эрур.
Бу чархи ложувард узра хуршид, гўйиё
Кўкбўз таковариға музаҳҳаб жаноқ эрур.
Бир пора ложувард сари гўйи англади,
Ким бу заифи хастаға кўп иштиёқ эрур.
Ҳукм этти бир қулиғаки, таслим айласун,
Гўё вусули ул киши оллинда шоқ эрур.
Ердин деса қазиб чиқарай, ер эрур қатиқ,

[145] Кўрсатилган асар.-Б.745-747.

Кўк конидин десаки, олай, кўк йироқ эрур.[146]

Тақдирнинг ўхшашлигини қарангки, учала шаҳзода ҳам ёшлигида шаҳид бўлган. Уч Абобакр ҳам тарихий маълумотларга қараганда, ниҳоятда баҳодир, жасур ва мард бўлишган. Жанг майдонида қиличбозликда уларнинг олдига тушадиган жангчи топилмаган. Шунингдек, учала доно Абобакр ҳам шеъриятга ошно бўлишган. Адабий йиғилишларда шеър айтиб туришган. Аммо, уларнинг бирлаштирган энг муҳим жиҳат шуки, қирқ ёшга ҳам кирмай хазон бўлган учала темурийзода ҳам тожу-тахт талашиб ҳалок бўлганлигидир.

АЛИШЕР НАВОИЙ МАЖЛИСЛАРИГА КИМЛАР ҚАТНАШГАН?
Ёки шоирнинг “улфат” ва “ошно”лари ҳақида нималарни биламиз?

Ўзбек адабиёти тарихида Ҳусайн Бойқаро ҳузуридаги олий мажлислар(Хуросонда адабий мажлислар ана шундай ном билан аталган-муаллиф) каби шоирлар султони Алишер Навоий даргоҳида ҳам худди шундай шеърият кечалари ташкил этилган. Албатта, Навоийнинг адабиёт аҳлига кўрсатган ғамхўрлигининг самараси ўлароқ, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг зиёлилари унинг атрофида жам бўлдилар. Узоқ-яқиндан тўпланган шоирлар эса Навоийнинг шеърий мажлисларини безата бошладилар. “Маҳбуб ул –қулуб”да Навоий ўзи ташкил этган ана шундай мажлисларни тилга олади*: “Гоҳо иззат ва маъмурлик бўстонида мажлис қурдим...Улуғ кишиларни ва юқори мансаб эгаларини ҳурмат ва таъзим юзасидан меҳмон қилдим ва баъзан шодлик боғида зиёфат тузиб, ...хонанда ва созандаларнинг базму тароналаридан баҳраманд бўлдим”.* М.Имомназаров “Буюк сиймолар, алломалар” китобидаги Алишер Навоийга бағишланган мақолада адабий анжуманларни маърифий суҳбатлар деб атайди. Яъни, Алишер Навоий ўз ҳузурига тез – тез шеър, илм ва санъат аҳлини чорлаб, маърифий суҳбатлар уюштириб турар, ёш истеъдодларни тарбия

[146] Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Хазойин ул-маоний. ТАТ.Ўн жилдлик. Биринчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.718.

қилиб, уларга шароит яратарди. Хондамир, Беҳзод, Восифий ва ўнлаб бошқа истеъдод эгалари шулар жумласидандир.

Алишер Навоий ҳузуридаги бундай кечаларга қатнашиш ҳаммага ҳам насиб этмаган. Хондамир ёзишича, *“Олимларнинг улуғлари қачонки, унинг олий даражадаги йиғинларида қатнашиш имкониятини қўлга киритишса, унинг самимий қалби сирлари саҳифаларидан фойдали марваридлар йиғишар, фозилларнинг машҳурлари қачонки, ул ҳазрат ўтирган муборак гиламнинг бир четида ўтириш шарафига эга бўлишса, нозик фикрлар ва нафис сўзлар гавҳарларини теришарди.* Давлатшоҳ Самарқандий ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлаган ҳолда *“фозилларнинг мақсади унинг олий мажлисига етишишдир... Унинг ҳамсуҳбатлари хуштаъб, фозил кишилардир. Унинг мақбул хотири аҳли дилдан бошқасини истамас, оғир табиатлилар унинг назарига енгилтак бўлиб кўринар, балки ноаҳиллар унинг латиф мажлисларига киролмасдилар...”* деб таъкидлаган. Давлатшоҳ Самарқандий ҳақ. Ўз даврининг зиёлилари, адабиёт аҳли Навоий ҳузуридаги йиғинларда қатнашишга ҳаракат қилишган. Адабиётшунос Атоуллоҳ Ҳусайний ҳам ўзи яратган янги шеърий санъатни, яъни *“анинг ҳар мисраи била қўшсалар, ўшал шеърдан бир байт ҳосил бўлур, лекин маъно ва қофияга халал бермайдиган”* усулни Навоий назаридан ўтказиш ниятида эди. *“Мундоқ бир санъатни эътибор қилиш кўпдан бери хотиримга айланиб юрар, аммо они айтиш йўли бандага келмас эрдиким, ҳазрати худовандгор(Навоий) мажлисига эришмак навбати етти ва яқинлик пайдо бўлди. Ул фикрни изҳор эттим. Сўзим тугагач, ўшул билан ул ҳазрат давоту қалам тиладилар ва бадиҳатан бир рубоий айттилар:*

Рўи ту зи рухи осмоний хуштар,
Қадди ту зи сарви бўстоний хуштар,
Лаъли ту зи оби зиндагоний хуштар,
Нутқат зи ҳаёти жовидоний хуштар.

(Таржимаси: Сенинг юзинг осмон юзида (қуёшдан) яхшироқ, Қаддинг бўстон сарвидан яхшироқ. Лаълинг ҳаёт сувидан яхшироқ, Нутқинг абадий ҳаётдан яхшироқ.)

...Аксари замона фозилларию атоқлиғ хуштаъблардан бўлмиш мажлис аҳли лол қолдилар ва таажжуб бармоғин тишлариға олдилар”.

Хондамирнинг “Хулосат ул-ахбор” асари маълумотларига асосланиб, Алишер Навоий мажлиси надимлари, дўстлари, улфатлари ва ошнолари номларини келтириб ўтсак, унинг олий йиғинларида ***Абдураҳмон Жомий***дек шоирлар, фозиллар ва турли касб эгаларидан иборат бўлган зиёлилар қатнашган. Мажлис аҳлидан “***Мавлоно Муҳаммад Муъин*** табиб ана шундай машҳур инсонлар жумласидан бўлган. Ул олижаноб амир Алишернинг илтифот ва эътибори туфайли унинг олий мажлисларига йўл топиб, яқин маҳрамига айланган.

Мавлоно Юсуф Бадеийнинг таъби ва зеҳнининг нуқсонсизлиги билан маълум, доимо олижаноб, султон ҳазратларининг яқин дўсти амир Алишер мулозаматида кун кечирган. ***Мир Сарбараҳна лақабли саййид Шамсуддин Муҳаммад Андижоний***ки, феълининг хушлиги, сўзларининг мулойимлиги, фаҳмининг тезлиги ҳамда зеҳнининг ўткирлиги билан замон фозиллари ва давроннинг зийрак кишилари орасида тамом ажралиб турган. Ҳаммавақт сўзлари ширин ва маъноли, ҳикоятлари гўзал, суҳбатлари ажойиб ва ғаройиб бўлган.

Ҳаётининг бошларида кўп вақт Мовароуннаҳр мамлакатида илм толиблари орасида кун кечирган. Ҳиротга келганидан кейин ҳидоятли амир Алишернинг иноятн ва тарбияти туфайли боши Фурқадондан юқори бўлган...

Паҳлавон Муҳаммад Абу Саид... Суҳбатлари завқли, нишоналари ажойиб, мақташга лойиқ ахлоқининг ва мақбул хулқининг ортиқлиги шубҳадан ҳоли ва тенгсиз (бўлган). Ҳамиша олиҳазрат хоқон (Султон Ҳусайн Бойқаро) мажлисларида ва олижаноб султон ҳазратлари яқин дўсти (Алишер Навоий)нинг йиғинларида сўзамоллик билан машғул (бўлган); соф таъблик ва тугал идроклик одам (бўлган), баъзан яхши шеърлар ва ёқимли муаммолар ҳам битарди...

Мавлоно Бурҳонуддин Атоуллоҳ. Хулқининг яхшилиги, фазилатининг кўплиги, таъбининг бенуқсонлиги, фаҳму фаросатининг тезлиги билан замондошларидан мумтоз (бўлган)...

Табиати ул жаноб (Мирхонд)нинг табиатидан устун бўлгани учун олиҳазрат амир Алишер (Навоий) унинг сўзларини тингларди ва ҳазиломуз ва мутойибали гапларни муборакбаён тилларига олардилар...

Мавлоно Қутбиддин Одам. Вақту замоннинг Жолинуси, давру давроннинг Букроти эди, олимақом амир Алишер (Навоий)нинг зўр ғамхўрлиги ва эътибори орқасида шон-шуҳрат чўққисига қадам қўйган.

...Олижаноб, нақобатпаноҳ ***амир жамол ул-миллат ва-д-дин Атоуллоҳ***ким, диний ва яқиний илмлар бўйича зўр камолот ҳосил қилган, шарофатли ҳадис илмини таҳқиқ қилишда шак-шубҳасиз Хуросон диёрида унга тенг келадиган йўқдир... Олижаноб амирга бағишлаб, ҳазрати хайрулбашар амир Алишернинг хислатлари ҳақида “Равзат ул-аҳбоб” номли китоб ёзганким, бундайини ҳали бирон киши ёзмаган бўлиши керак. Дарёдил амир Алишер одил подшоҳ Султон Ҳусайн ҳукмронлигининг бошларидан то шу кунгача улуғ ва баланд мартабалик ул жаноб ҳақида кўп ғамхўрликлар қилдиким, узоқ ва яқин, турку тожик бундан ҳайрат бармоғини тишлаб турмоқдалар.

Амир Бурҳонуддин Атоуллоҳ...Салим таъби гулзорининг яхши ҳидлари ва мустақим зеҳнидан эсган мушкиншиор шаббода жон димоғини муаттар қилғувчидир. Касбу камолотини оширишда ниҳоятда жидду жаҳд кўрсатиб, 902 (1497) йили бир неча ой мобайнида олижаноб, султон ҳазратлари яқин дўстининг йиғилишларида ваъз айтди ва ул жаноб амир Алишер унинг қўлини олиб ўзини ўша ифодатмаобнинг мухлислари сафига қўшди...

Мир Камолуддин Ҳусайн... Фазилати ва донишмандлиги, айниқса тасаввуф илмида машҳур ва маъруф бўлгани учун кўп йиллардан бери ҳидоятли амирнинг тамоми иноят ва илтифотига сазовор (бўлган).

Алишер Навоий мулозимларидан ***Амир Иброҳим Машҳадий ва Амир Шамсуддин Муҳаммад ибн Амир Юсуфлар*** амирнинг тарбияти ва мурувватига сазовор бўлиб, хонақоҳ ва мадрасаларда дарс ўтиш билан машғул (бўлган).

Амир Ихтиёруддин Ҳасан таъбининг бенуқсонлиги, фаҳму фаросатининг ўткирлиги, ахлоқу одобининг яхшилиги билан тенгқурларидан ажралиб турган. Ҳол-аҳволи фиқҳ ва илоҳиёт ҳамда иншо илми билан зийнатланган. Лавҳига олиҳазрат амир Алишернинг мадҳ қилиш ва унга ҳамду сано айтиш ёзилган...

Суҳбатдошлардан бири ***Амир Муртазо*** истеъмолдаги тамоми илмлардан баҳраманд, ҳикмат ва риёзиёт фанлари бўйича эса тенги йўқ олим (бўлган).

Саййид Разиуддин эса олийҳазрат амир Алишернинг файзга тўла илтифоти билан ўсган.

Амир Низомуддин Машҳадий фазилатпаноҳ амирнинг Ихлосия мадрасаси ҳамда Халосия хонақоҳида таълим олган.

Мавлоно Камолуддин Ҳусайн Воъиз Навоийнинг хос кишиларидан бўлган. Унинг балоғатоётлик ҳамда фасоҳатсифатлик китоблари кўп ва беҳисоб бўлиб, уларнинг кўпи олиймақом Амир Алишер Навоийнинг атоқли номи билан зийнатланган. Амир Алишернинг иноят ва илтифоти ул жанобнинг ҳол саҳифасига ҳаммавақт тушиб турган.

Мавлоно Фасиҳуддин Муҳаммад Низомий қадимга дастурга биноан яна Навоий олий йиғинларида ваъз айтган. Ул жаноб буни мамнуният билан қабул қилган ва ҳар куни султон ҳазратлари яқин дўстининг остонасига бориб турган ва диний масалаларни таҳқиқ қилиш билан банд бўлган.

Алишер Навоийнинг ***Мавлоно Дарвишали табиб***га нисбатан илтифот ва иноятн кўп, мурувват ва сийлаши ҳад-ҳисобсиз (бўлган). Мавлоно Дарвишали муаммо фанида ҳам маҳорат эгаси (бўлган). У доимо Навоийнинг муаммо ечиш мажлисларига иштирок этиб келган.

Амир Низомуддин Шайх Аҳмад Суҳайлий олижаноблиги, баланд мартабалилиги, зеҳнининг софлиги, таъбининг латифлиги билан машҳур (бўлган), доимо фасоҳатли байтлар ва балоғат асарлик шеърлар ёзиб турган. Унинг қасидалари, ғазаллари ва девони машҳур (бўлган), маснуъот ва макнунотлари халқ оғзига тушган. Йигитлигидан то умрининг охиригача олиҳазрат Амир Алишер Навоий билан унинг ўртасида биродарлик ва яқин суҳбатдошлик муносабатлари мавжуд (бўлган) ва Суҳайлий доимо Алишер Навоий мажлисларига қатнашиб келган.

Ким Суҳайли соридур зор кўнгул,
Кўп тилар суҳбатин афгор кўнгул...
Очмасам шамъи жамоли била кўз,
Ҳам хаёли била айтай неча сўз.
К-эй жаҳон халқи аро зоти нафис,

Зотинга фазлу адаб икки анис.
Дурри назминг суйи ул навъ равон,
Ки оқиб суфтидин оби ҳайвон.
Сенсен улким, яна йўқ сен киби зот,
Нақди маъни била фархунда сифот.
Сени қилди фалаки гарданда
Даҳр аро бир гарди арзанда.
Сен эдингким, манга дамсоз эрдинг,
Ҳар ниҳон нуктада ҳамроз эрдинг...
Кимки назм ичра гуҳаррез ўлди,
Нуктаси муъжиза ангез ўлди.
Лафзи жонбахши нафис анфоси,
Хосият анда ўлуб эҳёси.
Саъдию, Хисраву, Салмону Камол,
Ким эди ҳар бири бешубҳа мисол.
Гарчи чарх этти барин мутавори,
Сен алар ўрнидасен бори...
Ҳар неким айладинг ўтруда савод,
Айладинг бир-бирининг руҳин шод.[147]

Олий мажлис аҳлидан бўлмиш ***Амир Камолуддин Ҳусайн Али Жалойир*** фаҳму фаросатининг тезлиги, таъбининг хушлиги билан сифатланган, яхши хулқи ва одоби билан машҳур (бўлган). Ажойиб қасида ёзиб, унга рангин маъноларни киритган. Амир Алишер (Навоий) кўп меҳрибонлигидан уни фарзанд деб атаган.

Мавлоно Абдулла Жомий замоннинг йирик шоирлари, ҳамма даврнинг машҳур фозиллари жумласидан (бўлган), азиз вақтининг кўп қисмини ёқимли маснавийлар ёзишга сарфлаган. Абдулла Ҳотиф Маснавийгўй шоирлар султонининг йиғилишларида ҳам қатнашиб келган.

Мавлоно Осафийнинг соғлом зеҳнининг софлиги, таъбининг зукколиги маълумдир. У кўп вақтини олиҳазрат амир Алишернинг хос мулозимлари қаторида ўтказган. Мушоираларида ҳам иштирок этиб келган.

Адабий мажлисларнинг доимий иштирокчиларидан бири бўлган рангин шеърлар соҳиби ***Мавлоно Сайфий*** кўп вақтини

[147] Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. Фавоидул-кибар. Асарлар. ЎБТ. Тўртинчи том. Т.: Бадиий адабиёт, 1965.-Б.424.

Ҳиротда, олийшон Амир Алишер Навоийнинг инъому эҳсонларидан баҳраманд бўлган ҳолда, олий мажлисларида ўз шеърларини ўқиш билан ўтказган.

Мавлоно Низом Астрободий замон қасидагўйларининг етакчиси (бўлган) ва олийҳазрат амир Алишер (Навоий) мадҳида ажойиб қасидаларни назм ипига тизган ва ўз шеърларини мажлис аҳли ҳукмига ҳавола этган.

Навоий надимларидан ***Мавлоно Оҳий***нинг равон байтлари ва покиза шеърлари кўп эди. Шоир ҳам Алишер Навоий инъомларидан баҳраманд бўлиб, адабий йиғинларига қатнашиб келган.

Мавлоно Шаҳоб ва Мавлоно Асирийлар ўз муаммолари билан Алишер Навоийнинг муаммо ечиш мажлисларида қатнашиб, қобилиятларини намоён этишган.

Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Бадахший бағоят хушсуҳбат, ширин сўз, хушчақчақ, дарвишваш, хуш хулқлик, латиф таъб ва фозил киши (бўлган). Кўпроқ муаммо фанида катта маҳоратга эга бўлиб, қарийб 30 йил бахту саодатга чўмиб, олийҳазрат Амир Алишер (Навоий)нинг мулозаматида кун кечирган.

Мавлоно Шайх Абдулла Котиб қарийб 45 йил олиҳазрат Амир Алишер (Навоий) хизматида (бўлган) ва ул ҳазратнинг суҳбат ва дўстлигидан тўла баҳраманд бўлган. Доимо машҳур фозиллар ва зарифлар сафида адабий кечаларда иштирок этган.

Мавлоно Низомуддин Абдулҳай Табиб ҳам кўп вақтини олийҳазрат Амир Алишер (Навоий) ҳузурида ўтказган.

Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Нигорон кўп муддат ва узоқ замонлардан бери барчадан ўз ёрдамини аямайдиган Амир Алишер (Навоий)га ихлос қўйиб, унинг мулозаматида кун кечирган. Нигорон барча зарур илмларни мутолаа қилиб, доимо улуғ олимлар ва ҳурматли шоирлар қаторида мажлисларда иштирок этган.

Шеърий мажлис надимларидан ***Мавлоно Камолуддин Шоҳ Ҳусайн***нинг ҳол-аҳволи чеҳраси фазилат ва билим билан ораста, камчилик ва нуқсонлардан ҳоли (бўлган). У Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Бадахший воситачилиги билан олиҳазрат Амир Алишер (Навоий)нинг мулозаматига етишган ва таъбининг софлиги, зеҳнининг ўткирлиги туфайли унинг илтифот ва иноятига муяссар

бўлган. У ҳазрат Амир Алишер (Навоий)нинг махсус ходимлари қаторида бўлган.

Навоийнинг хос мусоҳибларидан ***Мавлоно Фасиҳуддин Соҳибдоро***, феъл-атвори ва хулқининг яхшилиги, таъбининг мулойимлиги, зеҳнининг тозалиги билан олиҳазрат Амир Алишер (Навоий)нинг мулозимларидан саналган. Ажойиб қасидалар назм қилишда, муаммолар айтишда балоғатли ва тенги йўқ (бўлган). (Олий мажлисларда) Надимлик шевасини ҳамда суҳбат қуришни яхши билган.

Хонанда ва созанда аҳлининг кўпчилиги ҳамиша Алишер Навоий мулозаматида бўлиб, адабий кечаларида хизмат қилганлар. ***Ҳофиз Қозоқ*** ёши улғайиб, оқу қорани ажратадиган бўлиб қолганда, Алишер Навоий хизматига кирган ва унинг диққат-эътибори орқасидан қонун чалишда тенги йўқ кишига айланган. Яхши овози бўлган. (Мажлисларда) Каттаю кичик унинг сози ва овозини эшитиб, кўп хушҳол бўлгандилар.

Устод Сайид Аҳмад хушчақчақ, хушсуҳбат ва ширин сўз киши бўлиб, ғижжакни яхши чалган. ***Устод Шоҳқули*** ҳам етук ғижжакчи эди. Унинг Султон Ҳусайн хизматида мартабаси баланд бўлган. Ёшлигида олиҳазрат Амир Алишер Навоий хизматида бўлган ва ул соҳиб фаросатининг ишорати билан уд ва бошқа мусиқа асбобларининг чалишни машқ қилган, қисқа вақт ичида буни тўла эгаллаб олган. Чунончи, бир куй тасниф этдиким, пешрави пуркордир. Унинг созандалик ва хонандалик шуҳрати оламнинг теварак-атрофига ёйилган. У Навоий олий мажлисларида ҳам уд, қўбиз ва ғижжакни ғоят усталик билан чалган. ***Устод Ҳусайн*** болалигидан то йигитлиги бошларигача султон ҳазратларининг яқин дўсти Амир Алишер (Навоий)нинг остонасида бўлган ва ул ҳазратнинг кўрсатмасига биноан, уд чалиш билан машғул бўлган ва қисқа вақт ичида бу фанда тўла маҳорат ҳосил қилган. Овози уд овозига ниҳоятда мос бўлиб, Алишер Навоий бадиий кечаларида хизмат қилиб келган. ***Устод Шайхий*** Ноий ёшлигидан Амир Алишер (Навоий)нинг хизматида камолга етиб, олий мажлисларига иштирок этиб келган.”[148]

[148] Хондамир. Хулосат ул-ахбор. Навоий замондошлари хотирасида. Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.58-79.

Шоирлар султонининг улфатларидан ***Қози Масъуд Қумий*** *“Ироқи Ажам улуғларидан эди. Мансур Ҳоқон (Султон Ҳусайн Бойқаро) замонида туғилиб-ўсган ватани Қумдан Ҳиротга келиб, Амир Низомиддин Алишер (Навоий) хизматини ихтиёр қилган. Ашъор назмида маҳоратли бўлгани учун мансур ҳоқон (Султон Ҳусайн Бойқаро) ўзининг аҳволини назм ипига теришни унга ҳавола қилган. Хожа бу борада икки мингга яқин байтни баён тизимига киритган. “Юсуф ва Зулайҳо”, “Мунозараи шамс ва қамар”, “Тиғ ва қалам” қиссалари ҳам унинг манзумалари жумласидандир. Мазкур матлаъ ҳам қози Масъуд Қумийнинг ғазаллар девонидан жой олган. Байт:*

Сенсиз йиғлайвериб уйқу элтадир,
Туш кўрибманким мени сув элтадир.[149]

Алишер Навоий “Соқийнома”нинг XXI бобидан бошлаб, мажлисининг марҳум ва барҳаёт надим-дўстлари ҳақида сўз юритган. XXII, XXIII, XXIV, XXV боблари Жомий, XXVI боби Саййид Ҳасан, XXVI боби эса Муҳаммад Паҳлавон хотирасига бағишланган. XXIX-XXXI бобларда эса шоир марҳум ҳамсуҳбатлари Пири Муаммоий, Хожа Камол, Мир Саидларни хотирлайди. У шунингдек “Соқийнома”да ёзилаётган даврда мажлисида иштирок этиб келаётган надим - дўстларини тилга олган:

Соқиё дўстлиғни кўргузгил,
Дўст кони қадаҳи еткузгил.
Ким кирар дўстларим ёдимға,
Ўт солур хотири ношодимға...
Бириси Пири Муаммоий эди,
Ким ҳарам бодия паймойи эди.
Яна бири нағмазани соҳибҳол,
Ҳам анинг ҳамқадами Хожа Камол.
Мир Садр ўзни тутуб аҳли вифоқ,
Лек кўп эрди Бадеъида нифоқ.
Ёр Танбал эди софу беғаш,
Зоти хуш, ҳайъати хуш, нуктаси хуш.
Яна бир Олими Сабзаворий эди,

[149] Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар. Т.: Ўзбекистон, 2013.- Б.1077.

Ким маоний дуру гуфтори эди.
Ҳар бир ўз таврида бешибҳу назир,
Бордилар борча – не айлай тадбир...
Ким агар бордилар андоқ асҳоб,
Яна жамъи ҳам эрурлар аҳбоб.
Бириси Мир Атоий янглиғ,
Бири Дарвеш Фаноий янглиғ.
Ул бири илм сипеҳри уза меҳр,
Бу бири фазл қуёшида сипеҳр.
Ихтиёр улки, эрур нозук табъ,
Лутф майдони аро чобук табъ.
Осафий улки, не назм этса рақам,
Қиймати мулки Сулаймондур кам.
Яна бир келди Биноийки фунун,
Касбида айламади манъи жунун.
Яна бир дарду ғамим Огоҳи,
Ҳамдамим, ёр Зиёратгоҳи.
Яна бир Машҳадий – ул даҳрда тоқ,
Пок таҳриру каримул-ахлоқ.
Бир Шафеъидуру ул пок сифот,
Ким муаммода чиқармишдур от.
Бириси шороби Жоми таҳқиқ,
Мунису раҳбару ғамхору рафиқ.
Яна девонаи Котибки, хаёл,
Тушса, ҳар ғамға қилур дафъи малол.
Яна ҳам бир нечадурлар гоҳ-гоҳ,
Лутф ила барчадин ўлсун огоҳ.
Ўзгасин қилмадим ондин мазкур,
Ким "Мажолис"да эрурлар мастур.
Гар алар тутти эса дашти адам,
Шукр, бу хайл эрурлар ҳамдам.[150]

"Соқийнома"нинг XXIV бобида Навоий Баёнийга қаратиб, суҳбатимда, яъни мажлисларимда (бир замонлар) сендек маъно аҳли ҳозир эди, дейди:

Токим ул жоми маоний бирла,

[150] Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. Тўртинчи том. Т. Бадиий адабиёт нашриёти, 1965.-Б.435-437.

Сурайин ҳарф баёни бирла.
Эй Баёний бил ўз оллингда аён,
Нуктаким айлагум оллингда баён...
Ёр сендек нечалар бор эдилар,
Суҳбатимда кечалар бор эдилар.[151]

Адабий мажлисларнинг асосий хусусиятларидан бири бу албатта унда биринчи навбатда мушоиралар, шеърхонликларни ташкил қилинганлигидир. “Адабиётшунослик” луғатида ёзилишича, “*Ўтмиш адабий жараёнида мушоиралар муҳим ўрин тутади, яна ҳам аниқроғи, ўтмишда адабий жараён кўпроқ мушоира (шеър мажлиси, шоирлар анжумани) шаклида кечган. Мушоираларда шоирлар ўз асарларини тақдим этиш, улар ҳақидаги ўзгалар фикрини билиш, шунингдек, бошқа шоирлар билан ижодий фикр алмашиш, ҳамкорлик қилиш имконига эга бўлганлар. Муттоз адабиётимиздаги бир қатор жанрлар, айрим шеър санъатларининг юзага келиши бевосита мушоиралар билан боғланади: уларнинг бир қисми мушоира иштирокчиларининг бир – бирларига жавоб айтиши(тазмин, тахмис), бошқа бир қисми шеърий мусобақа (муаммо, чистон,бадиҳа) руҳи билан боғлиқ ҳолда вужудга келган. Мушоиралар дастлаб санъат ва адабиётга меҳр қўйган подшо саройларида, ижод аҳлига ҳомийлик қилган бадавлат кишилар хонадонларида ўтказилган. Хусусан, Ҳусайн Бойқаро саройи ва Навоий хонадонида ўтказиб турилган мушоиралар давр адабиёти тараққиётининг муҳим омилларидан бўлди”.*

Албатта, Навоий ҳузуридаги суҳбатлар (мажлисларни айрим ўринларда ана шундай деб ҳам айтишган)да олиму адиблар ва шоирларнинг янги асарлари тақдимоти ўтказилиб, муҳокама қилинган, шоирлар султони маслаҳатларига қулоқ тутилган. “Муҳокамат ул-луғатайн”да ёзилганидек, *“..Ва ўттуз йилдин ортуқ ва қирқ йилга яқиндурким, Хуросон мулкиким, фазлу камол аҳлиға олам мамалокининг мисри муаззами ва саводи аъзамидур, бу мулкнинг жамиъ назм аҳли шуаройи ширин каломи ва фусаҳойи вожибул иҳтироми ҳар не, ҳар маъни билаким, авроқ юзига оройиш ва ҳар алфоз билаким ажзо изориға намойиш берибдурлар, бу фақир(Навоий) суҳбатиға еткурубдурлар ва бу заиф оллинда*

[151] Кўрсатилган асар.-Б.426.

ўткарибдурлар ва ҳақ ва ислоҳ илтимосин қилибдурлар ва хотирға келғон нуктаки айтилибдур, инсоф юзидин мусаллам тутубдурлар ва гар баъзи ибо қилибдурлар далойил била аларға хотир нишон қилибдур, андин сўнгра қабул қилиб, ўзларин шокир ва мамнун билибдурлар".

Зайниддин Восифийнинг "Бадое ул – воқое"сида келтирилган қуйидаги воқеадан Навоий ҳузуридаги адабий мажлис мазмунини маълум бўлади:

"Мир(Навоий) овоз бердилар:

-Азизлар киринглар. Ҳеч эшитмаган ва хаёлингизга келмаган мақолатлардан эшитинглар!

Ҳамма жим бўлди. (Навоий ўзининг суҳбтдошларидан бири бўлган) *Мир Ҳофиз Ғиёсиддин Деҳдорга деди:*

-Лофу даъво қилдинг. Энди изҳорини қил!

Ҳофиз аввал Қуръондан ашара ўқиди. Мажлис аҳлининг ҳушини олди. Кейин ғазал ўқиди. Ашула бошлади – дўсту душмани унинг овозига офаринлар ўқиди. "Амир Ҳамза" қиссасини бошлади. Кейин ўзи айтган бир достонни ўқиди ва мажлис аҳлининг ҳуши йўқолди. Уни тугатиб "Абомуслим" қиссасини ўқиди – ҳаммани сеҳрлаб қўйди. Мажлис охирида "Дороб" қиссасини бошлади. Боғбон билан унинг ғуломи шу ерда туришган эди. Уларнинг тақлидини қилиб ҳаммани қулдирди, баъзиларга шундай таъсир қилдики, кулавериб юмалаб қолдилар...

Ҳар ким ҳар илмдан баҳс қилди. Буларга ҳам жавоб қилди. Ҳаммадан ғолиб келди... Кейин Мирнинг буйруғи билан ўн беш қўй келтирдилар. Бошқа керакли асбоблар ҳам керагича ҳозирланди. Ҳофиз таббоҳлик қилди. Овқати ҳаммага ёқиб тушди.[152]

Зайниддин Восифий ҳам Навоийнинг адабий мажлисларида иштирок этган. Унинг ёзишича, *"Олий мажлис (Навоий хонадонидаги йиғинлар назарда тутилмоқда-муаллиф)га кириб бордик. Мажлис аҳли ва ҳазрати Мир(Навоий) ўз надимлари билан ҳозир экан. Жаноби Мир биз томон қарадилар. Фақирга(Восифий)га ишора қилиб, номини айтмай ўқилган муаммони еча (Восифий) оладиган дўстимиз шу кишими, дедилар.* ***Мавлоно Соҳибдоро****: бали, ўша махдум деб жавоб бердилар.*

[152] Зайниддин Восифий. Бадое ул-вақое. Навоий замондошлари хотирасида. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.183.

Мавлоно Муҳаммад Бадахший *суҳбатга аралашдилар: "Махдумлар, худавандигоро, муаммо ечишда Сиздан ўтадигани йўқ-ку?..." Мир дедилар: "Мен унинг муаммо ечишини кўзидан билдим. Зеро, унинг фикрлари кўзларида зоҳир бўлиб турибди. – Кейин шу муаммони ўқидилар:*

Боғро бин аз хазон бефарру, сарв аз жо шуда,
Булбулаш барҳам зада минқору, ногўё шуда.

(Боғини кўр, хазонрезликдан кўрки қолмабди сарв ўрнида йўқ, булбулнинг тумшуғи йўқ бўлиб, куйлашдан қолибди).

Мир ўқиган муаммони мен ёд билардим. Ўйланиб қолдим: номини айтиб, ўзимни гўлликка солиб, мажлисни ўтказаверсамми ёки тўғрисини айтайинми? Оқибатда ростини айтишга аҳд қилдим. Ҳазрати Мир бошларини эгиб турдиларда, ёнидагиларга, азизлар, биласизларми, бунинг сўзи не маънони билдиради. Ўз қудратини изҳор этиб, бунисини биламан, бошқасини айтинг, демоқчи. Биз бунинг даъвосини қабул қилурмиз, дедилар.[153]

Ғиёсиддин Хондамир "Хулосат ул-ахбор"да унинг ўзи ҳам Навоий мажлисларида ҳикоятлар айтганини ёзиб қолдирган: *"Улуғ амир, ҳидоятпаноҳ, кароматли Руҳнинг муаййиди(акси), сўфий-сифат, соф ниятли рўзгор покизаси, мусулмон маросимларини улуғловчи, салтанат устуни ва мамлакат таянчи, ҳоқон давлатининг ишончли кишиси, султоннинг яқини, улким, саховат дастурхонидан барча муҳтож тўқ, ҳақ ва ҳақиқату дин низоми Амир Алишернинг шариф мажлисида ҳикоятлар сўйлар эдим. Ул жаноб менинг ҳикоятларимдан завқланар эдилар ва ҳазратнинг турли иноятлари бу қаноти синиқ банда аҳволи руҳиятига иссиқлик бахш этарди. Кундан-кунга бу ҳол кўпаяр ва соат сайин юксакликка кўтарилар эди"*, - деб ёзади Хондамир.

Навоий ҳузурида ана шундай адабий йиғинлар тез – тез ташкил қилинган. Биз келтирган мисоллар денгиздан бир томчи, халос.

Хўш, Навоий ҳузуридаги адабий мажлисларда қандай шеърлар ўқилган, деган савол туғилади.

Манбалар Навоий шеърият кечаларида бадиҳалар (рубоийлар,қитъалар), татаббулар(бошқа шоирлар шеърларига

[153] Кўрсатилган асар.-Б,167-169.

назиралар), янги қасидалар ва янги ғазаллар, айрим ҳолларда таърихлар ва марсиялар, муаммолар, луғзлар, ҳикоятлар, қиссалар (Маснавийлар кўринишида) ўқилганидан далолат беради

Алишер Навоий хонадонидаги йиғинларнинг Ҳусайн Бойқаро олий мажлисларидан фарқи шунда эдики, Навоий синовидан ўтган шоиру ҳофизлар, қиссахону, қасидагўйлар, муаммо илмида тенги йўқлар, борингки, турли хил адабий соҳадаги юксак истеъдод соҳиблари подшоҳ олий мажлисларига тавсия қилинган. Ўз навбатида адабий мажлислар ўз даврининг адабиёти ривожланишида ҳам муҳим ўрин тутган.

НАВОИЙ САМОЪ ЙИҒИНЛАРИДА РАҚСГА ТУШГАНМИ?
Ёки Мир Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий мажлислари

Маълумки, Темурийлар даврида (1370-1506) ҳам айрим сўфийлик тариқатларида **Рақсу самоъ йиғинлари** ўтказилган. Бундай йиғинларда дарвешлар рақсга тушиб, мусиқа оғушида зикр айтишган, турли шеърларни оҳанг билан ўқишган, қўшиқлар куйлашган.

Алишер Навоий мансуб нақшбандийлик тариқати вакиллари самоъ мажлиси тузмаганлар, аммо инкор ҳам этишмаган. Баҳоуддин Нақшбанд (1327-1389)дан сизнинг самоъга муносабатингиз қандай деб сўрашганда, улар: “Мо ин кор накунем, вале инкор накунем” (Биз шу ишни қилмаймиз, аммо инкор ҳам этмаймиз) деб жавоб қайтарган эканлар. Афтидан Навоий Нақшбанд каби унинг бундай йиғинлар ўтказилишига қарши бўлмаган. Аммо, шоирнинг замондошларидан тасаввуф шайхлари Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Асад, Хожа Шамсиддин Муҳаммад Кусуйи Жомий, Мавлоно Муҳаммад Тободгоний, Хожа Абдулазиз Жомийлар самоъ йиғинларини сайру сулукнинг таркибий қисми деб ёндошганлар. Бундан ташқари Навоий “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” рисоласида яқин кишиларидан бири Паҳлавон Муҳаммад хонадонида подшоҳзодалар суҳбат қурганини, у эса созандалар ва гўяндаларга буюриб, “самоъ ва рақс” қилгани зикр этилган. Балки мазкур алломаларнинг таъсири ўлароқ, Навоий самоъ мажлисларида иштирок этиб, рақсга тушган ёки унинг ҳузурида ҳам ана шундай кечалар ташкил этилгандир. “Насойим

ул-муҳаббат”да Навоий замондош устози Мавлоно Муҳаммад Табодгоний самоъ йиғинларини қайд этиб, шундай деган: *“...Хотирлари майли яхши ун била самоъға кўп мойил эрди ва Мавлоно созу хонандалиғдин бот муассир бўлиб, самоға қўпорлар эрди ва беҳол бўлурлар эрди ва мажлис ҳуззориға ғариб асар қилур эрди.”*[154] Шоир “Мажолис ун-нафоис”да ҳам Табодгонийнинг самоъ мажлисларига яна бир бор тўхталиб: *“Ҳар қачон самоъға кирса эрди, бовужуди улким, усул қоидаси била ҳаракоти мувофиқ эрмас эрди, аммо халойиқға андоқ асар қилурким, кўп эл йиғлар эрдилар*”[155], дейди. Яъни, Муҳаммад Табодгоний самоъ рақсига алоҳида аҳамият қаратган. У қўшиғу куйдан таъсирланиб, самоъга берилганида одамлар йиғлашга тушганлар. Муридлар тарбияси, уларни чиллага солиш билан машғул бўлган.[156] Навоийнинг қадрдони Саййид Ҳасан Ардашер ҳам Табодгонийга мурид бўлган. Демак, Дарвеш Ҳасан ҳам пири раҳнамолигида самоъ мажлисларида қатнашган, керак бўлса у доимий суҳбатдоши ва ўғлидек азиз инсони Навоийни самоъ йиғинларида иштирок этишга чорлаган бўлиши ҳам мумкин. *Муҳаммад Табодгоний вафотидан кейин Ҳиротда (Хиёбонда), дафн қилинган жойнинг жанубида Навоий бир хонақоҳ солдирган. Табодгонийнинг ўғли ва халифаси Мавлоно Ҳамидиддин хонақоҳда тоат ва ибодат билан машғул бўлган. Унинг ҳузурида дарвешлар хилват, узлат ва* ***самоъ амалларини адо этишган.***[157] Навоийнинг замондоши, тасаввуф шайхи Мавлоно Алоуддин (1426-1487) ҳам ваъз ва ***самоъ мажлисларига*** кўп аҳамият қаратган.[158] Шунингдек, Навоий Абдулазиз Жомийнинг самоъдаги ҳолатини ўзи гувоҳ бўлгандек *“...самоъ мажлисида азим сайҳалар уруб, бехуд бўлур эрдилар”*,[159] деб тасвирлаган. Яна шуни айтиш лозимки, Навоийнинг уйида сўфийлар йиғилиб, важд ва самоъ йиғилиши ўтказганини Бобур “Бобурнома”да эътироф этган. Бинобарин Бобур Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий ҳақида тўхталар экан, бундай “*мутасаввуфлар Алишербек қошида йиғилиб, важд ва самоъ* қилган”ини қайд

[154] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. ТАТ. Ўнинчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.446-447.
[155] Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис.ТАТ.Тўққизинчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б. 310.
[156] Алишер Навоий: Қомусий луғат.Биринчи жилд. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.390-391.
[157] Алишер Навоий: Қомусий луғат. 2-жилд. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.305.
[158] Алишер Навоий: Қомусий луғат. 2-жилд. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.270.
[159] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. ТАТ. Ўнинчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.446.

этган[160]: Янада соддалаштириб айтганда, *Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳийдек мутасаввуфлар йиғилиб, Алишербек қошида зикр ва самоъ қилишган. Аксаридан бунинг усули яхшироқ экан. Афтидан, ҳурмат эътиборининг боиси унинг сўфиёна рақси (бўлган).*”[161] Форс-тожик тилида ижод қилган хуросонлик шоир ва тасаввуф намояндаси Мир Камолиддин Ҳусайн Навоийга яқин инсонлар сирасига кирган. У илм олиш учун Ироққа, яъни Оққўюнлилар салтанатига боради. Султон Яъқуб унга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. Аммо Камолиддин Ҳусайн дарвешликни ихтиёр этиб, Хуросонга қайтади ва Абдураҳмон Жомий хизматига киради. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг “Манозил ус-сойирин” асарига шарҳ ёзади. Навоий Мир Камолиддин Ҳусайн номини “Мажолис ун-нафоис”да тилга олиб, унинг хушсурат, хуштабъ ва барча илмлардан хабардор йигит эканини, дарвеш ва сўфитабиат киши бўлганлиги туфайли ўзини “шайх” деб атагани, бу унинг ўз аҳволини яшириш учун қилинган маломати бўлса керак,[162] деб айтади ва шоирнинг бир байт шеърини келтиради:

Аз ин боғи жаҳоноро чи сон орам қадам берун,
Ки, бошад равзаи хулдаш дарун, боғи Ирам берун.

(Мазмуни: Жаҳонга безак берган бу боғдан қандай қилиб чиқиб кетай, чунки унинг ичкариси жаннат боғи, ташқариси Ирам боғидир)[163].

Хондамир “Хулосат ул-ахбор”да Мир Камолиддин Ҳусайн ҳақида шундай ёзган: *“Фазилати ва донишмандлиги, айниқса, тасаввуф илмида машҳур ва маъруф бўлгани учун кўп йиллардан бери ҳидоятли амир(Алишер Навоий)нинг тамоми иноят ва илтифотига сазовордир. Шунингдек, олий даражали соҳибқирон Султон Ҳусайннинг марҳамати туфайли садрлик лавозимида ҳам турган. Ҳозир Гозургоҳ мозорининг шайхи бўлиб, Каъба иштибоҳли ул жойнинг мутаваллилиги ҳам ул жанобга тааллуқли.”*[164] Бобурнинг ёзишича, Мир Камолиддин Ҳусайннинг *“Бир асари бор: “Мажолис-ул-ушшоқ” номли, Султон Ҳусайн Мирзо атаб ёзган. Ўта суст, аксар ёлғон, бемаза ва адабсизларча сўзлар битилган.*

[160] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.Т.: Юлдузча, 1990.-Б.159.
[161] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Ўқитувчи НМИУ, 2008.-Б.137.
[162] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т.: Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.127.
[163] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т.: Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.127.
[164] Навоий замондошлари хотирасида. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.69.

Шунчаликки, баъзиларидан куфр хавфи сезилади. Чунончи, кўпгина набий ва авлиёларни мажозий ошиқликка мансуб қилиб, ҳар қайсисига маъшуқ ва маҳбуб кўрсатипти. Яна бу гўлларча ғалати ишдирки, дебочасида Султон Ҳусайн мирзо: "Ўзимнинг таҳририм ва асаримдир", деб ёзипти. Китоб орасида келтирилган Камолиддин Ҳусайннинг шеърлари ва ғазаллари бошида мунтазам "муҳаррирники" деб битиб қўйилган."[165] Албатта бу танқидий муносабат Бобурнинг шахсий фикр-мулоҳазалари. Навоий эса шоир ва шайхнинг ижодига ва фазилатларига юқори баҳо берган. Буюк мутафаккир *"Ва яна расойил ҳам илгида борким, аларға ўтган киши Мир(Камолиддин Ҳусайн)нинг фазойил ва камолотин фаҳм қилғай",*[166] деганда, бир томондан "Мажолис ул-ушшоқ" асарини ҳам назарда тутган, бўлиши мумкин. Бизни қизиқтирган жиҳат эса, юқорида айтганимиздек, Мир Камолиддин Ҳусайннинг Навоий хонадонида рақсу самоъ йиғинлари ташкил қилганидир. Бу биринчидан.

Иккинчидан, самоъ йиғинларида зикрга тушишдан ташқари, дарвешлар Навоий ғазалларини шавқ ва завқ билан ўқишган, таъсирланиб, дод-фарёд чекиб йиғлашган.

Баски, Навоий айлади дард сурудида наво,
Аҳли тарабни йиғлатур мажлисининг таронаси...[167]

Ёки яна бир ғазалда мажлисда муғаннийнинг Навоий сўзи билан айтилган қўшиғи йиғин аҳлини йиғлатиши ҳақида сўз боради:

Эй муғанний, баски йиғлатғайсен элни базм аро,
Гар Навоий оҳи бирла нағмани соз этгасен.[168]

Фикримизни Хондамир *"Ҳеч қандай такаллуфсиз ва лофсиз айтиш мумкинки, бир оз вақт ичида (Навоийнинг) юксак санъаткорлик билан яратилган, жозибали байтлар, гўзаллик ва усталик билан безалган тизмалар зийнатининг шуҳрати шундай даражага етдики, Араб ва Ажам мамлакатларининг атрофидаги гўшанишин дарвешлар ҳам олий ҳазрат(Навоий)нинг шавқли шеърларининг ҳавасидан умрларини ўткариб, уни жуда кўп*

---

[165] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Ўқитувчи НМИУ, 2008.-Б.137.
[166] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т.:Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966. Б.126.
[167] Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Хазойин ул-маоний. ТАТ. Ўн жилдлик. Биринчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.647.
[168] Алишер Навоий. Бадоеъ ул-васат. МАТ, 20 томлик. 5-том. Т.: Фан, 1990.-Б.362.

ҳаракатлар қилиб излаш учун югурадилар”,[169] деган сўзлари ҳам тасдиқлайди. Ҳолбуки Навоийнинг ўзи ҳам “Бадоеъул-бидоя” дебочасида халқ (харобат аҳли, дарвешлар-муаллиф) унинг етти иқлимга машҳур шеърларини ўқиб, жон фидо қилишига урғу берган:

Кўнглимда не маъни ўлса эрди пайдо,
Тил айлар эди назм либосида адо.
Ул назмға жонин қилибон халқ фидо,
Солурлар эди гардунға садо.
Бу вайрон табъни байт этса мастур,
Тутуб шуҳрат, нечукким байти маъмур.
Харобат ичра пайдоу ниҳони,
Ул эрди халқнинг рутбал-лисони.

Йўққим, харобат дард нўшлари, балки муножот хирқапўшлари ва демайким авом арозили, балки хавос афозилининг тилларига жорий ва кўнгилларига корий тушар эрди.”[170]

Шоир ғазалларидан бирида унинг сўфиёна – ишқий шеърлари Қуръон оятларидек поклигини, шунга кўра, ишқ аҳли–дарвешлар бу назмий дурдоналарни жон-дилдан севиб (самоъ йиғинларида) куйлаётганликларини айтади:

То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлуптур.[171]

Учинчидан, нафақат дарвешлар шоирнинг самоъ йиғинларида ўқиладиган, тасаввуфона ғазалларини излаганлар, балки йиғинларда Навоий шеърларини ўқиб, ақл-хушдан жудо бўлганликлари “Ҳайрат ул-аброр”да тасвирланган:

Ё бу наво зимнида асраб маҳал,
Чекса Навоий сўзидин бир ғазал.
Ким анга алфоз ўлуб оташ фишон,
Берса улус кўнглига мунгдин нишон.
Базмда ул лаҳза алолони кўр,
Кўйи харобот аро ғавғони кўр.
Кўрки нечукдур ёқа чок айламак,
Ўзни фиғон бирла ҳалок айламак.[172]

---

[169] Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Т:.Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2015.-Б.45.
[170] Алишер Навоий. Асарлар. Тўртинчи том. Т.:Бадиий адабиёт нашриёти, 1965.-Б.456-457.
[171] Алишер Навоий. Асарлар. Тўртинчи том. Т:.Бадиий адабиёт нашриёти, 1965.-Б.470.
[172] Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 7-том.Т.:Фан, 1991.-Б.60.

Садриддин Айний ушбу мисраларга шундай изоҳ берган: *“Ҳар қандай яхши созанда қанча яхши чолсаю, (ашула айтмасдан) узоқ чолса, ундан ақл аҳлига малол етади. Агар созанда машқ орасида Навоийнинг олов сочувчи ғазалларидан биронтасини ўқиса, у вақт базм(самоъ йиғини)да шавқин-сўрон қўзғалади, эшитувчилар ўз ёқаларини йиртадилар, оҳу вой билан ўзларини йўқотиб қўядилар*”.[173] Айнийнинг изоҳи Зайниддин Восифий “Бадойеъул-вақойеъ”сида келтирилган бир воқеий маълумотга ҳам ҳамоҳангдир. Навоийнинг муосири бастакор ва шоир Хожа Абдулло Марворид Навоийнинг

Дин офати бир муғбачайи моҳи лиқодур, майхорау бебок.

Ким ишқидин онинг ватани дайри фанодур, сармасту ёқам чок.

Ҳар туррасининг дуди вараъ белиға зуннор, мен кофири ишқи,

Ҳам юзи мажуз ўти киби шуъла физодур, мен ўртанибон пок.

мисралари билан бошланадиган мустазодига “Сармасту яқом чок” номи билан куй басталаган бўлиб, “ўша вақтларда Ҳиротда бу савт ўқилмайдиган уй йўқ эди”. Кўп халқ йиғилган бир базм(самоъ)да у ўқилганда, бутун ҳозир бўлган одамлар бу мустазоднинг, унга боғланган савтнинг чуқур, юракларни эзувчи, дилларни ғулғулага солувчи таъсирига шу қадар мафтун бўладиларки, бунинг натижасида мажлис аҳли ҳатто ёқаларини чок этадилар...Қандайдир дарин фикрда бошини қуйи солиб юрган Навоий воқеа содир бўлаётган уйнинг дарчасидан бу манзарани тамомила тасодифий ўлароқ томоша қилади.[174] Албатта, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф таъбири билан айтганда, *шавқ ҳолатига тушиб, ёқа йиртиш самоъ йиғинларида дарвиш(солик)ларга хос одат бўлганлигидан келиб чиқсак,*[175] Навоий айнан сўфийлар йиғилган самоъ мажлисини кузатишга муваффақ бўлган, деб хулоса қилишимиз мумкин. Бундан ташқари, адабиётшунос Алибек Рустамовнинг ёзишича, “*Навоийнинг ҳаёт вақтида бир анжуманда мазкур мустазод куйга солиб ўқилганда,*

[173] Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 7-том.Т:.Фан, 1991.-Б.355.

[174] Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақоеъ. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979.-Б.113.

[175] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ва тасаввур. Т.: Ҳилол-Нашр, 2016.-Б.264.

барча мажлис аҳли ёқасини йиртиб оҳ чекканлигига сабаб бунда теран маъно ва юксак санъат борлигидир.”[176]

Дурри ваҳдат топмағай ҳаргиз фано гирдобидин,
Соликеким ўзни ғарқи баҳри тажрид этмагай.
Онча фарёд этти мутриблар Навоий назмидин,
Ким Уторуд шеъридин чарх узра Ноҳид этмагай.[177]

Мухтасар айтганда, Навоий замонида унинг тасаввуфга йўғрилган шеърларига ва девонига дарвешлар ўртасида талаб кучли бўлган. Ҳусайн Бойқаро ёзганидек, *“Не девон, Оллоҳ, Оллоҳ, жунгеким, софий-и алфоздин тўла гавҳар бўлғай ва спеҳр авроқиким, пок маъонийдин мамлу ахтар бўлғай.*

Дема девон, ғам-у дард аҳлиға офат де ани,
Куймаг-у шўълайи ҳам бирла қиёмат де ани.

Қайси байтким, ишқ аҳли жониға ўт урмасу, қайси мазмуниким, ҳижрон хайли жисмин куйдурмас, балки кулин кўкка совурмас. Қайси мисраким, фироқ жигар хунининг бағри қонин томизмас ва қайси лафзиким, ҳижрон дармондаси ашки сейли била сабру шикеб хайлин оқизмас”.[178] Султон Ҳусайн Бойқаро ҳақ. Сўфийлар ана шундай оташ шеърларни ўқиб, завқ-шавқ билан самоъда зикрга тушишган. Бу ҳақда “Муҳокамат ул-луғатайн”да Навоий шундай дейди: *“...Турли-туман дурлар сочтим ва дилсўз байтларим ёлворувчилар ўртасида фитна ва ғавғо солди, базмни қизитувчи ғазалларим ишқ аҳлларига оҳу-вовайлолар солди.”*[179] Бинобарин, “Бобурнома”даги қайдларга асосланиб, Навоий Мир Камолиддин Ҳусайн самоъ йиғинларида зикр ва рақсга тушган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, деб тахмин қилишимиз мумкин. Албатта келгусида навоийшуносликда бу масалани ҳамда самоъ йиғинларининг Навоий ҳаётида тутган ўрнини тадқиқ этиш тақозо этилади.

---

[176] Рустамов А. Дин офати бир муғбачайи моҳлиқодур./Навоий ғазалиёти талқинлари. Тузувчи, тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н.Жумахўжа. Т.: Ўзбекистон, 2018.-Б.301-310.
[177] Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. Хазойин ул-маоний. ТАТ. Ўн жилдлик. Биринчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.635.
[178] Ҳусайн Бойқаро. Рисола / Нашрга тайёрловчилар. А.Рустам, К. Ҳасан. Т: Шарқ НАК БТ, 1991.-Б.13-15.
[179] Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Т.: Akademnashr, 2017. –Б.83.

НАВОИЙ ҚЎШИҚ АЙТГАНМИ?
Ёҳуд Султон Ҳусайн Бойқаро даври хонандалик мажлислари

Темурийлар даврида *“аксар вақт (мажлисда) уд чалувчининг ўзи қўшиқ айтган, зотан, Шарқ халқларининг маънавий ҳаётида шеърият улкан рол ўйнаганига боғлиқ ҳолда қўшиқни бу даврнинг умуман мусиқа маданиятидан ажратиб бўлмаган. Қолаверса, бунда шеърнинг оҳангдорлиги мусиқа жўрлигининг оҳангдорлигини белгилаб берган.”*[180]

Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да темурийлар саройининг машҳур хонандаси, ёқимли овоз соҳиби Юсуф Андижоний[181] номини тилга олган. “Тазкират уш-шуаро”да Иброҳим Султон акаси Бойсунқур Мирзодан унинг мажлисига машҳур хонанда ва созанда Юсуф Андужонийни юборишини сўраганлиги ҳақида шундай ёзилган: *“Султон Бойсунқур замонида Хожа Юсуф Андужоний етти иқлимда тенги йўқ хонанда ва созанда эди. Унинг “Довудий”си Юсуф дилини тирнар. “Хусравоний” оҳанги жигарни поралаб, туз сепарди. Султон Иброҳим ибн Шоҳруҳ Шероздан бир неча бор одам юбориб, Бойсунқур султондан Хожа Юсуфни сўраттирди. (Лекин) Бойсунқур рад қилаверди. Охири Иброҳим Султон Хожа Юсуфни юборсин деб, унга 100 минг динор нақд пул жўнатди. Бойсунқур Мирзо инисига мана бу байтни жавоб ўрнида йўллади:*

Сотмагаймиз биз Юсуфни ҳеч қачон,
Айла сен қора чақангни эҳтиёт.[182]

XV асрнинг биринчи ярмида ва ўртасида яшаб ўтган энг машҳур мусиқачилардан айримларининг номи манбаларда сақланиб қолган. Жумладан, Дарвеш Аҳмад Қонуний қонун чалишда беназир бўлган. Султон Аҳмад найда ном чиқарган. Самарқандда хивалик мусиқачи Девонаи Ҳисобий машҳур эди. Султон Муҳаммад бастакор ва уд ижросида беқиёс бўлган, қонун асбобини чалишда самарқандлик Хожагий Жаъфарий донг таратган. Самарқандга кўчиб келган Махсумзодаи Хоразмий савт ва нақш каби оҳангларни яратишда, бастакор Ҳофизи Чангий эса

[180] Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т: Қомуслар Бош таҳририяти-1996.229-б.
[181] Алишер Навоий. “Маҳбуб ул-қулуб”. Т: Ғ.Ғулом номидаги АСН-1983.57-б.
[182] Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Т:Ғ.Ғулом номидаги АСН-1981.140-141-б.

пешрав ижод қилишда моҳир эдилар.[183] Ибн Арабшоҳ “Амир Темур тарихи” китобида Самарқандда Темур саройида хизмат қилган қўшиқчилардан *Абдулқодир ал-Мароғий ва унинг ўғли Сафиуддин, куёви Насрий, Қутб ал-Моусилий, Ардашер ал-Чангий*[184] номларини келтирган.

Султон Ҳусайн Бойқаро даврида *“Қосимали Қонуний шундай созанда эдики, ҳури ийнлар қонуни қулоқлари намунасига беҳиш боғининг гулғунчаларини қонунсоз ҳузурига келтирарди.*

Яна Жигарий Чангий муғанний бўлиб, чангни оғушига олган он фалак базмидаги Зуҳра ўз созини ерга урарди...

Созандалар пешвоси устод Саййидаҳмад Ғижжакий эдики, мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий унинг шаънига бир ғазал битган. Матлаъси ушбудир:

Садои он ғижжак кушту ҳусни он Ғижжаки,
Ки шўри мажлиси ушшоқ шуд он зи пурнамаки.”[185]

(Мазмуни: Бу ғижжак овози ўлдирди, ғижжакчининг ҳусни тузли бўлганидан ошиқлар мажлисининг шўри қўриди.)

Муҳибали Балобоний, нодир созандаларидан устод Ҳасан Удий, Ҳусайнийи Кўчак Ноий, Мир Хонанда, хонанда Ҳофиз Басир, Шайхи Нойий, Мақсудали Раққослар[186] темурий Султон Ҳусайн Бойқаро адабий мажлисларига иштирок этишган. Эронлик олим Валиуллоҳ Ковусий Ҳусайн Бойқаро адабий мажлисларини мусиқий мажлислар деб қайд этган: *“Султон Ҳусайн ва шаҳзодаларнинг мусиқага қизиқиши ва Алишернинг созандаларга кўрсатган ҳомийлиги туфайли сарой санъаткорларнинг интиладиган марказга айланди. Тарихчилар ўша даврдаги Султон Ҳусайн ва вазири (Навоий)нинг фармони билан уюштирилган беназир* ***мусиқий мажлислар*** *ҳақида кўп бора ёзишган....*

...Амир Алишернинг ҳиммати билан ташкил этиладиган кўп мусиқа мажлисларида созандалар ва хонандалардан ташқари донишманд ва тарихчи Хондамир каби замонасининг кўплаб фузало ва донишмандлари ҳам иштирок этишарди”.[187]

---

[183] Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т: Қомуслар бош таҳририяти-1996.229-б.
[184] Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. Т: “Ўқитувчи”-1990.33-б.
[185] Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақоеъ. Т: Ғ.Ғулом номидаги АСН-1979.10-11-б.
[186] Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақоеъ. Т:Ғ.Ғулом номидаги АСН-1979.11-12-б.
[187] В.Ковусий.Санъат ва маданият ҳомийси.Жаҳон адабиёти журнали фераль.2016.152-б.

“Мезон ул – авзон” ҳам Ковусий фикрини тасдиқлайди: *“Аммо бу латиф замонда ва шариф давронда бу суруд(ашула)ни **...Султони Соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) мажлисида** айтурларким, анинг мулойимлиги ва хушояндалиги васфга сиғмас ва таъсир ва рабояндалиги(жозибали) сифатга рост келмас, балки ул Ҳазратнинг ихтиросидир ва бу ҳам ул ҳазратнинг Масиҳосо анфоси натойижидин истишҳодға келтурмак муносиброқ эрди, андоққким,*

Байт:

Сабзаи хаттинг саводи лаъли хандон устина,
Хизр гўё соя солмиш оби ҳайвон устина.

Мажлисларни қизитувчи “туркий” номли ашула ҳам темурийлар даврида ниҳоятда машҳур бўлган. Ҳатто темурий султонлар бу ашулани маромига етказиб айтадиган хонандаларни тарбиялашган, қўллаб-қувватлашган.

Эй саодат матлаъи ул орази моҳинг сенинг,
Аҳли биниш қиблагоҳи хоки даргоҳинг сенинг.[188]

Шунингдек бундай йиғинларда Жомий, Навоий, Ҳусайний ва бошқа шоирларнинг ғазаллари билан айтиладиган машҳур қўшиқлар ижро этилган.

Навоий лирикаси маълумотларига асослансак, бир мажлисда Султон Ҳусайн Бойқаро танбур чолиб, Навоий қўшиқ айтган: *“Мусиқий истилоҳлар бевосита шоҳ саройидаги базм манзарасини акс эттириши мумкин. Байт:*

Хуш улки, базмда ойлар тепарда арғуштак,
Шоҳ анда танбура чолиб, Навоий деса қўшиқ.

Даставвал, байтнинг маърифий қимматини қайд этиб ўтиш лозим: Навоийнинг танбур чертгани, уд чалгани, куй басталагани ҳақида маълумот бор. Ўзининг “кўп ва хўб” (Бобур) шеъриятидан ташқари, аксарият форс тилидаги буюк салафлар, устод ва муршидларнинг ўн минглаб (эҳтимол, юз мингларча) мисраларини ёд билган, мушоира ва базмларда дарду оташин нафас билан ўқиган, илоҳий ҳофиза қувватига эга бўлган шоир лоақал кичик доирада, хос мажлисларда санъаткор хонандаларга жўр бўлиб, боринги, хиргойи қилиб қўшиқ айтган бўлса, не ажаб?!

[188].Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўнинчи жилд. Т:Ғ.Ғулом номидаги НМИУ-2012. 575-578-б.

Шунингдек, Султон Ҳусайн Бойқародек катта иқтидорли, нозиктаъб шоир, ҳатто, ўша замон шеъриятининг билимдон ҳакамларидан бири сифатида (бу ҳақда Навоий бир неча бор таъкидлаб ўтади), умуман мамлакат маданий ҳаётида, санъат, бадиий ижод соҳасида (шубҳасиз, Навоийнинг кучли таъсирида) раҳнамо, ҳомий мақомидаги "шоҳ... танбура" чертиши ажабланарли ҳол эмас (Ўсмирлик чоғлариданоқ моҳир чавандоз ва қиличбозлиги билан танилган бу темурийзода, эҳтимол, эҳтиросли, мардона рақслар устаси бўлгандир, эҳтимол болалик дўсти Навоий билан жўрлашиб қўшиқ-алёр айтгандир). Байтдаги яна бир маърифий нуқта раққоса қизларнинг ер "тепар" шўх "арғуштак" ўйинидир".[189] Навоийнинг қўшиқ айтганидан ажабланмасак ҳам бўлади. Негаки, шоирнинг ўзи ҳам етук мусиқашунос бўлган. Хожа Юсуф Бурҳондан мусиқа илмини ўрганиб, ўз шеърларига куй басталаган. Шунинг учун ўзи куй басталаган қўшиқни шеърий мажлисда куйлаган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Қолаверса, Султон Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳиротда **"Хонандалик мажлислари"** машҳур бўлганлиги ҳақида "Бадоеъ ул-вақое"да шундай ёзилган: "*Яна Мир Хонанда бўлиб, у хониш қилаётганда Хофиз Басир ғоят бехуд ва бетоқат бўларкан. Ваҳоланки, Хофиз Басирнинг ўзи замонасининг ягонаси экан. Ҳазрати Довуд пайғамбардан кейин ҳеч ким Хофиз Басирдек хонандалик қилолмас экан. Шуниси ҳам машҳурки, унинг хонандалик мажлисида тўрт киши ҳушдан кетган экан. Нақл қилишларича, Хожа Товус Девоннинг таъзияси куни эътиборли ва мансабдор кишилар ҳозир бўлган мажлисда Хофиз Басирдан ашула айтишни илтимос қилишади. Хофиз Хожу Кирмонийнинг "Вафоти беҳ бувад онро, ки дар вафои ту набвад" ("Сенга вафо қилмаганларнинг ўлгани беҳроқ") деб бошланадиган ғазалини бошлаб, қуйидаги байтга етган:*

Дар оташ афканам он дил, ки дар ғами ту насўзад,
Ба бод бардиҳам он жон, ки дар ҳавои ту навбад.

(Мазмуни: Ғамингда куймаган дилни ўтга ташлайман. Сен учун ёнмаган жоннинг кулини кўкка совураман).

---

[189] Ботирхон Акрам. Фасоҳат мулкининг соҳибқирони. Т: Ўзбекистон -2016.180-181-б.

Айвон кунжидан бир мусича парвоз қилиб, ўзини хофизнинг қўйнига ташлаган ва жон берган. Ўша куни қарийб қирқ киши ҳушдан кетган. Уларни мажлисдан кўтариб олиб чиқишган”.[190]

Албатта, темурийлар даври ҳофизи шоир ҳам бўлган. Ҳофизлар адабий мажлисларда қўшиқ айтишдан ташқари, машҳур шоирлар (Ҳусайний, Жомий, Навоий ва бошқалар)нинг ғазалларини ҳам ўқишган. Бундай мажлислар мумтоз адабиёт ва миллий мусиқа санъати ривожига бемисл ҳисса қўшган.

БОСГАН ИЗИ МЕҲРОБГА ТЕНГ БЎЛГАН ХЎБЛАР КИМЛАР?
Ёки Алишер Навоий – Хўблар султони!

Ҳасанхожа Нисорий “Музаккири аҳбоб”да Навоийнинг “Хўблар” зикр этилган қуйидаги байтини келтирган:

Эй Навоий, сен киму меҳробу масжид истамак,
Қайдаким хўблар оёғин қўйса сен бошингни қўй.

Шеърнинг мазмунига тўхталадиган бўлсак, шоир айтмоқчики, Навоий саждага бош қўяман деб, меҳробу масжид излаб юрма, “Хўблар” қаерда оёғини қўйса, ана шу табаррук жойда саждага бош қўй! Хўш, лирик қаҳрамон айтган “Хўблар” қандай улуғ ва табаррук зотларки, босган изи масжид ва меҳроб билан баробар!

Навоий асарлари тилининг изоҳли луғатида “Хўблар” сўзига алоҳида шарҳни учратмадик. Аммо “Навоий асарлари қисқача луғати”да “Хўб” сўзига; 1). Чиройли; 2). Яхши, деб изоҳ келтирилган. Демак, мазкур маънолардан келиб чиқиб, “Хўб”ни биз, 1). Жуда гўзал; 2). Жуда яхши; 3). Улуғ, азиз; 4) Баркамол инсон деб таърифласак бўлади. Мавлоно Лутфий ҳам бир ғазалида ақлу ҳушни ўғирлаган, ойдек юзи қуёшни хижл қилган, жаҳоннинг бор ҳусни унда мужассам бўлган Хўблар шоҳини-Шоҳи Хўбонни шундай тасвирлаган:

Ҳақ ул кунким жамолинг бор этибтур,
Жаҳон ҳуснин борин сизга берибтур.
Парию одами мундоқ хўб эрмас,
Фаришта гўиё кўктин энибтур.

[190] Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақоеъ. Т:Ғ.Ғулом номидаги АСН-1979.11-12-б.

Қуёш ойтек юзингнинг хижлатиндин,
Қочиб, тўртинчи кўк узра чиқибтур.
Юзинг ногаҳ кўриб ойтек соғиндим,
Магар ҳушу хирад мендин кетубтур.
Хирад кетмай нетар мендек гадодин,
Қошимга ул шаҳи хўбон келибтур.[191]

Бинобарин, Навоий ғазалларидан шундай хулосага келамизки, "Хўблар" биринчидан, ҳусну жамолда тенгсиз кишилар бўлган:

Хўблар ўргансалар тонг йўқ, Навоий назмини,
Ким аларнинг ҳусни анинг ишқидан топмиш ривож.

Демак, Навоий ишқи Хўблар гўзаллигига боис бўлган. Дарвоқе, ҳусн мулкида ҳукм юритган бундай соҳибжамолларга хўбларга султонлик ярашади.

Не ҳукм айлар эсанг, айла ҳусн мулкидаким,
Санга мусаллам эрур, хўбларға султонлиғ.

Иккинчидан, Хўбларга кўз тушса, бас, улардан кўнгил узмоқ осон бўлмайди:

Эй, Навоий, хўбларни кўрма осонлиғ била
Ким, биравким солди кўз, узмак кўнгул душвор эмиш.

Учинчидан, хўбларнинг ўз шоҳлари борки, агарда у сайрга чиқса, катта ноғора чалинади, деб ўйламанг, аҳли дарднинг оҳу фиғони таралган садо бу, аслида:

Аҳли дард оҳу фиғонидур, эмас кўсу нафир,
Сайр учун ул хўблар шоҳи қачонким отланур...
Мен киму ул хўблар шоҳи била улфат, магар,
Ваҳш тутқай дашт аро Мажнуни шайдо бирла унс.

Хўш, Хўблуғ (Яхшилик, гўзаллик) мулкида Хўблар шоҳи ким? Балки, бу Султон Ҳусайн Мирзодир? Аммо, Навоий таъбири билан айтганда, уларнинг ҳеч бири Султон Ҳусайн Мирзога тенг келолмайди. Бинобарин, Султон Ҳусайн Мирзо ҳам Хўблар шоҳидир.

Хўблуғ мулкида юз шоҳ ўлса,
Бири бўлғайму бизинг Мирзодек.

---

[191] Лутфий. Сенсан севарим. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1987.-Б.58.

Лутфий, Бобур ва ўрта аср мумтоз адабиёт намояндалари ҳам ўз асарларида “Хўблар” истилоҳини кенг қўллаганлар. Бобур бир бир ғазалида Мирзо Қосим Арғунни “Хўблар султони” деб атаган:

Улки юз Лайливаш онинг ишқидин Мажнундурур,
Хўблар султони Мирзо Қосими Арғундурур.[192]

Байтдан маълум бўладики, Мирзо Қосим Арғун Бобур таъбири билан айтганда, “Хўблар” – жуда яхшилар султонидир. Шоир Сайди Аҳмад Шоҳруҳ Мирзога нисбатан Султони хўбон – Хўблар султони сўз бирикмасини ишлатган.[193] Демак, Бобур ҳам бошқа мумтоз шоирлар сингари жуда яхшиларни “Хўблар” деб атаган.

Тўртинчидан, Бобур яна бир ғазалида ҳусни жамолда тенгу йўқ “Хўблар”ни кўриб, ошиқликдан бағри қон бўлганини ёзган:

Хўбларни кўз кўриб қон қилди Бобур бағрини,
Эмди кўздин қон тўкарменким будур анга қасос.[194]

Бешинчидан, Навоийнинг қаҳрамони айтгнидек, Хўблар минглаб бўлсада, ошиқ хастага бир ёр кифоя, унда муҳаббат ҳароратининг мингдан бири бўлса бас.

Хўблар минг бўлсалар, мен хастаға бир ёр бас,
Анда меҳр атворининг мингдир бири гар бор бас.

Олтинчидан, таъбир жоиз бўлса, шоҳ бирор мулк учун талашганидек, Хўблар Навоий кўнглини олиш учун интиладилар. Ёки Навоий ҳам қўл етмас “Замона хўблари”дан биримикан? Албатта, у оддий “Хўб” эмас, балки, замона “Хўбларининг султони!” Шунинг учун Хўблар ўз султонларининг Каъбадек муқаддас ва пок кўнглини забт этишга ҳаракат қиладилар.

Олғали кўнглин Навоийнинг талошур хўблар,
Шоҳлар андоқки бир мулк узра қилғойлар талош.

Еттинчидан, замона хўбларининг васлига етиб бўлармикан? Наҳотки, бу шунчалар қийин? Наҳотки, хўблар висоли қўл етмас чўққи бўлса?

Замона хўбларининг висоли шарбатидин,
Навои, тилабон ком чучутма мазоқ.
Ки ҳар пиёласи зимнида коминг этгай талх,
Сипеҳр тутқусидур юз тағора заҳри фироқ.[195]

---

[192] Бобур девони. Кобул нашрига тақмила.Т.: Шарқ НМАК БТ, 2004.-Б.9.
[193] Сайид Аҳмад. Таашшуқнома. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1987.-Б.136.
[194] Бобир. Танланган асрлар.2-Нашри. Т.: Ўқитувчи, 1983.-Б.28.

Саккизинчидан, гоҳ-гоҳ Хўблар ошиқларига раҳм-шафқат ҳам кўрсатадилар. Аммо, мумтоз адабиётимизда Хўбларни бағритош, бераҳм ва шафқатсиз инсонлар деб тасвирланган ҳолларга дуч келамиз:

Хўблуғ расмин иликдан берма, эй бераҳмким,
Хўблар ошиқларидан қилдилар аксарға раҳм.

Ёки Мавлоно Лутфий ёзганидек, хўблар ошиқларига фақат ва яна фақат жафо етказадиларми?

Неча чексун хўблар илгидин жафо мискин кўнгул,
Мунчаму офат келур бир қатраи хун устина?

Навоий ҳам устозининг фикрга қўшилиб, *“замона хўбларидан вафо кутиб бўлмайди”,* деган:

Замона хўбларидин вафо тамаъ тутқон,
Ўт истағайки, су қилғай аён шарори анинг.

Тўққизинчидан, нима бўлган тақдирда ҳам, барча халқ хўбларни ёқтирадилар. Сидқидилдан яхши кўради, бундай инсонлар учун жон берса арзийди!

Талабда шевану ғавғо эрур менинг айбим,
Йўқ эрса барча улус хўбларға толибдур.

Нафақат ёқтирадилар, балки ошиқ бўладилар. Албатта, гўзал, баркамол, соҳибжамолларни севмай бўладими? Мавлоно Фузулий ёзганидек, хўблар дарди билан ишқинг ортиб боради:

Агар чиқсайди дардинг жисмдан, дедимки, жондур бу,
На ҳожат дардингу якдур демак жондан аёндур, бу.
Дамодам хўблар дардила ортар лаззати ишқинг,
Ёмондур буки, таҳқиқ эмадин дерлар: Ёмондур бу.[196]

Мавлоно Фузулий ғазалларида Хўблар меҳроби қошига зоҳид ҳам, фақиҳ ҳам сажда қилмаслигини, ҳатто намоз ўқимаслигини ёзган. Аммо, у ҳам устози Навоий каби Хўблар меҳроби қошида сажда қилишдан қайтмайди:

Хўблар меҳроби абрусина қилмазсан сужуд,
Динингни дўндаргил, эй зоҳидки, яхши дин дагил.[197]

Ёки, яна бир ўринда шу ҳақда сўз борган:

Хўблар меҳроби абрусина майл этмаз фақиҳ,
Ўлса кофирдур, мусулмонлар анга қилманг намоз...

---

[195] Алишер Навоий. Топмадим. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1988.-Б.770.
[196] Фузулий. Асарлар. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Девон. Т.:Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1968.-Б.264.
[197] Фузулий. Асарлар. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Девон. Т.:Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1968.-Б.203.

Хўбсуратлардан, эй носиҳ, мани манъ этмаким,
Партави аввори хуршиди ҳақиқатдур мажоз.[198]

Шоир Фузулий ҳам Навоий сингари кўплаб шеърларида Хўбларни куйлаган:

Халқа хўблардан висоли роҳатафзодур ғараз,
Ошиқа анжақ тасарруфсиз томошодур ғараз.[199]

Ўнинчидан, Хўблар ҳар бир диёрда бўлади. Бу ажойиб хилқат мафтункор аёл ҳам, эркак ҳам бўлиши мумкин. Энг муҳими у такрорланмас, ўхшаши йўқ, яхшиларнинг энг яхшисидир! Лутфий бир шеърида бир санамга қаратиб, сендек гўзални Чиғатойда кўрмадим, Хитой хўбларига не алоқанг бор, деган. Демак, ҳар бир ҳудуднинг бир-бирига ўхшамас, бири иккинчисини такрорламас Хўблари бўлган.

Сендек санаме кўрмади Лутфий Чиғатойда,
Чин сўйла Хито хўбларига не бўлурсан?[200]

Мавлоно Лутфий кўп шеърларида Хўбларга мурожаат қилган:

Кўз бўйнида турар мени бечоранинг қони,
Хўблар била мени чу ўшул ошно қилур.[201]

Чунончи, Лутфий шеърларида ҳам Хўблар ким деган савол барибир очиқлигича қолган. Аммо, шоир Хўбларсиз байтул-ҳазанда яшагиси йўқ, дейди.

Агар сен бўлмасанг гулдек чаманда,
Киши нетгай ўшал байтул-ҳазанда.
Фалак юлдуз киби хўбларни йиғса,
Юзунг бўлгай қуёш ул анжуманда.[202]

Мухтасар қилиб айтганда, мумтоз адабиётимиз намояндалари, хусусан Навоий шеъриятида “Хўб” образи бор бўй-басти билан гўзал, хушрўй ва баркамол инсонларни ифодалайди. Ана шундай ажойиб ва азиз “Хўблар”дан бири Навоийдир. Биринчи Президентимиз таъбири билан айтганда, “авлиёлар авлиёси” Алишер Навоийдек “Хўблар султони”нинг ҳар босган изи меҳробга тенг! Шунинг учун бундай Хўбларни одамлар табаррук деб билади ва асрлар ўтса ҳам яхши кўрадилар.

---

[198] Фузулий. Асарлар. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Девон. Т.:Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1968.-Б.140.
[199] Фузулий. Асарлар. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Девон. Т.:Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1968.-Б.165.
[200] Лутфий. Сенсан севарим. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1987.-Б.68.
[201] Лутфий. Сенсан севарим. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1987.-Б.85.
[202] Лутфий. Сенсан севарим. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1987.-Б.224.

“СОҚИЙНОМА”ДА ХОН ДЕГАНДА НАВОИЙ ҚАЙСИ ХОНЗОДАНИ НАЗАРДА ТУТГАН?

Алишер Навоий шеърий асарларида темурий шаҳзодалар қатори, мўғил хони ҳам тилга олинади. Шоирлар султони бу хонни мадҳ этади ва насиҳатлар қилади. Аммо исмини ошкора айтмайди:

Навоий ўйла улус хонига эрур ошиқ,
Ки турки қуллари жўжидир онинг чиғатой.[203]

Ушбу байтдан ташқари, “Соқийнома”да ҳам Султон Ҳусайн Бойқарога яқин дилбанд, фарзанддек азиз, Ҳиротга меҳмон бўлиб келган қариндош хон ҳақида сўз боради:

Соқиё, май туту қўйғил сўзни,
Хон қурултойига еткур ўзни...
Тўра бирла бош уруб тут хонға,
Саркутин бер мени бесомонға.
Ўзни ул саркут ила маст қилай,
Сўзни хон базмида пайваст қилай.
Ким аё тўрт улусқа ворис,
Фахр этиб зотинга руҳи Ёфис.
Аслу гавҳар била хонлар хони,
Жавҳари зот ила жонлар жони.
Шоҳға меҳмону азизу дилбанд,
Ҳам қариндош, яна ҳам фарзанд.[204]

Хўш, Султон Ҳусайн Бойқарога “меҳмону азиз, дилбанди”дек, “қариндошу, фарзанди”дек бўлган хон ким? Навоий “Соқийнома”да қайси мўғил хонига ишора қилмоқда? Наҳотки, темурий султоннинг мўғил хонларидан қариндоши бўлган бўлса? Хондамир “Ҳабиб ус-сияр”да ёзишича, *“Мансур ҳоқон (Ҳусайн Бойқаро)нинг синглиси Бадеулжамолбегим (Бадикабегим) ул ҳазрат Журжон вилоятини Султон Абусаид Мирзога қолдириб, Адоқ ўлкасида қуёш ёғдули байроқни ҳилпиратган йили Дашти Қипчоқ ҳукмдорларидан Пир Будоқ султоннинг никоҳига кирган эди. Пир Будоқ султон вафот этгач, Дашти Қипчоқ хоқон(Олтин*

[203] Алишер Навоий. Фавоид ул-кибар. Хазойин ул-маоний. Асарлар. ЎБТ. Тўртинчи том. Т.: Бадиий адабиёт, 1966.-Б.341.
[204] Алишер Навоий. Фавоид ул-кибар. Хазойин ул-маоний. Асарлар. ЎБТ. Тўртинчи том. Т.: Бадиий адабиёт, 1966.-Б.418-419.

Ўрда хонлари)ларининг барчасидан улуғлик ва шавкатда устун турувчи (Катта Ўрда хони) Аҳмадхон салтанат тожининг ул дурини ўз никоҳига киритди ва Бадеъулжамолбегим мазкур Аҳмадхондан икки ўғил ва бир қиз туғди. Сўнг ул олий мартабали хон охират сафари кўрпа-тўшагини орқалаб, бу ўткинчи дунё билан хайрлашди.

Маҳди улё акасини кўриш учун (1486 йилда) Хуросон томон йўналиб, тўнғич ўғли Султон Маҳмудхонни ота-бобоси салтанати пойтахтида қолдирди. Кичкина ўғли Баҳодир Султон эса синглиси Хонзодахоним (Шу йили Музаффар Мирзо никоҳига киради) билан бирга онасига эргашдилар.

Ул иффат шиорли замон Билқисининг олтин тусли муҳофаси Ҳирот ҳудудига етишгач, мансур хоқон халифалик пардаси ортида ўтирган покиза афифалар ва шаҳзодалар, амиру давлат устунларини кутиб олиш учун жўнатди. Улар Бадеъулжамолбегимни катта ҳурмат-эҳтиром билан давлат пойтахтига олиб келиб, ниёз ва нисор сочқиси шартини бажардилар. Бегим ҳам акасининг дийдори билан кўзини равшан қилиб, лойиқ тортиқлар тортди. Мансур хоқон азиз синглиси ва унинг болаларига меҳрибонлик ва ғамхўрлик назари билан боқиб, инъом ва эҳсон шартларини бажарди.”[205] Демак, мазкур маълумотдан келиб чиқсак, Навоий хон деганда, Ҳусайн Бойқаронинг жияни – синглиси Бадеъулжамолбегимнинг ўғли Султон Баҳодирхонни назарда тутмоқда.

Кўрки, сен кимсену қайдин келасен,
Қайси мулк ичрасену ким била сен.
Ҳеч шаҳ топмади бир хон сендек,
Бу улус кўрмади меҳмон сендек.
Будур уммедки, шаҳ давлатидин,
Иҳтимомию бийик ҳиммматидин.
Улча мақсудунг эрур, еткайсен,
Комрон мулкунгга азм эткайсен.
Ота тахтига топиб истиқлол,
Қилғасен хасмларингни помол.
Лек меҳмонға керак ўйла маош,

[205] Ғиёсиддин Ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар. Т.: Ўзбекистон, 2013.- Б.782-785.

Ким агар мулкига азм айласа фош.
Мезбонларға малолат еткай,
Хайр бирла эл ани ёд эткай.
Шукрким, беҳад эрур яхшилиғинг,
Андин ортуқ доғи яхши қилиғинг.
Ҳожат эрмас санга бу янглиғ панд,
Ким санга панд элидур ҳожатманд.
Ҳам бу янглиғки шиор айлабсен,
Халқни хулқунгга зор айлабсен.
Тенгри қилсун санга тавфиқ рафиқ,
Ҳар қилур ишда рафиқинг тавфиқ.
Шаҳға сенсен чу рафиқи жони,
Бир-бирингизга бўлунг арзони.[206]

“Соқийнома”даги Султон Баҳодирхонга бағишланган сатрлардан шундай хулосага келишимиз мумкин: Биринчидан, Навоий “яхши хулқли” ва одобли, тарбия кўрган хонзода билан яқин дўстона, устоз-шогирддек муносабатда бўлган. Унга насиҳатлар берган, суҳбатлашган. Иккинчидан, Баҳодирхон Навоий қатнашган темурийларнинг адабий йиғинларида иштирок этиб турган. Ўзи ҳам адабиётни севган. Учинчидан, хонзода Навоий ижодига ҳам бефарқ бўлмаган. Ўз ўрнида шоирлар султони шеърларини ҳам ёддан билган, дейиш мумкин. Тўртинчидан, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам жиянини ўз ўғлидан яхши кўрган ва қадрлаган. Айтиш лозимки, унинг хизматидан кўнгли тўлган ва йиғинларда мақтаган. Аммо у ота тахтидан ҳам умидини узмаган.

Бобур “Бобурнома”да хонзоданинг отасини оддий қилиб, ортиқча изоҳларсиз “Аҳмадхон” деб таъкидлайди. Бундан маълум бўладики, Султон Ҳусайн Бойқаронинг куёви Катта Ўрда хони Аҳмадхон ўз даврида етти иқлимга маълум ва машҳур ҳукмдор бўлган: *“Аҳмадхон – Шайбонийлар сулоласидан Аштархон (Ҳожи Тархон, Ҳозирги Астраҳан)да ҳукмронлик қилган хон. Султон Ҳусайннинг синглиси Бадикабегимга уйланган. Ўғиллари кейинчалик Ҳиротга келиб, Султон Ҳусайнга хизмат қилган.”*[207] Хон Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедиясида *“Аҳмадхон Ҳожи*

[206] Алишер Навоий. Фавоид ул-кибар. Хазойин ул-маоний. Асарлар. ЎБТ. Тўртинчи том. Т.: Бадиий адабиёт, 1966.-Б.418-419.
[207] Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2014.-Б.68.

Тархоний” деб тилган олинган.[208] Абдувоҳид Ҳайит “Иван Васильвич (чиндан ҳам) касбини ўзгартиради” номли илмий мақоласида ёзишича, *“1480 йили Литва улуғ князи ва Польша қироли Казимир IV Катта Ўрда хони Аҳмадхон билан Москвага қарши иттифоқ тузади. Айни пайтда, Қрим хонлиги Москва билан иттифоқдош, аммо Катта Ўрда билан уруш ҳолатида эди. 1480 йилнинг кузида Угра дарёси бўйида Катта Ўрда ва Москва қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган жангда Литва – Польша ҳарбий ёрдам кучлари етиб келолмайди. Сабаби йўлда улар Қрим хонлиги қўшинлари билан тўқнаш келади. Шундай қилиб, Угра жангида (Аҳмадхон устидан) қозонилган ғалабадин кейин Москва узил-кесил мустақил бўлади(https://azon.uz›content›views)* ”. Аҳмадхон 1486 йилда вафот этади, кейинчалик хонлик ҳудуди Москва томонидан босиб олинади. Айтиш мумкинки, хонзода юртига қайтмасдан, тоғаси хизматида қолган бўлиши мумкин. Унинг кейинги тақдири эса бизга номаълум. Аммо бир нарса аниқки, хонзода Султон Баҳодирхон Навоий учун ниҳоятда азиз ва қадрли инсонлардан бири бўлган.

Мухтасар қилиб айтганда, хонзоданинг ажойиблиги, олижаноблиги, адабиётсеварлиги ва инсонийлиги шоирлар султони назарига тушишига ҳамда шеърий сатрларга орқали абадиятга муҳрлашига сабаб бўлган.

НАВОИЙ ШЕЪРЛАРИНИ ЁД БИЛГАН ШАҲЗОДАЛАР ВА СУЛТОН УВАЙС МИРЗО

Маълумки, ўн – ўн икки яшарлигидан бошлаб, Алишер Навоийнинг шеърлари етти иқлимга машҳур бўлган. Тахминан 1450 – 1457 йилларда шоирлар султонининг шуҳрати оламни тутган. Алишер Навоий таъбири билан айтганда,*“Чун ул авқот(бу вақт)да фақир(Навоий)нинг назмлари Хуросонда шуҳрат тутуб эрди”*.[209] Хондамир таъбири билан айтганда, шеърият ихлосмандлари, фозиллар, дарвишлар шоирнинг янги ёзилган шеърларини ўқишга иштиёқманд бўлишган: *“Қисқа бир муддат ичида чуқур бадиият билан безатилган ушбу байтларнинг ҳамда*

[208] Кўрсатилган асар.-Б.71.
[209] Алишер Навоий. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. ТАТ. Ўн жилдлик. Ўнинчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.8.

зеб-зийнатга тўла ушбу шеърий асарларнинг гўзаллиги ва нафосатининг шуҳрати шу даражага етдики, дунёнинг энг узоқ мамлакатларидаги қудратли подшоҳлар ҳам ўзларининг сўзга чечан элчиларини салтанат пойтахти Ҳиротга юбориб, (ул Ҳазратнинг) сўз санъатининг етук намунаси бўлган куллиётини излашган, араб ва ажам юртларидаги гўшанишин дарвишлар эса ул Ҳазратнинг завқ-шавқ уйғотувчи шеърлари ишқида кун кечириб, бор куч-ғайратлари билан талаб йўлидан боришган. Шу сабабли ҳам Хито ва Хўтан юртларининг у бошидан тортиб, Рум ва Мағриб ўлкаларининг нариги чеккаларигача бўлган юртларда (ул Ҳазратнинг) гўзал ва нафис шеърлари шоҳу гадо, кексаю ёш, мусулмону кофир, бахтлию бахтсизларнинг тилларида достон, (ул Ҳазратнинг) улуғвор шеърлари эса инсонларнинг барча табақа ва гуруҳларга мансуб бўлган вакиллари кўнгиллари лавҳлари ва қалблари саҳифаларига нақшланган ва битилгандир". [210] Ҳатто, темурий шоҳу шаҳзодалар ҳам Навоий шеърларининг ошуфтаси бўлганлар. 1451-1457 йилларда Хуросонни идора қилган Абулқосим Бобур ўз йиғинларида Навоий шеърларини тинглашни хуш кўрган. Бу ҳақда Давлатшоҳ Самарқандий "Тазкират уш-шуаро"да шундай ёзган: *"Султон Абулқосим Бобур ...улуғ амир(Навоий)га таъби(шеъри)нинг мулойимлиги, зийраклиги учун офаринлар ўқир эди, баъзи пайтларда (мажлисларда) улуғ амир битган туркийча ёки форсийча шеърларни мутолаа қилар ва хайрли дуолари билан қўллаб-қувватларди..."*[211]

Навоий, хурдаи назмингни андоқ айладинг таҳрир,
Ки сочқай хурда бошинг узра шоҳи хурдадон кўргач.[212]

Бинобарин, ўз даврида Алишер Навоий ёзганидек, унинг шеърлари *"харобат дурд нўшлари ва демайким авом (оддий халқ) арозили, балки хавос (хослар) афозилининг тилларига жорий ва кўнгулларига корий тушар эрди. Ул замоннинг каримул-хулқ озодалари, балки,* ***азимуш-шаън шаҳзодалари*** *илтифотиға мушарраф бўлур эрди."*[213] Аниқроқ қилиб айтганда, темурий шаҳзодалар шоир ижодини кузатиб боришган, ундан янги-янги

[210] Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2015.-Б.44-45.
[211] Навоий замондошлари хотирасида. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1983. -Б.14-15.
[212] Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Хазойин ул-маоний. ТАТ. Ўн жилдлик. Биринчи жилд.Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 2012.-Б.117.
[213] Алишер Навоий. "Бадоеъ ул-бидоя" дебочаси. Асарлар. Ўн беш томлик. Тўртинчи том. Т.:Бадиий адабиёт, 1966.-Б.457.

дилбар шеърлар кутишган, унинг ҳар бир шеърига таҳсину тасаннолар айтишган.

Кўнглумда не маъни ўлса эрди пайдо,
Тил айлар эди назм либосида адо.
Ул назмға жонин қилибон халқ фидо,
Солурлар эди гунбази гардунға садо.
Бу вайрон табъни байт этса мастур,
Тутуб шуҳрат, нечукким байти маъмур.[214]

Таъкидлаш жоизки, биринчидан, Навоий ижоди мухлиси бўлган шаҳзодалар саъй – ҳаракати билан шоирнинг шеърлари оқ кўчирилиб, шеърият ихлосмандлари ўртасида тарқатилиб, қўлдан қўлга ўтгани ҳамда тез фурсатда машҳур бўлиб кетгани Навоийнинг қуйидаги жумлаларида ифодаланган: *“Абқоаллоҳу канза фаноиҳи ва адома изза инояким матлаъи ортиқроқ ё тамом ғазал тилим хомаси тақririға келса эрди, ё хомам тили таҳрир қилса эрди, филҳол ани мушкбор қалам бирла кофур кирдор сафҳаға рақам қилиб, оқу қарони андин махтут қилур эрди ва яна ҳам анга қаробат ҳисоблиқ* ***тез фаҳм шаҳзодалар****, ва мусоҳиб интисоблиқ* ***хуштабъ мирзодалар*** *мутааддид савод қилиб сойир улусға ёйилур эрди ва ошиқпеша беқарорларнинг жалиси меҳнати ва маъшуқ шева гул узорларнинг аниси суҳбати бўлуб, хосу авом орасида иштиҳори тамом ва интишори молокалом топар эрди.”*[215]

Зиҳи такаллуми мўъжизнизомким, келгач,
Араб фасиҳлариға ҳаром қилди ҳадис.
Улусни тутди Навоий сўзи анинг бирла,
Магар Расули алайҳиссалом қилди ҳадис.[216]

Иккинчидан, Навоий шеъри ёзилган варақларни шаҳзодалар бошчилигида шеърият мухлислари Ҳиротнинг Чорсу каби кўзга кўринган ва одамлар гавжум бўлган жойлари, дарвозаларига осиб чиқишган. Бинобарин бу билан шеърият ихлосмандларини ғазал мулки султонининг ижод намуналаридан баҳраманд қилишган. Учинчидан, темурий шаҳзодалар Навоий ғазалларини ёд олишган ва мушоираларда ва минбарларда ўқиб юришган, шеърий баҳслар уюштиришган. Тўртинчидан, шаҳзодалар мажлисларда шоир

[214] Кўрсатилган асар.-Б.457.
[215] Кўрсатилган асар.-Б.457.
[216] Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Хазойин ул-маоний. ТАТ. Ўн жилдлик. Биринчи жилд.Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 2012.-Б.110.

ижоди ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб боришган. “Сирож ул-муслимин”да ёзилишича, шеърий анжуманлардан бирида Султон Ҳусайн Бойқарога яқин бўлган темурий шаҳзода *“Навоийнинг шеърлари жуда ажойиб, ақлу ҳушни олади. Унинг шеърларини доим ўқиб юрган киши ҳамиша ошиқу маст бўлиб қолади,”* дейди:

Эшиттим базмининг бир нуктадони,
Шаҳи соҳибқирон жон дармиёни.
Демиш: “Не суд гар бир уйни тузмиш
Ки, назми шайнидин кўп уйни бузмиш.
Ўқуғон эл анинг шеърини пайваст,
Тилар бўлғай ҳамиша ошиқу маст.[217]

Ана шундай навоий ижоди ихлосманди бўлмиш шаҳзодалардан бири бўлмиш Увайс Мирзога буюк Навоийнинг назари тушган эди. Қолаверса, шаҳзода ҳам Алишер Навоий ижодига катта қизиқиш билан қарар, шоир шеърларини ўқиш – унинг жону дили эди, у адабий давраларда – шеърий базмларда бундай назмий дурдоналарни айтиб юрган:

Бўлса чун бода учун базм аро
Султон Вайс ибни Бойқаро.
Анга ҳангомаи шавқумни айт,
Доғи шеъримдин ўқиғил бир байт.
Ким жаҳон бўлғунча коминг бўлсун,
Айш базмида мақоминг бўлсун.
Бўлсун учмоғ аро Ҳақдин мағфур,
Отаси Бойқаро ибни Мансур.[218]

Султон Ҳусайн Мирзонинг акаси Бойқаро ўғилларидан бири бўлган Султон Увайс (1451-1491) темурий мирзолар ўртасида ўз ўрнига эга бўлиб, Навоий ҳузуридаги шеърий мажлисларда иштирок этиб турган. Султон Увайс шоир ижодини чуқур билган, унинг ғазалларини эса шарҳлай олган шаҳзодалардан бири бўлган, дейиш мумкин.

Навоий назмиға солса қулоқ шаҳ, не ажабким, бор
Анинг ҳар лафзида шоҳона лаъл-у дурри макнундек.[219]

---

[217] Алишер Навоий. “Навоийдан чу топқайлар навое”. Т.: Ҳилол-нашр, 2014.-Б.124.

[218] Алишер Навоий. Фавоидул-кибар. Хазойинул-маоний. Асарлар. ЎБТ. Тўртинчи том. Т.: Бадиий адабиёт, 1965.-Б.416.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Навоий “Соқийнома”да базмларни хуш кўрган Султон Увайс ибни Бойқаронинг шеъриятсеварлик жиҳатига алоҳида урғу берган. Дарвоқе, Соҳибқирон Темур авлодлари ичида шеъриятни севмаган, адабиётни қадрламаган темурийзода деярли бўлмаган.

Маълумотларга қараганда, Султон Увайс Мирзога Ҳусайн Бойқаро катта қизи Зайнабсултонбегимни никоҳлаб берган. Ундан у бир қиз ва бир ўғил кўрган. Ўғли – Муҳаммад Султон кейинчалик Бобур Мирзо хизматида бўлиб, Куннуж вилоятини бошқарган.[220]

Бор-йўғи қирқ йил умр кўрган шаҳзода Султон Увайс Мирзо 1491 йилда вафот этган. Хондамирнинг ёзишича, *“Аллоҳ таоло тақдири давоти мунг сиёҳини тенгсиз хоқон (Султон Ҳусайн Бойқаро) иқболи юзи узра тортди. Аниқроғи Султон Вайс Мирзо бир неча ой беморлик тўшагига ёнбош ташлаб, охират боғи сари юзланди. Мансур хоқон (Султон Ҳусайн Бойқаро) таъзиялик бўлиб, шаҳзоданинг руҳини халққа ош-таом тортиш ва барча нарсани билувчи Подшоҳ каломини хатм этиш орқали шод қилдилар.*

Султон Увайс Мирзодан Мирзо Муҳаммад Султон исмли бир ўғил ёдгор қолди”.[221]

Мухтасар қилиб айтганда, ўз замонида Ҳиротда Навоийнинг кўплаб шеърларини ёд билган Султон Увайс Мирзо каби шаҳзодалар томонидан доимий мушоира кечалари ўтказилган. Ана шу мушоира кечаларида эса айтиш лозимки, шоирлар султонининг шеърлари ўқилган ва таҳлил қилинган. Навоийнинг шоҳбайтлари баҳс-мунозара мавзусига айланган. Гап шундаки, бундай адабий йиғинлар адабий жараёнлар ва мумтоз адабиёт тараққиётига хизмат қилган.

ШОИРЛАР ТАЗКИРАСИДА ЗИКР ЭТИЛМАГАН ТЕМУРИЙ ШОИР

Султон Маҳмуд Мирзо (1453-1495) – Темурийларнинг қудратли ҳукмдорларидан бири Султон Абусаид (1424-1469)нинг

---

[219] Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Хазойин ул-маоний. ТАТ. Ўн жилдлик. Биринчи жилд.Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 2012.-Б.357.

[220] Сатторий Ҳ. Олтин силсила. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2006.-Б.57.

[221] Ғиёсиддин Ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар. Т.: Ўзбекистон, 2013.-Б.814.

мумтоз адабиётимиз тарихида шоир сифатида ном қолдирган ҳукмдор ўғлидир. У отасининг салтанати даврида 1462 йилда Астрабодда ҳоким бўлган. 1469 йилда Султон Абусаид ҳалок бўлганидан сўнг Ҳиротга, у ердан Самарқандга келган. Кейин Ҳисор вилоятига бориб, 1494 йилгача у ерда ҳокимлик қилган. Акаси Султон Аҳмад Мирзо вафот этганидан сўнг, Самарқанд тахтига ўтирган. Хондамирнинг ёзишича, *“Шижоат ва мардоналик сифати билан васф этилган, донолик ва саховату тантилик бобида танилган, яхши хулқ ва чиройли одоб эгаси, адолат ва инсоф пойдеворини мустаҳкамлаш, зулм ва ноҳақлик қоидаларини вайрон этишда султонлар устунига бошчилик қиларди. Ўткир қиличи уруш пайти дину давлат душманларининг иқбол дарахтини чопар, қон оқизувчи найзаси жанг майдонида мулку миллат аъло байроғининг энг баланди эди. Шунингдек, оламини безовчи ақли хуршид каби машриқдан нур сочувчию ёғдулик кони, тўғри тадбири қоронғи кечадаги ўн тўрт кунлик ой мисоли ёруғлик манбаси, пок кўнгли маоний ҳақиқатларини англовчи ва ўткир зеҳни нуктадонлик ҳикматлари тўплами, сахий қўли фозиллар турмушининг кафолати ва инъомининг кўзи олимлар ҳаётининг шарофати эди.”*[222]

Хондамир юқорида мақтаган мазкур темурий ҳукмдорни негадир Навоий “Мажолис ун-нафоис”да шоир бўлса-да, зикр этмаган. Бироқ, Фахрий Ҳиравий “Равзат ус-салотин”да Ҳисор ҳукмдори Султон Маҳмуд Мирзони “Зиллий” тахаллуси билан шеърлар ёзганини айтиб ўтган. Балки, Навоий ҳукмдор дўсти Ҳусайн Бойқарога Султон Маҳмуд Мирзо бир умр душманона кайфиятда бўлгани ва унинг давлатига ҳужум қилиб тургани, яъни ёмон муносабати учун ўз тазкирасида киритмагандир. Аммо бу ёғи бизга қоронғу. Тарихнинг бу саҳифалари ҳозиргача ўрганилмаган. Ҳатто шоир унинг отасини ҳам “Мажолис ун-нафоис”га киритмаган. Бу ҳақда Иззат Султон шундай ёзган: “... “Мажолис ун-нафоис”да Абусаиднинг йўқлиги факти диққатни ўзига жалб этади. Замонасининг энг кўзга кўринган, илм ва санъатга сал бўлса ҳам алоқаси ва ҳомийлиги бўлган ҳамма кишиларни қисқача тавсифлаб берган, темурий шаҳзодаларга эса махсус (еттинчи)

[222] Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар. Т. Ўзбекистон, 2013.- Б.639.

“мажлис” бағишланган бу китобда Абусаид фақат бошқа шоирлар муносабати билан (масалан, Қабулий, Лаълий ва Ибн Лаълийларнинг қотили сифатида) тилга олинади, албатта бу тасодифий ҳодиса эмас, Бу факт – Навоийнинг Абусаидга қаттиқ салбий муносабатда бўлганининг нишонаси деб айтишга асос бор. Чунки, бирор шахснинг “Мажолис ун-нафоис”га киргизмаслигини Навоийнинг ўзи ўша шахсга жуда салбий баҳо нишонаси, деб ҳисоблар эди: Навоий “Муншоат”да ўз замондошларидан бирига ёзган хатида, бу кишининг “Мажолис ун-нафоис”га киргизилмаганининг сабабларини гапириб келиб, “Рўзгоринг салоҳи фасодқа ёнди ва афъолинг покизалиги нопокликка айланди” ва шунинг учун сенинг исминг “Мажолис ун-нафоис” дафтаридан фазл ва табъ аҳли сафидин” чиқарилди, деб ёзади. Демак, Мовароуннаҳр ва Хуросонда йигирма йилга яқин подшоҳлик қилган Абусаид номининг “Мажолис ун-нафоис”га киргизилмаслиги ҳам Абусаидга Навоий томонидан “пардали” йўл билан қаттиқ салбий баҳо бериш деб ҳисоблаш мумкин.”[223] Бинобарин, ҳукмдорнинг ўғли Султон Маҳмуднинг ҳам тазкирада зикр этилмаслигининг ҳам бош сабаби бизнингча, шоҳлар шоири Зиллий ҳаёти, феъл-атвори ва ижодига Навоий салбий қараган, дейиш мумкин. Гап шундаки, Зиллий шеърияти шоирнинг талаб ва мезонларига жавоб бермаганлиги ва Бобур таъбири билан айтганда, “бисёр суст ва бемаза”лиги учун тазкирадан ўрин олмаган. Дарҳақиқат, Бобур “Бобурнома”да Султон Маҳмуд Зиллий ижодини кескин танқид қилиб, *“табъи назми бор эди, девон тартиб қилиб эди, вале шеъри бисёр суст ва бемаза эди. Андоқ шеър айтқондин айтмоғон яхшироқдур”,*[224] деб ёзган.

Хўш, Навоий девон тартиб берган темурий шоирни таниганми? Албатта, шоирлар султони Султон Маҳмуд Мирзони билган. Ҳатто у билан кўришган ва учрашган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки, бизнингча, темурий подшоҳ Султон Маҳмуднинг уч шоир ўғлини тазкирада зикр этган ҳолда уларнинг шоир отаси ва унинг шеърлари ҳақида Алишер Навоийнинг эшитмаслиги ва билмаслиги мумкин эмас эди.

[223] Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Т.:Бадиий адабиёт, 1969.-Б.196.-197.
[224] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2002.-Б.48.

Ҳолбуки, **Султон Маҳмуд Зиллий** *“ҳамиша фазилат оройиш ройини фазл ва камол аҳли тарбиятига қаратган, ҳунарпарвар боқий фозиллар унинг фирдавсмисол мажлисини сеҳрли фикрлари натижалари ва ашъори жавоҳирлари билан безаган.”*[225] “Равзат ус-салотин”да ёзилишича, *“у (Султон Маҳмуд Мирзо) ҳам гоҳида табъи латофатидан назмга майил кўрсатар ва Зиллий деб тахаллус қўяр эди. Ва мана бу беназир матлаъ уникидир:*

Гунбади гардун ки хишти нуқра ва хишти зар аст,
Пеши аҳли биниш тўдаи хокистар аст.[226]

(Мазмуни: Бир ғишти кумушу бир ғишти тиллодан бўлган гардун гунбази, Келажакни кўра олувчилар олдида бир уюм чангдир.)

Бобур Султон Маҳмуд Мирзонинг “(адабий) базми жуда яхши эди”,[227] деб эътироф этган. Султон Маҳмуд Мирзо саройидаги адабий базмларда кўплаб шоирлар хизмат қилган. Шулардан бири *“Хотамий Султон Маҳмуд Мирзо Чиғатойнинг эътиборли шоирларидан бўлган. Жуда кучли шоир ўтган ва ўз шеъру қасидаларида мазкур шаҳриёрни мадҳ этган.”*[228] Султон Маҳмуднинг атрофидаги амирлардан Маҳмуд Барлос ҳам соҳибдевон шоир бўлган.[229]

Мухтасар айтганда, темурий ҳукмдор Султон Маҳмуддан ибрат олиб, унинг фарзандлари ҳам ўз саройларида шоирлар, фозиллар ва санъаткорлар иштирокида шеърият кечалари ўтказганлар.

МИРОНШОҲ АВЛОДИНИНГ ГАВҲАРИ ЁКИ “СОҚИЙНОМА”ДАГИ НОМАЪЛУМ ШАҲЗОДА КИМ ЭДИ?

Туркий тилдаги “Соқийнома” бевосита Алишер Навоий ижодида жанр сифатида шаклланди ва ривож топди. Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” куллиётида битта Соқийнома мавжуд бўлиб, у Чордевоннинг “Фавойид ул-кибар”и таркибига киритилган. Соқийга мурожаат тарзида ёзилган, Маснавий-Соқийнома жамиъ

[225] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т. Мумтоз сўз, 2014.-Б.55.
[226] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т. Мумтоз сўз, 2014.-Б.55.
[227] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. Шарқ НМАК БТ, 2002.-Б.44.
[228] Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т. Мумтоз сўз, 2013.-Б.30.
[229] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. Шарқ НМАК БТ, 2002.-Б.46.

32 банд, 459 байтдан иборат. *“Соқийноманинг моҳиятига келсак, бу шеър оламдан ўтган яқинлар хотирасига бағишланган. Шу муносабат билан оламнинг бесаботлигидан ва олам аҳлидан шикоят, шунингдек, бефойда ғаму андуҳни унутиб, вақтни ғанимат тутиш ғояси ҳам юзага чиқади”.*[230] Бироқ, ўз Соқийномасида шоирлар султони марҳум дўстларидан ташқари, ҳаёт бўлган қадрдонлари ва яқинларини ҳам эслаб ўтган. “Соқийнома”нинг дастлабки қисмларида темурий шаҳзодалар, яъни Умаршайх ибн Амир Темур авлодидан бўлган Султон Ҳусайн Бойқаро ҳамда унинг ўғиллари, жиянлари, набиралари ёдга олинади, таърифланади ва уларга панду насиҳатлар қилинади. Академик Азиз Қаюмов таъбири билан айтганда, *“Соқийномада Навоийнинг дунёқараши, ҳаётининг айрим лавҳалари, Навоий мансуб муҳит, даври тўғрисида айрим маълумотлар бор. Бу маълумотлар Навоийнинг ўзи томонидан айтилмоқда бўлганидан айниқса қимматли ва диққатга сазовордир”.*[231]

Бинобарин, Соқийноманинг XVII-бандида эса *“барча шоҳларга бобо ва ота ўрнида бўлган”* Мироншоҳ Кўрагон ва унинг фахрли авлодидан бўлган шаҳзода ҳақида сўз боради. Ҳолбуки, шоир Мироншоҳ авлодининг фахрини тавсифлар экан, Мироншоҳ Кўрагонга мурожаат қилади ва тожу тахт, салтанатлар, мулки ҳашам, шону шавкат ўткинчи эканлигини бот-бот таъкидлайди:

Соқиё, тут қадаҳи ақлзудо,
Ким анга юз хираду ақл фидо...
Тут ангаким, эрур иш огоҳи,
Мафхари дудаи Мироншоҳий.
Дейки, эй хусрави гардун рифъат,
Не қолур салтанату не шавкат.
Шаҳри хай, мулки ҳашамни кўрдинг,
Сен доғи мулку ҳашам кўп сурдунг.
Англадинг шоҳлик аҳволини ҳам,
Кўрагон тахтию иқболини ҳам.
Барча шаҳларга ато ўрнигасен,
Ё жади комраво ўрнигасен.

---

[230] Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. Т.: Ўзбекистон, 2014.-Б.170-178.

[231] Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2014.-Б.60.

Санга олий боридин мартаба ҳам,
Яна кўпрак баридан тажриба ҳам.
Айта олмон санга, эй донишвар,
Ким бор эди шаҳ ила ҳар кишвар.
Айт, ул шоҳи фалак жоҳ қани,
Йўқса Баҳману фалон шоҳ қани?
Лек дермен қани ул кўзунгга нур,
Жисмингга қуввату кўнглунгга сурур.[232]

Аниқроқ қилиб айтганда, “ҳеч вақо қолмади. Жисму тан ҳам тупроққа қоришиб кетди. Бу фоний дунёда манаман деган мансабу мартабалар, тожу тахтлар барҳам топди, Баҳман каби фалон-фалон шоҳлар ҳам ўтиб кетдилар”, дейди Навоий буюк Соҳибқироннинг учинчи ўғлига мурожаат қилиб.

Шундан сўнг, шоирлар султони Мироншоҳ наслидан бўлган *“салтанат боғида сарви гулчеҳр”* шаҳзода таърифига ўтади ва яқин кишиси бўлиб қолган бу темурийзодадан айрилганидан қаттиқ қайғуга ботади, Навоий таъбири билан айтганда, *“унинг ҳажрида жаҳон қораяди”:*

Салтанат боғида сарви гулчеҳр,
Макрамат авжи уза рахшон меҳр.
Илм афлокида Биржис маҳал,
Барча ашколи улум оллида ҳал.
Назму насриға Уторуд мафтун.
Ҳар савол этса, жавобида забун.
Шаҳлиғу илму йигитлик чоғи,
Фонию сўфию солик доғи.
Васфи теъдод ила сондан ортуқ,
Ҳар неким айтсам ондин ортуқ.
Бўйла офоқ аҳли нодирасин,
Илму фақр аҳли шарифу сарасин.
Кўрки, афлок таадди пеша,
Чарх бадмеҳр, хилоф андеша.
Қаро туфроққа нечук қилди ниҳон,
Ки қорарди манга ҳажрида жаҳон.
Қани ул меҳри жаҳонтоб охир!

---

[232] Алишер Навоий. Фавоид ул-кибар. Хазойин ул-маоний. Асарлар. ЎБТ. Тўртинчи том. Т.: Бадиий адабиёт, 1966.-Б.417.

Қани ул гавҳари ноёб охир![233]

Хўш, “Соқийнома”да номи ёзилмаган Мироншоҳ авлодининг фахри, *“фақр аҳлидан бўлган”, “назму насрига (шоирлар ҳомийси) Уторуд мафтун”, “фонию сўфию солик”* шаҳзода ким? Келинг, шаҳзода номини шоирнинг асарларидан излаб кўрсак. “Мажолис ун-нафоис”да шоир Мироншоҳ наслидан бўлган Бойсунқур Мирзо ибн Султон Маҳмуд Мирзо (1477-1499) ҳақида “Соқийнома”даги таърифга муштарак сўзларни ёзган: *“Бойсунғур Мирзо – табъи диққатлик ва зеҳни жавдатлиқ. Салтанат тахтида фақр пешалик ва макрумат бисотида фано андишалик йигитдур. Фазойил ва ҳунарларга роғиб ва фазл аҳли тақвиятиға муртакиб. Назм айнини дағи анга мақбул ва гоҳи ул фикрга табъи машғул.”*[234] Кўриниб турибдики, Навоий “Мажолис ун-нафоис”нинг темурий ҳукмдорлар ва шаҳзодаларга бағишланган 7-мажлисида Бойсунқур Мирзонинг истеъдоди, билими ва инсоний фазилатларига юқори баҳо бериб, табъи нозик ва зеҳни ўткир, салтанат тахтида фақрни одат этган, эътибор мақомида ўзини унутган, фазлу ҳунарга мойил ва фазл аҳлини қўллаб-қувватлашни мақсад қилган йигит сифатида таърифлайди.[235] Демак, “Соқийнома”даги таъриф “Мажолис ун-нафоис”га ҳамоҳанглигидан келиб чиқсак, шоирлар султони “Соқийнома”да “Меҳри жаҳонтоб” ва “гавҳари ноёб” деганда айнан Мироншоҳ Кўрагон наслидан бўлган Абусаид Кўрагоннинг набираси Бойсунқур ибн Маҳмуд Мирзони назарда тутган деган тасаввур уйғонади. Шоирлар султони Бойсунқур Мирзо билан учрашган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки, уни шоирлар тазкирасида Навоий ўзи кўрган, билган ва учрашгандек, *“фано андишали йигитдир”* деб тавсифлаган. Аммо, Хондамир “Ҳабиб ус-сияр”да унинг акаси Масъуд Мирзони Ҳиротга келганини, Султон Ҳусайн Мирзога куёв бўлганини айтгани ҳолда Бойсунқур тўғрисида ҳеч нарса ёзмаган.

Ваҳоланки, **Бойсунқур Мирзо** юқорида таъкидланганидек, *“салтанат тахтида “фақирлик”ни одат этган”* темурий шаҳзода бўлган. Бир умр фақру фано тариқини тарғиб қилган Навоийга маъқул келган шаҳзодадаги асосий фазилат ҳам мана шу бўлган, деб ўйлаймиз. Чунки шоирлар султони ҳаёти мобайнида дарвиш,

[233] Кўрсатилган асар. –Б.417-418.
[234] Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Т.: Бадиий адабиёт, 1966.-Б.176.
[235] Алишер Навоий: Қомусий луғат. Биринчи жилд. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.125.

дарвишваш инсонлар ҳамда фақру фано аҳлини доимо қўллаб қувватлаган ва асарларида мадҳ этган.

Ўз замонида шаҳзода Мирзои Соний, яъни Бойсунқурий Соний – Иккинчи Бойсунқур деб ҳам аталган. Фахрий Ҳиравийнинг ёзишича, *“...Ҳусни жамол латофати, фазилат ва камоли кўплигидан назири йўқ эди. Насталиқ хатини шу қадар яхши ёзар эдики, кўп марталаб Султон Али (Машҳадий) хаттот уни мақтаб муболаға қилган. Ва шеър ва муаммода табъи мулойим эди.”* [236]

Рафиқон, ҳоли ман дар ишқ бад шуд,
З-дил якбораги сабру хирад шуд.

(Мазмуни: Дўстлар, менинг ҳолим ишқда ёмон бўлди, Бир йўли дилимдан сабру ақл кетди.)[237]

Демак, Ҳиротда истиқомат қилган Султонали Машҳадий шаҳзодани мақтаганидек келиб чиқсак, ё шаҳзода хаттотлар султонини кўриш учун Хуросон пойтахтига келган, ёки бўлмаса, буюк хаттот Ҳисорга Бойсунқур ҳузурига борган кўринади. Бизнингча, шаҳзоданинг Ҳиротда бўлгани эҳтимоли кўпроқ. Негаки, бу замонда Жомий ва Навоий суҳбатига мушарраф бўлиш учун узоқ-яқиндан улуғ зотлар, шаҳзодалар келиб турган. Балки шаҳзода Ҳиротга келиб, Султон Ҳусайн Бойқаро ва Навоий қадрлаган, етти иқлимга машҳур Султонали Машҳадийдан сабоқ олгандир.

Қиблат-ул-куттобким, дерлар ани Султон Али,
Ким қазо килки масаллик хомаси ёзмас ғалат.
Қайси қитъамники ёзди борди андин шеърлик,
Эл солурлар жузвдонғаким, эрур бир қитъа хат. [238]

“Бобурнома”да ёзилишича, у саккиз юз саксон иккинчи йили (милодий 1477 йили) Ҳисор вилоятида таваллуд топган эди. Шаҳзода кўзлари катта-катта, тўла юзли, ўрта бўйли, чеҳраси туркманга ўхшаш малоҳатли йигит бўлган. У ўз замонида адолатли ва камтар, хушчақчақ ва фазилатли подшоҳзода сифатида ном таратган. Аммо, айтишларича, унинг устози шиа мазҳабли Саййид Маҳмуд бўлганлиги учун аҳли сунна вал жамоа мазҳабидагилар

[236] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2013.-Б.56-57.

[237] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2013.-Б.58.

[238] Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Хазойин ул-маоний. ТАТ. Ўн жилдлик. Биринчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.721.

Бойсунқур Мирзони кескин танқид қилишган. Кейинчалик у Самарқандда бу мазҳабдан воз кечиб, эътиқодини ўзгартирган. Бироқ, Бойсунқур Шоҳрух Мирзонинг ўғли Бойсунқур сингари май ичишга хийла ҳирс қўйган эди. Ичмаган вақтларида эса намозларини адо этган. Бобур Бойсунқур саховатда ва ҳадялар беришда ўртамиёна бўлганини айтган. Иқтидорли темурийзода бинойигина мусаввир ҳам бўлган. Шеърни ҳам ўзига хос усулда ёзган. Одилий тахаллусли шаҳзода шеърий девон тартиб беришга улгурмаган. “Бобурнома”да унинг қуйидаги матлаъси келтирилади:

Соявор аз нотавони жо-бажо муўфтам,
Гар нагирам рўй деворе зи по меўфтам.

(Мазмуни: Тутмасам деворларни ҳар қадам, Соядек ер узра тушгум дам-бадам.)

Соҳибқирон Темур пойтахтида ҳукмдорлик қилган Бобурнинг гувоҳлик беришича, Самарқандда Бойсунқур мирзо ғазаллари шунчалик расм бўлганки, мирзонинг шеърлари бўлмаган ва ўқилмаган уй кам топилган.”[239]

Бухоро, Ҳисор ва Самарқандда муайян муддат ҳукмронлик қилган Бойсунқурнинг атрофида шоирлар ҳам бўлган. Шоир Мавлоно Сайфий “*Бир неча йилдан кейин “Ватанни севмоқ иймондандир” ҳадиси тақозосича, Мовароуннаҳрга кетган ва саид шаҳзода Бойсунқур Мирзо бин Султон Маҳмуд Мирзо даргоҳи мулозимати шарафига мушарраф бўлиб, икки-уч йил ул ҳазрат хизматида умр кечирган.*[240]

Маълумки, 1495 йилда отаси Султон Маҳмуд Мирзо вафотидан сўнг Бойсунқур 18 ёшида тахтга ўтирган. Шу йил Самарқандга бостириб кирган Мўғулистон хони Султон Маҳмудхон билан Самарқандга яқин Канбой деган жойда жанг қилиб, ғалаба қозонган. 1497 йилда тархон беклари унга қарши фитна уюштирган ва Бойсунқур Мирзони ҳибсга олиб, укаси Султонали Мирзони тахтга ўтқазишган. Бойсунқур Мирзо Дарвиш Муҳаммад Тархонни қатл этиб, тахтга қайта ўтирган. Қолган тархон беклари Султонали Мирзо билан Бухорога қочган. Бойсунқур Мирзо уларга қарши қўшин тортган, бироқ мағлубиятга

---

[239] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. Шарқ НМАК БТ, 2002.-Б.69.

[240] Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар. Т.: Ўзбекистон, 2013.-Б.1091.

учраган. Шундан сўнг, Султонали, Султон Масъуд ва Бобур Мирзолар Самарқандни қамал қилган, натижада Бойсунқур Мирзо шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўлган. У Ҳисорга бориб, қисқа вақт у ерда ҳукмдорлик қилган. 1499 йилда эса у Хусравшоҳ томонидан комон ипига билан бўғиб, қийнаб ўлдирилган. Шаҳзоданинг бундай аянчли қисматидан Навоий хабар топиб, сиқилган ва шоирлар султонининг фиғони фалакка етган, дейиш мумкин. Фахрий Ҳиравийнинг ёзишича, *“Уни ҳам Амир Хусравшоҳ акаси Султон Масъуд Мирзога ўхшаб кўзига мил тортди ва иниси Амир Валига буюрдики: камон ипини бўйнига солиб шаҳид қилинг! Бу андуҳдан қон тақдирнинг кўзидан ёш навбаҳор ёмғиридек ёғди. Аммо Муҳаммад Шайбонийхон Амир Хусравшоҳни шамшир билан қатл этди. Бироқ Амир Валини ўлдиришни инисига буюрди: деворни тешдилар ва бошини ўша тешикдан ўтказдилар. Бир чилвирни бўйнига ташладилар ва чилвирнинг бошқа учини бир жўфт ҳўкизнинг бўйнига боғлаб, боши танасидан жудо бўлгунча ҳайдадилар.”*[241]

Қисқаси, бизнингча, Навоий “Соқийнома”да зикр этган номи номаълум темурийзода бу–тақдири қайғули якун топган истеъдодли шаҳзода Бойсунқур Мирзо бўлиши мумкин.

КАМОЛИДДИН БИНОИЙ ЎЛИМИГА “ШАЙБОНИЙНОМА” САБАБ БЎЛГАНМИ?

Ёки Навоий билан Биноий муносабатлари

Одатда, ўрта асрларда ҳукмдорлар шоирларни қатл этишмаган. Аксинча, қўллаб-қувватлашган. Назм аҳли султонларнинг обрўйини ўз шеърлари билан етти иқлимга ёйишган. Ҳатто, шарқ подшоҳлари бирор шаҳарни қамал қилишганда, ундан шоирлар, фозиллар, олимлардан чиқиб кетишни сўрашган. Аммо Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг саркардаси Нажми Соний 1512 йилда Қарши шаҳри аҳолисини қирғин қилганда, мумтоз адабиётимиз ёркин вакилларидан бири шоир, тарихчи ва мусиқашунос Камолиддин Али ибн Муҳаммад Сабз Биноий (1453-1512)ни ҳам қиличдан ўтказган. “Мусаххир ал-билод”да ёзилишича, “ (Сафавийлар саркардаси Нажми Соний) сўнг у ердан

[241] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2013.-Б.58.

ўтиб, Қарши томон юрди. Қарши ҳокими Шайхим Мирзо мудофаага ўтиб, қаршилик кўрсатишга киришди. Нажмбек (Нажми Соний) шаҳар атрофини ҳужум уюштириш учун амирларига бўлиб берди ва ҳар ким ўз жойида ўқ ва тўфанг отишни бошладилар. Манжанақлардан чақмоқдек тош отиб, Қарши қалъасининг девор ва буржи бораларини тешдилар. Шу зайл беш-олти кун ичида қалъа истило қилинди. Шайхим Мирзо қўл остидаги мулозимлари билан бирга шаҳидлик даражасига етди. Қаршилик кўрсатган ўжар қаршиликларни жазолаш юзасидан эса "қатли ом" фармони чиқиб, халқ ёппасига қирғинга учради ва ўн беш мингга яқин мусулмон аскар ва аҳоли қилич дамидан ўтказилди. Шаҳидлик шарбатини ичган бу халқ орасида Мавлоно Биноий ҳам бор эди."[242] Нега, шундай бўлган? Ёки шоирнинг қатл этишга ўзи ҳам Хатойи тахаллуси билан озарбайжонча шеърлар ёзган шиалар шоҳи Исмоил Сафавий буйруқ берганмиди? Наҳотки, бу қарори учун тарих уни қоралашини билмасмиди? Биноийнинг қатл этилишига сабаб нима эди? Келинг, бу саволларга жавоб изласак?

Маълумки, Биноий Жомий ва Навоий адабий мактабида вояга етди. У шеър ёза бошлаганда, дастлаб Ҳомий тахаллусини қўллаган. Бобур Биноий шеърларига юқори баҳо бериб, шундай деган: *"Биноий ҳирилик(Ҳиротлик)тур. Ғазалида ранг ва ҳол бордур, девон тартиб қилибтур, маснавийлари ҳам бор. Бир маснавийси бор, мевалар бобида, мутақориб баҳрида, бемуҳассал нима дебтур, бекора қилибтур. Яна бир мухтасар маснавийси бор, хафиф баҳрида. Яна бир улуғроқ маснавийси бор, ул ҳам хафиф баҳрида, бу маснавийни сўнгралар тугатиб эди"*. Биноий сермаҳсул шоир бўлиб, 3 та девон тузган. Шоир яна "Беҳрўз ва Баҳром" достони, "Мажмаъ ул-ғаройиб" ("Ажойиб воқеалар мажмуъи") қасидаси ҳамда "Шайбонийнома" ва "Футуҳоти хоний" ("Хоннинг ғалабалари") номли тарихий асарларни ёзган.

Биноий "Нўҳ ранг" ва "Савт ун-нақш" каби машҳур мусиқий асарлар ҳам яратган: *"Бурунлар мусиқийдин бехабар экандур, бу жиҳаттин Алишербек (Навоий) таън қилур экандур. Бир йил мирзо (Ҳусайн Бойқаро) Марвға қишлай борғанда, Алишербек ҳам борур. Биноий Ҳирида қолур. Ул қиш мусиқий машқ қилур, ёзгача онча*

[242] Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. Т.: Янги аср авлоди, 2009.-Б.139.

бўлурким, ишлар боғлар. Ёзда Мирзо Ҳири(Ҳирот) келганда савт ва нақш ўткарур. Алишербек тааҗжуб қилиб таҳсин қилур. Мусиқийда тавр ишлар боғлабтур, ул жумладин бир нақши бор, "Нуҳранг"га мавсум. Бу тўққуз рангнинг туганиши ва нақшининг яллоси "Рост"тадур", деб ёзилади "Бобурнома"да.

Истеъдодли шоир Биноийнинг Ҳирот адабий муҳитида ўз ўрни бўлиб, манбалар шоирнинг Султон Ҳусайн Бойқаро саройи, Жомий, Навоий каби улуғ шоирлар, вазирлар ва бошқа зиёлиларнинг адабий мажлисларида иштирок этиб, ғазаллар ўқиганини тасдиқлайди. "Тарихи томм"да ёзилишича, *"Ўзи яна сўз қасри рукнларининг моҳир устоди эди. Қудрат қўли фалак корхонаси рангини тўкмагай, ундан бунёд асосли бинони бирор киши кўрмагай. Фитрат муҳандиси тўққиз тоқли фалак остида муқарнас ясашда бундайин маъно қоидаларидаги устодликни ҳеч ким эшитмаган. Лафз жузвлари устухонбандини унингдек чолоклик билан қўёлмасди. Байтлар қоидаси асосининг гулдастини ҳеч ким унингдек дастур билан боғламаган. Замонасининг фозиллари зумрасида Султон Ҳусайн Мирзо Кўрагон суҳбатида доимий бўларди".* Мавлоно Биноий ижоди ҳақида Навоий "Мажолис ун-нафоис"да тўхталган: *"Бағоят қобилияти бор. Аввал таҳсилга машғул бўлди...Хатға ишқ пайдо бўлди. Оз фурсатда ободон битиди. Андин сўнг илми мусиқийға майл кўргузди. Адвор илми билан бот ўрганиб, хили ишлар тасниф қилиб адворда дағи рисола битиди...Бу сифати салби учун фақр тарийқин ихтиёр қилди ва риёзатлар ҳам тортти, чун пири ва муршиди йўқ эрди, ўз бошича қилғон учун ҳеч фойда бермади...Ҳар тақдир била бу матлаъ анингдурким:*

Ба сурма ҳарки сияҳ, кард чашми ёри маро,
Басони сурма сияҳ кард рўзгори маро.

(Мазмуни: Кимки ёримнинг кўзларини сурма билан қорайтирган бўлса, худди сурмадек менинг рўзғоримни қора қилди.)

Мавлоно Биноий Табризга Султон Яъқуб саройига келиб, Бобур ибораси билан айтганда, "ҳарифи мажлис" (Мажлис суҳбатдоши) бўлган. "Бобурнома"да шоир Биноийнинг Оққўюнлилар салтанатига, яъни Яъқуббек саройига 1487 йилда борганлиги зикр этилади: *"...Ироқ ва Озарбайжонга Яъқуббек қошиға борди. Яъқуббек қошида ёмон эмас эди, ҳарифи*

мажлис(суҳбатдош) бўлиб эди. Яъқуббек ўлгандан сўнг ул вилоятларда турмай, Ҳири(Ҳирот)га қайтди”. Яъни, Султон Яъқуб Биноийни ўз саройида “ҳарифи мажлис” – суҳбатдош лавозимига тайинлайди. Султон Яъқуб вафот этгач, Биноий Ҳиротга қайтади. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дўғлатнинг ёзишича, “...Биноийдурки, булар ҳам фозил ва шоир эрдилар. Буларнинг Мир Алишернинг орасида (мажлисларда) ҳамиша баҳслар ўтар эрди. Ва ул зарофатки буларнинг орасида ўтибдур, машҳурдур.

Биноий айтибдурки, Мир Алишер (Навоий)нинг бошиға зарофатнинг ҳавоси тушибдур. Мир Алишер ҳам зарофатлик бўлғайму, деб. Мир Алишер айтибдурки, Биноий девона бўлубдур. Биноийни дорушшифоға олиб бориб даволанглар ва нухудоб беринглар, дебдур. Бу жиҳатдин Биноий қочиб Ироққа борубдур. Ироқда Султон Яъқуб тарбият қилубдурлар. Неча муддатда кейин яна ёниб Ҳиротға келибдур. Мир Алишер (Навоий) киши йибориб чорлаб олиб келибдур. Лутфу марҳамат бирла ошнолиқ қилибдурлар. Ва инъому эҳсон ҳам қилибдурлар. Ва ўтган воқеаға узр айтибдурлар. Ондин Мир Алишер сўрабдурки, Ироқ вилояти (Оққўюнлилар давлати) қандоқ жой экан, деб? Биноий айттиларки, ироқийларнинг бир қисми иши манга хўб кўриндики, улар асло туркий шеър айтмас эканлар. Мир Алишер айттиларки, сиз ҳануз ҳушёр бўлмаган экансиз, мундоқ тааррузни тарк қилинг. Ошнолиқ ва ёрлиқ аросидаги иттиҳоднинг сўзини айтинг, рост сўз айтингки, менинг девонларимнинг орасида қайси матлаъни яхши кўрдингиз. Биноий айттики, халқ аросида ҳаммаға бу матлаъ марғубдурки:

Кўкракимдур субҳнинг пироҳанидин чокрок,
Кифриким шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.

Мир Алишер айттики, сиз ажаб эътирозчи одам экансиз, бу матлаъни мен Мавлоно Соҳибдин сотиб олиб эдим, бу жиҳатдин бу сўзни айтасиз, деди. Биноий айттики, манга мундоқ сўзни раво кўрманг, менинг сизда таарруз қилғали ҳаддим борму? Мен воқеани билмас эрдим. Мундин бўлак яхши матлаъларингиз ҳам бор. Бу матлаъ ҳам ондин яхшироқдурки:

Бошимиздин сояи сарви қаддинг кам бўлмасун,
Зоти покинг бўлмаса, оламда одам бўлмасун.

Мир Алишер айтти, бу матлаъ Мавлоно Лутфийнингдур. Сиз ҳаргиз тааррузни тарк қилмабсиз, деб яна икковлон озор юзидин

жудо бўлишдилар”. Шундан сўнг Биноий Самарқандга Султон Аҳмад Мирзо ҳузурига кетади. У бу шаҳарда Навоийга бағишлаб “Мажмаъ ул-ғаройиб” қасидасини ёзган.

1492 йилга қадар Султон Яъқуб Оқ қўюнли туркман (1478-1490) ва Бойсунқур (1490-1493) саройида хизмат қилган Камолиддин Биноий Самарқандга келгач, дастлаб Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг иккинчи ўғли Хожа Қутбиддин Яҳё (1500 йил 11 август куни ўлдирилган) ва Самарқанд ҳукмдори Султонали Мирзонинг хизматига кирган. 1496 йилнинг июль ойида шоир ва тарихшунос олим Муҳаммад Солиҳ (1535 йилда вафот этган) билан бирга Бобур Мирзонинг хизматига ўтади. 1500 йил июль ойида, яъни Самарқанд Шайбонийхон томонидан эгаллангандан сўнг у ўзбек хонига мулозамат кўрсатади ва Муҳаммад Шайбонийхоннинг сарой шоирига айланади. Мавлоно Биноий тўғрисида Ҳерман Вамбери қуйидаги маълумотларни келтириб ўтган: *“Мулло Биноий ҳиротлик бир банно-меъмор ўғли бўлиб, Мир Алишер билан оралари бузулгунча Мирзо Ҳусайн Бойқаро саройининг илтифотига сазовор ҳолда яшаган. Кейинчалик Мовароуннаҳрга кетиб, Султон Маҳмуд саройи доирасида эътибор қозонган. Ниҳоят, 1500 йил Мовароуннаҳрда Шайбоний Муҳаммадхон уни сарой шоири қилиб олган”*. Биноий Шайбонийлар давлатида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган. Шайбонийхон унга ҳарбий юришлари тарихини ёзишни буюради. Шайбонийхон Ҳиротни забт этгач, шоир у ерга қайтади. У 1510 йилдан Насаф (Қарши) шаҳрида яшай бошлаган. Юқорида айтганимиздек, 1512 йилда Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг Қарши шаҳридаги қатли омида шаҳид бўлган.

Азиз китобхон, яна биз мақоламиз бошидаги саволга қайтамиз. Хўш, нега шоир қатл этилган? Чунки одатда босқинчилар шоиру олимларнинг қатл этмаганлар. Унда нега машҳур шоир ўлдирилган? Бунинг сабаби эса, Биноийнинг Муҳаммад Шайбонийхонга бағишлаб, “Шайбонийнома” асарининг ёзганлигидир. Шайбонийхон ғалабалари тасвирланган ушбу тарихий асар, маълумотларга қараганда, темурийлар даврининг етук шоирларидан бири Мавлоно Биноийнинг ўлимига сабабчи бўлган. Бундан чиқди, дастлаб 1510 йилда жангда Шайбонийхонни ўлдириб, бош чаноғидан ўзига қадаҳ ясаттирган Исмоилшоҳ

Сафавий, бордию шоир Биноий қўлга тушса, уни ўзбек хонини асар ёзиб, кўкларга кўтаргани учун ўлдиришни ният қилган кўринади.

Мухтасар айтганда, Ҳирот адабий муҳити намояндаларидан бўлмиш Биноий ижодига Навоий, Бобур, Роқим ўз баҳоларини беришган. Дастлаб темурий султонлар Ҳусайн Бойқаро, кейинчалик Султон Аҳмад Мирзо, Султон Маҳмуд Мирзо, Султонали Мирзо, Бобур Мирзо ҳамда ўзбек хони Шайбоний Муҳаммадхон саройларида хизмат қилган Биноий ижодини тадқиқ этиш мумтоз адабиётимиз тарихини янги маълумотлар билан бойишига хизмат қилади.

МАДҲ УСЛУБИНИ РАВНАҚ ТОПТИРГАН ЗОТ

Темурий султонлар саройидаги адабий йиғинларда қасидагўй шоирлар томонидан ҳукмдорларни мадҳ этувчи қасидалар ўқилган. *“Қасида муайян шахс (амиру ҳукмдор, подшоҳлар, сулола ва тариқат пешволари) таърифу тавсифига ... бағишланган лирик асардир”*.[243]

“Кимнидир мадҳ этиш мақсади устувор бўлгани учун қасида одатда кўтаринки, тантанавор услубда, баланд пардаларда ёзилган. Мумтоз шеъриятда қасида композициясига қўйилувчи талаблар ишлаб чиқилган. Унга кўра, қасида кириш (насиб, ташбиб), таъриф жойи, обеъктнинг баёни (гузургоҳ), мадҳ ва мамдуҳ (мақталувчи) ҳақида дуо ва шоир нияти (қасд) каби қисмлардан иборат бўлади. Агар қасидада кириш қисми бўлмаса, маҳдуд деб аталган.

Шарқ мумтоз шеъриятининг йирик намояндалари Носир Хусрав, Унсурий, Анварий, Хоқоний, Дақиқий, Рудакий, Саккокий, Лутфий, Жомий, Гадоий, Навоий каби шоирлар ижодида қасида жанрининг яхши намуналари бор. Мумтоз адабиётда қасидалар асосан, ўша давр ҳукмдорлари–подшоҳларнинг мадҳига бағишланган”.[244]

Алишер Навоийнинг шогирдларидан қасиданавис Мир Ҳусайн Али Жалойир ҳам Султон Ҳусайн Бойқарога атаб ажойиб қасидалар битган ва бу шеърларини саройдаги шеърият кечаларида

[243] Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. Т. Ўзбекистон, 2014.-Б.272.
[244] Қуронов Д, Мамажонов З, Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Т. Академнашр, 2013.-Б.40.

ўқиган. Навоий таъбири билан айтганда, *“Назмларға табъи мулойимдур. Аммо қасида услуби анинг ҳаққидур. Андоққи, бу тоифа ҳам мусаллам тутарлар. Султон соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) отиға ғарро қасоиди бор”*.

Биҳамдиллаҳ, ки дигар раҳ ба иқболи шаҳи одил,
Бурун амад гулам аз хору хор аз пою аз гил.

(Мазмуни: Худога шукрки, одил шоҳ (Султон Ҳусайн)нинг меҳрибончилиги билан яна бир йўла гулим тикандан, тикан оёғимдан, оёқ эса лойдан чиқди).

Шоир Туфайлий беш-олти йил мобайнида Бобур Мирзонинг адабий йиғинларида ҳам иштирок этиб, шеърият кечаларида унга бағишланган қасидаларини ўқиган: *“Султон Ҳусайн қошида қушбеги эди, шоир эди. “Туфайлий” тахаллус қилур эди, қасидани бисёр яхши айтур эди. Ўз замонида қасидада саромад эди. Тарих тўққуз юз ўн еттидаким, Самарқандни олдим, менинг қошимға келди. Беш-олти йил менинг қошимда бўлди. Менинг отим (Бобур Мирзо)ға ҳам яхши қасидалар айтди,”*[245] *дейди* Бобур Мирзо адабий йиғинлари иштирокчиси бўлган шоир ҳақида тўхталиб.

Алишер Навоий “Соқийнома”да Туфайлийнинг қасиданависликдаги маҳоратини тасвирлаган:

То Туфайлий била мажлис қурайин,
Бир неча нукта анга еткурайин.
Айта эй назм элида нодир,
Рақаминг сеҳру хаёлинг соҳир...
Анварий бўлсуну ё Хоқоний,
Фарёбий ё Исфаҳоний.
Чунки сўз оби ҳаётин суздинг,
Руҳини барчасининг тиргуздунг.
Мадҳ услуби эди беравнақ,
Бал чиқиб эрди ародин мутлақ.
Ҳар қасидаки тузатти рақаминг,
Ё саводин рақам этти қаламинг.
Бўлди маъни юзидин бир олам,
Ул савод анда саводи аъзам.[246]

[245] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т:Юлдузча, 1990.-Б.157.
[246] Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. Фавойидул-кибар.Т.Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. –Б.425.

Бироқ, Азиз Қаюмов “Соқийнома”нинг XXIII бобида “қасидада саромад” Туфайлий эмас, балки Жомий зикр этилган дейди: *“Жомийга бағишланган тўрт бўлак(XXII, XXIII, XXIV, XXV боблар)да Навоий бирор кишининг отини айтмаган. Аммо барча таърифлардан шундай кўзга ташланиб турадики, бу ерда кўкларга кўтариб тасвир этилмоқда бўлган зот машҳур шоир, мутафаккир, олим ва фозил шахс, Навоийнинг энг яқин дўсти, ҳаммаслаги, устоз ва пири Абдураҳмон Жомийдир.”*[247] Ҳолбуки “Соқийнома”нинг XXIII –бобида Навоий *“То Туфайли била мажлис қурайин, Бир неча нукта анга еткурайин”* ёки *“Ҳар қасидаки тузатти рақаминг, Ё саводин рақам этти қаламинг”* дея ўз замонида қасаданависликда донг таратган, қасида жанрида устозлар Анварий, Ҳақоний, Форёбий ва Исфаҳоний каби гўзал асарлар яратган машҳури замон шоир Туфайлийни назарда тутган.

Ҳасан Али Жалойирнинг тўнғич фарзанди Мир Ҳусайн Али Жалойир Туфайлий тахаллуси билан ижод қилган бўлиб, ўз замонида қасиданависликда тенгсиз саналган. Айниқса, Ҳиротда унинг Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳида айтган “шикаст” радифли қасидаси машҳур бўлган. Хондамир шоир тўғрисида “Хулосат ул-ахбор”да шундай ёзади: *“Амир Камолуддин Ҳусайн Али Жалойир фаҳму фаросатининг тезлиги, таъбининг хушлиги билан сифатланган, яхши хулқи ва одоби билан машҳурдир. Ажойиб қасида ёзиб, унга рангин маъноларни киритган. Олижаноб амир Алишер (Навоий) кўп меҳрибонлигидан уни фарзанд деб атаган”*.[248] Мирзо Ҳайдар Дўғлат ҳам “Тарихи Рашидий”да Ҳусайн Жалойирни *“Қасида айтмоқда беназир эрди”,*[249] деб таъкидлайди.

Мухтасар айтганда, шоир Туфайлий ўз қасиданавислик юксак поғоналарга кўтарилган етук ижодкорлардан бири ҳисобланади.

НАВОИЙНИНГ ХОС МУЛОЗИМЛАРИДАН БИРИ

Муҳтарам Президентимиз видеоселектор йиғилишларидан бирида IX-XII асрларда биринчи, XV асрда эса иккинчи Ренессанс, миллий уйғониш даври бўлганига, бугунги кунда эса мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётганига

[247] Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2014.-Б.54.
[248] Навоий замондошлари хотирасида. Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.74.
[249] Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. Т. Ўзбекистон, 2011.-Б.285-286.

тўхталиб ўтдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ги қарорида ҳам Учинчи Ренессанс билан боғлиқ қуйидаги жумлаларни ўқиш мумкин: “Жонажон Ватанимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”.

Дарҳақиқат, илму маърифат, адабиёт, мусиқа, рассомчилик санъати юксалган ўн бешинчи асрни ҳақли равишда темурийлар Ренессанси даври деб аташ мумкин. Наим Ғойибов “Амир Темур маънавияти” асарида темурийлар Ренессансининг тўрт устунини кўрсатиб ўтган: “*Соҳибқироннинг бевосита амалий саъй-ҳаракати ва раҳнамолиги туфайли мамлакатда фан, маданият, санъатнинг кўп соҳалари гуркираб тараққий топди. Маънавиятда юз берган бу юксак ақлий-маънавий ҳамда бадиий юксалишнинг мантиқий ҳосиласи сифатида кейинчалик, темурийлар ҳукмронлиги даврида қуйидаги тўрт йўналишда тўрт буюк мактаб юзага келди. Булар Мирзо Улуғбек раҳбарлигидаги илм-фан тараққиёти, ҳазрат Алишер Навоий бошчилигидаги бадиий адабиёт равнақи, Абдулқодир Марофий раҳбарлигидаги мусиқа илми ва амалиёти ривожи ва Камолиддин Бекзод номи билан уйғунлашган рассомчилик санъати юксалиши мактаблари эди. Бу мактабларнинг барчаси ва ҳар бири ўз даври маънавиятида ўта муҳим кашфиётлар ифодаси бўлиб, кейинги даврлар дунё маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшдилар*”[250].

Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий даврида Хуросондан темурийлар Ренессанси маҳсули сифатида азиз-авлиёлар, етук олимлар, шоирлар, мутафаккирлар ва фозиллар етишиб чиқди. Ҳирот адабий муҳитининг ана шундай ёркин намояндаларидан бири Хожа Камолиддин Осафий Ҳиравий (1440-1517)дир. *“Хожа Осафий Хуросон мулкининг вазирзодаларидандир. Отаси Хожа Наъимуддин Неъматуллоҳ Султон Абусаид ибн*

[250] Ғойибов Н. Амир Темур даври маънавияти. Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 2001.-Б.28.

Султон Муҳаммад ибн Мироншоҳнинг вазири эди. У Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг вазири Мавлоно Абдулалининг фарзанди эди. Ул зот шунинг учун Осафий тахаллус қилган эдики, у латофат ва нозиктаъбликда ягона, зеҳни ўткирлик ва идрокда тенгсиз эди. Фозиллар кўзининг мардуми, идрок сипеҳрининг партави. Унинг назми лафзлари жавоҳир шодасидек ташқарида мунтазам ва равшан, насри иборатлари лаъллари шўхликда Тойир насри бирла ҳампарвоз, якгулшан. Маснавий бўстонида мисра сарвларидан маънолар шоҳидларининг чеҳрасини очди. Ғазал гулистонида тоза мазмунлардан беандоза ранго-ранг гуллар кўргузди. Унинг табъи равон зилолидан чаҳорчаман нозукликда ва очилган гулзори олти жиҳатдан етти иқлимда баланд овозалик мақомидадир."[251] Абдураҳмон Жомийнинг салоҳиятли шогирдларидан бўлмиш бу зот "Бобурнома"да етук шоир сифатида эътироф этилган бўлиб, у ҳақда Бобур шундай ёзган: *"Шуародин: Яна Осафий эди, вазирзода учун "Осафий" тахаллус қилибтур. Шеъри ранг ва маънидин холи эмастур. Ғазалдин ўзга навъ шеър кам айтуртур. Мен Хуросон борғонда мулозамат қилиб эди".*[252] Бобур Мирзо билан яқиндан мулоқотда бўлган Осафийнинг девони ғазал, қитъа, рубоий каби жанрлардаги шеър намуналарини ўз ичига олади. Қасидалари ва Низомий Ганжавийнинг "Махзан ул-асрор" достони татаббуъсида битган асари ҳанузгача топилган эмас. Осафийнинг 2500 байтдан иборат девони Арфаъ Кирмоний сўзбошиси билан 1968 йилда Теҳронда нашр этилган.

Мавлоно Осафий Хуросоннинг обрўли шоирларидан бири бўлган. У доимо Ҳусайн Бойқаро ҳамда Алишер Навоий адабий мажлисларида иштирок этиб келган. *"Дастлаб Абдураҳмон Жомий, кейинчалик Навоий сардорлик қилган бу катта ижодий мактабда илмий-назарий баҳслар, қиссахонликлардан ташқари воизлик, латифагўйлик, лутф ва зарофатга жиддий эътибор бериларди. Мушоираю мубоҳисларда адиб ва ноқиллар ўз нутқларида ўтмиш ва замон воқеалари, буюк кишилар ҳаёти ва фаолияти хусусида ҳикоятлар келтиришар, Қуръони Кариму Пайғамбар ҳадисларидан қироат қилишарди".*[253] Ана шундай анжуманларда Осафий ўз

[251] Шарофуддин Роқим. Тарихи томм. Т. Маънавият, 1998.-Б.74.
[252] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. Шарқ НМАК БТ, 2002.-Б.138.
[253] Ҳомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. Т. Шарқ НМАК БТ, 2004.-Б.239.

шеърларини ўқиган ҳамда адабий мунозараларда фаол қатнашган дейиш мумкин. Хондамир “Хулосат ул-ахбор”да *“Мавлоно Осафий соғлом зеҳнининг софлиги, мустақим таъбининг зукколиги билан замонанинг тамоми шоирлари ҳамда баланд мартабали фозилларидан муттоз ва мустаснодир. Кўп вақтлардан бери олиҳазрат амир Алишер (Навоий)нинг хос мулозимлари қаторида турган ҳамда унинг тарбияси ва муруввати остида фароғатда ташвишсиз ҳаёт кечирган,”*[254], деган. Хондамир каби Навоий ҳам “Соқийнома”да Осафий шеърлари баҳосига Сулаймон мулки етмайди, деб лутф этади:

Осафий улки, не назм этса рақам,
Қиймати мулки Сулаймондур кам.

Осафий бир муддат Балх шаҳрида Бадиуззамон хизматида бўлиб, шеърият кечаларига файз бағишлаган. Хондамир шоир шаҳзодага надимлик (суҳбатдошлик) қилганини ёзиб қолдирган.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида юксак истеъдод ва кучли ҳофиза соҳиби шоир Осафий ўзининг иқтидори ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслигини танқид қилган: *“...Ўзининг табъи таъриф қилғуча бор ва ҳофизаси ҳам бағоят хўбдур. Аммо не табъин ишга буюрур, не ҳофизасин. Ятимвашлик (чапанилик) ва раъносифатлик (мағрурлик) ва худройлик (ўзбилармонлик) била авқотин (вақтларин) зоеъ қилур. Бу навъ ғариб сифоти кўпдурки, агар деса сўз узолур. Мутлақо пандназир (насиҳатни оладиган) эрмас. Бу жиҳаттин бағоят паришондур. Яхши абъёти (шеърлари) бор”*[255]. Хондамир “Макорим ул-аҳлоқ”да Навоий билдирган юқоридаги мулоҳазаларнинг мантиқий давоми бўлган қуйидаги ҳикоятни келтирган: *“Бир куни соф кўнгилли Амир (Алишер Навоий) қутлуғ сўзларни баён этувчи тили билан сўзга чечанлик ва зукколик борасида замон шоирлари ва закийларининг саромади бўлган Хожа Осафийга насиҳат қилиб:*

-Мен сенга ҳайрон қоламан. Истеъдодингнинг юқорилиги ва зеҳнингнинг ўткирлигига қарамасдан, шеър ёзиш билан кам шуғулланасан, барча вақтингни кераксиз ишларга сарфлаб юрасан,- деб қолдилар.

(Бироқ у) бунга жавобан:

[254] Навоий замондошлари хотирасида. Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.74
[255] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012. –Б.340.

-Шу пайтларда борган сайин кўпроқ шеър ёзишга машғул бўлаяпман. Масалан, кеча кечаси икки ақчалик шам ёниб битгунча икки юз байт шеър ёздим,-деди.

(Шунда) ул ҳазрат (ҳазиллашиб):

-Унда ёзган шеърларингизнинг ҳар юз байти бир ақча экан-да,-дедилар".[256]

"Мажолис ун-нафоис" тазкирасида Осафийнинг қуйидаги форсий байти келтирилган:

Нарехт дурди май муҳтасиб зи дайр гузашт,
Расида буд балое, вале бахайр гузашт.

(Мазмуни: Муҳтасиб майхонадан ўтганида май қуйқасини тўкмади, бир бало келган эди, лекин яхшилик билан ўтди).

Осафий нафақат форс-тожик тилида, балки туркийча шеърлар ҳам ёзган:

Юз балолар кўрдум, ул ороми жондин кўрмадим,
Икки кўзумдин ёмонлик кўрдум, ондин кўрмадим.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дўғлат "Тарихи Рашидий"да Осафий ҳақида жумладан шундай ёзган: *"Осафийки вазирзодадур (Султон Абусаид Мирзо вазири Наимиддин Неъматуллоҳ Қаҳистонийнинг ўғли) яхши шеърлари бордур. Ул жумладан бу байт уларнингдур.*

Бар сари кўйи рақибон зикри он маҳ чун кунам,
Кофиристонаст онжо Аллоҳ-Аллоҳ чун кунам?[257]

Хулоса қилиб айтганда, Навоий, Бобур ва Хондамир томонидан эътироф этилган, темурийлар даврининг машҳур ва улуғ шоирларидан бўлган Мавлоно Осафий ижодини чуқур ўрганиш сўз санъаткори таржимаи ҳолини бойишига хизмат қилади ва шеършунослик илми тарихига янги-янги маълумотлар тақдим этади, деб ўйлаймиз.

---

[256] Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2015.-Б.127.

[257] Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. Т. Ўзбекистон, 2011.-Б.286.

БИР ИҚЛИМГА СИҒМАГАН БАДИУЗЗАМОН ВА ЎН ДАРВЕШ

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо 1506 йилда Ҳиротга борган ва Хуросон мамлакатини шериклик асосида бошқараётган Султон Бадиуззамон ва Музаффар Мирзоларни кўриб, ҳайратга тушган ва Саъдий Шерозийнинг "Гулистон" асаридаги "Ўн дарвеш бир гиламга сиғиши мумкину, аммо икки подшо бир иқлимга сиғмайди", деган ҳикматли сўзларини эслаган: *"Султон Ҳасайн Мирзони Ҳири(Ҳирот)га келтириб, подшоҳона расм ва ойин била бардошт қилиб, мадрасасида дафн қилдилар. Бу фурсатта Зуннунбек ҳам ҳозир бўлди. Муҳаммад Бурундуқбек ва Зуннунбек ва Султон Ҳусайн мирзодин қолғон ва бу мирзолар била бўлғон беклар йиғилиб, иттифоқ қилиб, Бадиуззамон мирзо била Музаффар Ҳусайн мирзони Ҳири тахтида баширкат (шериклик асосида, баббаробар ҳукмронлик қилувчи) подшоҳ қилдилар...Бу ғариб амре (қизиқ иш) эди, ҳаргиз подшоҳликта ширкат эшитилган эмас. Шайх Саъдий сўзи мазмунининг хилофи (тескариси) воқеъ бўлди, нечукким "Гулистон"да келтурубдур:* ***"Даҳ дарвеш дар гиламе беҳусбанд ва ду подшоҳ дар иқлиме нагунжанд"*** *(Ўн дарвеш бир гиламга сиғиб ётиши мумкин, аммо икки подшоҳ бир иқлимга сиғмайди)."*[258]

Отасига қарши исён кўтариб, тахт талашган Бадиуззамон Мирзо ва укаси Музаффар Мирзонинг ҳукмронлиги узоққа чўзилмайди. 1507 йилда Шайбонийхон Хуросонга қўшин тортганда, ака-укалар Ҳиротни ташлаб қочади ва Бадиуззамон эса Эрон ҳукмдори Исмоил Сафавий ҳузурига боради. 1514 йилда Табризни ишғол қилган усмонийлар султони Салим I шаҳзодани ўзи билан Истанбулга олиб кетади. Бадиуззамон ўша ерда вабога чалиниб, вафот этган.

Ўзбек адабиёти тарихида Султон Ҳусайн Бойқаро (1438-1506) ҳузурида ўтказилган "олий мажлислар" каби ҳукмдорнинг фарзандлари саройларида ҳам худди шундай шеърият кечалари ташкил этилган. Ҳусайн Бойқаронинг шоир фарзанди Бадиуззамон Мирзо (1458-1515) адабий мажлислари ҳам отасининг

[258] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.:Юлдузча, 1990.-Б.165.

йиғинларидек шеърият ва санъат аҳли билан гавжум бўлган ва уларда адабий баҳс – мунозаралар олиб борилган. Султон Бадиуззамон Мирзо Ҳусайн Бойқаронинг ўғиллари орасида энг оқили ва салоҳиятлиси бўлиб, у доимо илму маърифат ва ҳунар аҳлига ғамхўрлик қилган. “Шаҳзодаи Замон” ва “Шоҳи Замон” номлари билан машҳур бўлган Бадиуззамон Мирзо ўз саройига олим, шоир, санъаткорларни йиғиб, адабий анжуманлар ўтказиб туришни хуш кўрган.

Ки мени Шоҳи Замон ҳижрони
Ўйла қилмишки, деёлмон они.
Шоҳи Жам қадр замон ичра Бадеъ
Ҳар бадеъ ишда макон ичра рафеъ.
“Хамса” ичраки, анга ҳар бир ҳарф,
Баҳр эрур, зимнида юз дурри шигарф.
Достонларки нигориш қилдим,
Онинг отиға гузориш қилдим.
Айладим панд тариқида ғулув,
Юз туман фойдалардан мамлу.
Ёд тутмиш эди шаҳзода барин,
Билиб эрди шаҳи озода борин.
Онсизин панд анга ҳожат эмас,
Ақли кулли оллида эл панд демас.[259]

Маълумотларга қараганда, шаҳзоданинг устози, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий Бадиуззамон Мирзонинг Ҳирот ва Балх шаҳарларида ўтказилган адабий йиғинларида иштирок этган ҳамда ўзи қатнашган адабий мажлислардан бирини “Фарҳод ва Ширин” достонидаги лавҳа орқали шундай тасвирлаган:

Тузуб суҳбат “Биҳишти соний” ичра,
Май ичса “Боғи нав” айвони ичра.
Ани мажлис дема, олий сипеҳри,
Қадаҳдин даврида рахшанда меҳри.
Дема меҳр оним, меҳри сабукхез,
Не андоқ тезрав, не ширатангез.
Нишотафзойроқ Ноҳиддин кўр,

[259] Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. Фавоидул-кибар. Асарлар. ЎБТ. Тўртинчи том. Т.: Бадиий адабиёт, 1965.-Б.410.

Сариус-сайрроқ хуршеддин кўр.
Қуёш бир қатла ҳар кун кўкни сойир,
Бу мажлис чархин ул юз қатла дойир...
Муғаннийлар нишотафзо наводин,
Чекиб Ноҳидни ҳар дам ҳаводин.
Зарофат ҳолатида базлагўлар,
Аторудқа қилиб ҳар дам ғулулар...
Бериб юз ганж яхши сўзга бехост,
Ёмон сўзни қилиб ислоҳ ила рост.
Ёмон мен айттим топиб сўзум реч,
Анинг базмида сўз ўтмай ёмон ҳеч.[260]

Бу лавҳани янада соддароқ қилиб, насрий баён тили билан изоҳлаганда, *"Бадиуззамон Мирзо "Иккинчи биҳишт" боғида мажлис тузди. Уни маъракали базм дема, юксак осмондир. Унинг даврасида порлоқ қуёш қадаҳи кезади. Уни қуёш дема, қуёш унинг тезюрарлиги ва суръатига тенглашолмайди. Ноҳиддин ортиқроқ роҳат бахш ва хуршиддан кўпроқ элкезардир. Қуёш ҳар куни бир маротаба осмонни сайр этса, бу базм осмонини юз марта айланади.*

Агар қуёш кўкда суръат билан сайр этиб, бир паричеҳра учун айланиб ўргилса, бу базм созандалари роҳатбахш куйлар чалиб, кўкдан Ноҳидни туширадилар.

Лутфкор қизиқчилар зарифликда Аторуд(адабиёт аҳли ҳомийси)ни ҳар лаҳза ҳайратда лол қолдирадилар.

Бадиуззамон Мирзо шодлик билан қадаҳ кўтарганда, қувончидан сархуш бўлса, бирор кутилмаган яхши сўзга юз хазина бағишлаб, ёмон сўзни ислоҳ қилиб тузатади.

Сўзим чувалиб мен яхши фикр юритолмадим. Унинг базмида бирор ёмон сўз айтилмайди", дейди буюк шоир.

"Лайли ва Мажнун" достонида тасвирланган созандаю қўшиқчи ва шоирлар иштирокида ўтказилган базм ҳам бизнинг адабий мажлис ҳақидаги тасаввуримизни бойитади:

Базмида сипеҳр хони муну,
Ул хонда нужум қурсу лиму.
Хунёдаги нағмасоз Ноҳид,

[260] Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Хамса. МАТ. Саккизинчи том. Т.: Фан, 1991.-Б.59-60.

Лекин даф анинг қўлида хуршид...
Шаҳким, ичиб ул майи равонбахш,
Базм ичра бўлиб ҳадиси жонбахш.
Гаҳ сўз била элга жон бағишлаб,
Бир сўз била гаҳ жаҳон бағишлаб.[261]

Мазкур базм картинасини шундай шарҳлаш мумкин, Султон Бадиуззамоннинг базмида осмон зангор дастурхон, у дастурхонда лимон юлдузлардир. Созандаю қўшиқчиси бўлиб, унинг қўлидаги доира қуёшдир. Бу руҳбахш майни ичган шоҳ Бадиуззамон Мирзонинг базм ичидаги сўзлари жон бағишловчидир. У гоҳ бир сўз билан базмга жон бахш этади, гоҳ бир сўз билан жаҳон бағишлайди. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳар бир сўзи ҳикмат билан йўғрилган шаҳзода бундай адабий кечаларга ўз ғазалларини ўқиб, базм аҳлини мушоирага чорлайди. Шеърий баҳс-мунозара қизғин тус олади. Муғаннийлар жон бағишловчи куй-қўшиқлар ижро этадилар.

“Садди Искандарий” достонида ҳам яна бир бор Султон Бадиуззамон Мирзо базми тилга олинганини кўришимиз мумкин:

Қадаҳ-базми айшинг аро зарнигор,
Жавоҳир қилиб ани гавҳарнигор.
Тўлуб ул қадаҳ лаъли рахшон била,
Не рахшанда лаъл, оби ҳайвон била.[262]

Нақл қилинишича, Султон Ҳусайн Бойқаро замонининг машҳур созандаси Шайхий Ноий бир навбат Бадиуззамон Мирзо мажлисида бир куйни найдан яхши чиқаради. Қулмуҳаммад Удий ғижжакда у куйни чала олмайди ва: “Ғижжак номукаммал создир”, дейди. Шайхий дарҳол Қулмуҳаммад Удийнинг қўлидан ғижжакни олиб, куйни ғижжакда яхши ва тиниқ қилиб чалади ва шаҳзоданинг таҳсинига сазовор бўлади.[263]

Бобурнинг ўзи ҳам шаҳзоданинг машҳур бадиий кечаларида қатнашган ва бундай базмларни у чоғир мажлислари деб атаган: *“Яна бир навбат Бадиуззамон Мирзо қошиға борғонда намози пешиндан сўнг чоғир мажлиси бўлди. Бадиуззамон Мирзонинг мажлисини хейли таъриф қилурлар эди, филвоқиъ беғилу ғаш ва*

[261] Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. Хамса. ТАТ. Еттинчи жилд. Т:.Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.41-41.
[262] Алишер Навоий. Садди Искандарий. (Насрий баёни билан). Т.:Ғ.Ғулом номидаги НМБ,1991.-Б.66-69.
[263] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Юлдузча, 1990.-Б.164.

оромида мажлис эди. Мурғоб ёқасида эканда икки-уч қатла мирзонинг чоғир мажлисида ҳозир бўлдум”. Ана шундай чоғир мажлисларидан бирида Балх ҳокими Дарвиш Али Китобдор (Алишер Навоийнинг укаси)нинг хотини шоира Офоқ бегим Жалойир шаҳзодага атаб қуйидаги шеърини ўқиган:

Ман агар тавба з-май кардаам, эй сарви сиҳий,
Ту худ ин тавба накардики, маро май надиҳи.

(Мазмуни: Мен май ичмасликдан тавба қилган, бўлсам, эй сарв қоматли йигит, Сен эса тавба қилмагансан-ку, менга май тутмайсан.)[264]

Бадиуззамон Бадиийнинг ҳар бир адабий мажлисида шаҳзодага бағишланган қасидалар янграган. Шундай базмлардан бирида беназир қасиданавис шоир Ҳусайн Жалойир Туфайлий шаҳзодага бағишланган қуйидаги қасидасини ўқиган, дейишимиз мумкин:

Қаддингнинг нахли жилва айлагач синди санавбарлар,
Лабинг қилғоч табассум бебаҳолиғ ўлди гавҳарлар.
Кўзингнинг мардуми андоғ хирадни тийра айлабдур,
Бало яъжужиға сад боғлағон янглиғ Искандарлар.
Қаддингнинг ёдидин гулшан аро қум эрур гирён,
Ки оҳи сарсаридин учди чун боғ ичра аръарлар,
Шаҳоким ҳомии амни амон Бадиуззамондурсан,
Чу адлинг қувватидин синдуруб пушти ситамгарлар.[265]

Шаҳзода ҳузуридаги адабий анжуманларда машҳур шоирлар, фозиллар ва зиёлилар қатнашган. Адабий мажлислар надими (суҳбатдош) Мавлоно Замоний Султон Бадиуззамон Мирзо саройи шоирларидан бири бўлган. Шоир Замоний ҳақида Навоий шундай деган: *“Мавлоно Замоний – “Вафоий” тахаллус қилур эрди. Фақир илтимоси била “Замоний”ға тағйир берди. Икки жиҳатдин: бир жиҳат буким, Султон Бадиуззамон Мирзо мулозими эрди”.*[266] Шоир Осафий ҳам Бадиуззамон Мирзо 1496-1506 йилларда Балхда ҳокимлик қилган пайтида хизматида бўлган ва мажлисларида ўз шеърларини ўқиган: *“Хожа Осафий Хожа Султон Абусаид Мирзонинг вазири Наимиддин Неъматуллоҳ Қаҳистонийнинг ўғли эди. Ҳиротдан Балхга кетиб, ўша ерда яшаб қолди ва Бадиуззамон*

[264] Фахрий Ҳиравий. Жавоҳир ул-ажойиб. Т.: Мумтоз сўз, 2014.-Б.157-158.
[265] Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. Т.: Ўзбекистон, 2011.-Б.285-286.
[266] Алишер Навоий. Мажолис-ун-нафоис. Т.: Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.165.

Мирзонинг надими бўлди”. “Тарихи томм”да ёзилишича, *“Ул зот шунинг учун Осафий тахаллус қилган эдики, Мавлоно латофат ва нозиктаъбликда ягона, зеҳни ўткирлик ва идрокда тенгсиз эди. Унинг назми лафзлари жавоҳир шодасидек ташқарида мунтазам ва равшан, насри иборатлари лаъллари шўхликда Тойир насри бирла ҳампарвоз, якгулшан. Маснавий бўстонида мисра сарвларидан маънолар шоҳидларининг чеҳрасини очди. Ғазал гулистонида тоза мазмунлардан беандоза ранго-ранг гуллар кўргузди. Унинг табъи равон зилолидан чаҳор чаман нозукликда ва очилган гулзори олти жиҳатдан етти иқлимда баланд овозалик мақомидадир”.*[267] Форс-тожик тилида ижод қилган табризлик шоир ва шайхзода Мавлоно Халаф (15-16-аср) Ҳиротга келиб, шаҳзода Бадиуззамонга мулозимлик ва мусоҳиблик қилган, яхши шеърий табъга эга бўлган. Навоий ҳам “Мажолис ун-нафоис”да шоир Мавлоно Халафнинг *“султонзодаи замон ҳазратида мулозим ва мусоҳиб”* бўлганини айтиб ўтган.

Бадиуззамоннинг ўзи ҳам Бадиий тахаллуси билан шеърлар ёзган, шаҳзода юқорида айтиб ўтганимиздек, йиғинларда ўз шеърларидан намуналар ўқиган. Умид Бекмуҳаммаднинг ёзишича, “Бадиуззамондан эса тарихда фақат шоирлигигина эътиборли ҳолат сифатида қолди. “Мажолис-ун нафоис” асарида Навоий ҳазратлари *“Табъи назм услубида мулойимдур”,* деб юқори баҳолаган, форсий ва туркийда ёзган ғазалларини бунга мисол келтириб ўтганди.

Масалан, Бадиуззамоннинг,

Эй сабо, гар сўрса ҳолим шаммаи ул сарвиноз,
Эврулуб бошиға мен саргаштадин еткур ниёз.

деб бошланувчи ғазали ўзининг мазмунан ва шаклан мукаммал бадиий асар эканлиги билан муаллифнинг юксак иқтидоридан дарак бериб турибди. Аммо шундай юксак ғазаллар, байтлар битган Бадиуззамон отасидек шаробхўрлиги, тахтга интилиши, ўгай онаси Хадичабегимнинг макрларига қарши бош кўтариши натижасида давлат таназзули бошланди. Бу эса салтанат Шайбонийга бош эгишига, ўзининг эса ҳижратда – Истанбулда 59 ёшида вафот этишига сабаб бўлди”.

[267] Шарофуддин Роқимий. Тарихи томм. Т.: Маънавият, 1998.-Б.74.

Мухтасар қилиб айтганда, Бадиуззамон Мирзо тузган адабий йиғилишларда Алишер Навоий, Туфайлий, Осафий сингари ўз замонининг машҳур шоирлари иштирок этган ва баҳс-мунозарага киришишган. Бундай мажлислар шоирлар камолоти ҳамда мумтоз адабиётимиз тараққиётида муҳим роль ўйнаган, дейишимиз мумкин. Бинобарин, келгусида Бадиуззамон Мирзо шеърият кечаларини атрофлича тадқиқ этиш навоийшунослик илмининг янги маълумотлар билан бойишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

НАВОИЙНИНГ ШОҲ ВА ҒАРИБ ШОГИРДИ

Маълумки, Ғарибий тахаллуси билан ижод қилган зуллисонайн шоир Шоҳ Ғариб Мирзо (1470-1496) Султон Ҳусайн Бойқаро (1438-1506)нинг истеъдодли ва салоҳиятли фарзандларидан бири бўлган.

Нашъабахш ўйлаки оҳанги “Ироқ”,
Талх ул навъики, хуноби фироқ,
Мутрибо, сен доғи оҳанги туз,
Лаҳнида ранги “Ҳусайний” кўргуз.
Ҳам “Ҳусайний” сўзидин ранги ғариб,
Ҳам Ғарибий дамидин байти ажиб.
Соз айлаб, мени ҳам шод айланг,
Бир нафас қайғудин озод айланг.
Шоҳлар нодири атвор ичра,
Нуктаи диққату ашъор ичра.
Қилди чун тенгри мулойим они,
Асрадик ҳифзида доим они.
Руҳпарвар сўзи бўлсун ўзидек,
Руҳгустар ўзи бўлсун сўзидек.[268]

Алишер Навоий “Мажолисун-нафоис”да **Шоҳ Ғариб Мирзо** шеъриятига юқори баҳо бериб, *“Шўҳ табълиғ ва мутасарриф зеҳнлик ва нозук тахайюллуқ ва дақиқ тааққуллуқ йигитдур. Назм ва насрда назири маъдум ва мутахаййила ва ҳофизада адили номаълум”,* деган.

Ғариб ўлғай ниҳоятдин зиёда,

[268] Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. Фавоидул-кибар. Асарлар. ЎБТ. Тўртинчи том. Т.: Бадиий адабиёт, 1965.-Б.411.

Бу янглиғ гулким ўлғай шоҳзода.
Қаю шаҳзода ул кони малоҳат,
Такаллум вақти дарёйи фасоҳат.
Фасоҳат бобида шаҳға қариб ул,
Бори шаҳлар фасиҳи Шоҳғариб ул.
Зиҳи нутқунг такалум вақти жонбахш,
Масиҳо янглиғ анфосинг равонбахш.
Не маъни бўлса диққатдин ниҳонинг,
Ҳал айлаб они табъи хурдадонинг.
Кичик ёшда қилиб табъинг шумора,
Хирад пирини тифли ширхора.
Сенинг зотингғадур бу сўз фуруғи,
Кичик ёшдин улуғларнинг улуғи.[269]

Шеърияти Жомий ва Навоий томонидан *“Кичик ёшдан улуғларнинг улуғи”* деб эътироф этилган Шоҳғариб тўғрисида Бобур “Бобурнома”да шундай ёзган: *“Шоҳ Ғариб Мирзо ...табъи хўб эди. Агарчи бадани нотавон эди, каломи марғуб эди. “Ғарибий” тахаллус қилур эди, девон ҳам тартиб қилиб эди, туркий ва форсий шеър айтур эди. Бу байт анингдурким:*

Дар гузар дидам парирўе шудам девонааш,
Чист номи, ў, кужо бошад надонам хонааш.[270]

(Таржимаси: Гузарда бир пари юзни кўриб девона бўлдим, унинг исми нима, уйи қаерда эканини билмадим).

Алишер Навоий шеъриятининг таъсири темурий шоир Шоҳ Ғариб Мирзо ғазалларида яққол сезилади. “*Умуман олганда, Ғарибий Навоийдан таъсирланди, унинг ғазаллари таъсирида гўзал мухаммаслар яратди. Тан олиш керакки, Ғарибийгача туркий адабиётнинг ҳеч бир вакили нисбатан кам жанрлар ёрдамида турлича усул ва образлар, анъанавий тушунча ва неординар, креатив тасвирлар, илоҳий ишқ тасвири қаторида миллий кийимлар ва кундалик турмуш ташвишларини қоришиқ ва бадиий баркамол тарзда қўллаб, бу даража юксакликка етмаган. Бу ҳолат Ғарибийнинг ўзига хос адабий услуби ва йўналиши бўлганлигини*

[269] Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ.8-том. Т.: Фан, 1990.-Б.509.
[270] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Юлдузча, 1990.-Б.149.

исботлайди”.[271] Навоийнинг ғазалига боғланган ушбу мухаммасда ҳам Ғарибийнинг маҳорати кўзга ташланади:

Тоиб эрдим бодадин мундин бурун мен бенаво,
Ногаҳон туштум харобат ичра бир мажлис аро,
Синдуруб тавбамни тутти май менга бир дилрабо,
Тавба айлаб эрдим, эй зоҳид, нетай тутти манго,
Лолагун май, бир узорин лолазор этган йигит.

Адабиётшунос олим Ботирхон Валихўжаев “Низомиддин Мир Алишер (даври, замондошлари, ҳаёти, фаолияти, мероси)” номли мақоласида ёзишича, *“Билимдонлик, таъб ва маънавиятда баркамол Шоҳ Ғариб Мирзо бошқа шаҳзодалардан ўткир зеҳнлилиги, хотирасининг кучлилиги, чуқур мулоҳазалиги, тож-тахтга қизиқмаслиги, ўқиш ва ижод қилишга кўпроқ мойиллиги билан ажралиб турган.*

Шоҳ Ғариб Мирзо кўп вақтини илмий ва бадиий адабиётларни мунтазам мутолаа қилиш, шеърий ва насрий асарлар ёзишга сарф этган. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да шундай ёзади: “(Шоҳ Ғариб Мирзо) девон жамъ қилибдур. Яхши матлаълари бу мухтасарға (яъни “Мажолис ун-нафоис”ға) сиғмас. Магар яна бир китоб битилгай”. Демак, Алишер Навоий Шоҳ Ғариб Мирзо шеъриятининг биринчи тадқиқотчиси сифатида “яхши матлаълари” ҳақида алоҳида китоб ҳам ёзмоқчи бўлган. Аммо унинг тақдири ҳозирча номаълум.

Ғарибийнинг туркий-ўзбек тилидаги ғазалларида отаси-Султон Ҳусайн шеърияти хусусияти анъаналарини давом эттиришга мойиллик кузатилади.

Шоҳ Ғариб Мирзонинг шеърлари мазмунан пухта в бадиияти етуклигидан Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг диққатини ўзига қаратган.

Шундай қилиб, Шоҳ Ғариб Мирзонинг шеърияти ўзининг мазмуни ва бадиияти билан XV асрнинг иккинчи ярмидаги адабий жараёнда ўзига хос мавқега эга бўлган”.[272]

Шоҳғариб Мирзонинг эл ўртасида ва шоирлар анжуманларида ғазаллари севиб ўқилган: *“Шоирлик ва хуштаъбликда машҳур*

[271] Ҳалимов С. Шоҳғариб Мирзо Ғарибий «Девон”ининг темурийлар даври адабий муҳитида тутган ўрни. Автореферат. Самарқанд.2021.-Б.19-20.
[272] Htttps://kh-davron.uz

бўлган. Туркий ва форсий назмни яхши айтар эди. Халқ ўртасида унинг шеърий девони машҳурдир. Туркийда унинг мана бу ғазали машҳурдир:

Бир қора кўз бағритошнинг хоксоримен яна,
Кирса майдон ичра рашхининг ғуборимен яна.
Йиғладим чандонки, сели ҳар сори бўлди аён,
Гулруҳим ҳажрида абри навбаҳоримен яна.
Эй Ғарибий, оқса бағрим қони кўздин не ажаб,
Бир қаро кўз бағритошнинг хоксоримен яна.[273]

Ўз даври анъаналаридан келиб чиқиб, темурий шаҳзодалар ҳузурида шоирлар иштирокида мушоира мажлислари ўтказилган. Шоир Мавлоно Оҳий (Аввал Наргиз тахаллуси билан ижод қилган) узоқ йиллар Шоҳ Ғариб Мирзо хизматида бўлиб, мажлисларида қатнашган.[274] Шафиъий тахаллуси билан ижод қилган Зиё Табризий Шоҳ Ғариб Мирзога бағишлаб, машҳур "Шатранжия" номли қасида ёзган.[275] Шоир Шафиъий мазкур қасидасини шаҳзода ҳузуридаги шеърият кечаларидан бирида ўқиган. Шоир Мавлоно Жалолиддин Огаҳий ўз фаолияти бошида Шоҳ Ғариб Мирзонинг хизматини қиларди ва шу шаҳзоданинг инъому эҳсон дастурхонидан баҳраманд бўларди.[276]

Шоҳ Ғариб Мирзо ҳузурида ташкил этилган шеърият кечаларида Хуросоннинг машҳур шоирлари қатори Алишер Навоий ҳам иштирок этган. Чунки у бу шаҳзодани ниҳоятда қадрлаган, унинг ижодини кузатиб борган. Ғарибий ҳам устози Навоийнинг анъаналарини давом эттирган. *"Ўз даврида яратган шеърлари билан довруқ таратган ана шу Шоҳ Ғариб Навоий ҳазратларини устоз билиб, айтган ўгитларига амал қилган."*[277] Шоирлар султони шогирдининг адабий базмларида шаҳзоданинг шеърларига ўз муносабатини билдириб борган.

Айниқса, Алишер Навоий ҳазратлари:

Тарки меҳр айлаб агарчи бўлди жонон ўзгача,
То тирикмен қилмагумдур аҳду паймон ўзгача,
То вафо айлаб, мени маҳрум қилди васлидин,

[273] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2014.-Б.61.
[274] Навоий замондошлари хотирасида. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.74.
[275] Алишер Навоий: Қомусий луғат. Биринчи жилд. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.192.
[276] Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар. Т.: Ўзбекистон, 2013.-Б.1111.
[277] Бекмуҳаммад У. Навоийнинг армонлари. Т.: Янги аср авлоди, 2011.-Б.118.

Айлади мен нотавон ҳолимни ҳижрон ўзгача.

деб бошланадиган ғазалини ўқиб, Шоҳ Ғарибга алоҳида меҳр қўйганини билдирган.[278]

Навоий Шоҳ Ғариб Мирзо вафотига бағишланган марсияда адабий баҳслар ва мушоиралар ўтказилган мазкур адабий базмларни зикр этган:

Тахт холи қолибон, базм паришон аҳвол,
Шоҳсиз базм била тахтқа не бўлгай ҳол...
Шеъру девони бу мотамда қаро айлаб юз,
Ўйлаким сўз боши, шингарфи доғи қолмай, ол...
Шиша қон ёш оқизиб, даф била най нола қилиб,
Базмининг ҳасратидин чанг куюб уд мисол...
Шуаро шаҳрда барча яқолар чок айлаб,
Тош уруб кўксига, ҳар ён чекибон вовайло.[279]

Албатта ушбу марсиядан ҳам маълум бўладики, Шоҳ Ғариб Мирзо шеърияти ва адабий базмлари Ҳирот адабий муҳитида ўз ўрни ва мавқейи бўлган. *“Тақдир экан, Шоҳ Ғариб йигирма олти ёшида ҳаётдан кўз юмди. У илмли фарзанд, шоир бўлгани боис яратган ижоди туфайли номи барҳаёт. Хадичабегимнинг Шоҳ Ғарибдан бошқа яна тўрт фарзанди, Бойқаронинг жами ўттиз саккиз нафар фарзандидан кўпчилиги тарихда ҳеч қандай из қолдира олмади. Ғарибийнинг ҳаёти ва ижоди эса бугун АҚШ, Италия, Англия, Эрон ва Афғонистонда ўрганилмоқда. Зеро, Шоҳ Ғариб шунга лойиқ инсон ва шоир бўлган”.*[280]

Мухтасар айтганда, Шоҳғариб Мирзо Ғарибий ижоди ва адабий мажлислари мумтоз адабиётимиз ва санъатимиз равнақига хизмат қилган.

ЭРКАТОЙ ШАҲЗОДА ВА АЛИШЕР НАВОИЙ

Султон Ҳусайн Бойқаронинг “эркатой” ўғли Музаффар Ҳусайннинг шаҳзодалар ичида ўз ўрни бўлган. Навоий “Хамса”нинг ҳар бир достонида Бадиуззамонни, “Фарҳод ва

[278] Кўрсатилган асар.-Б.113.
[279] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирманчи том. Т.: Фан, 1991. –Б.442-445.
[280] Бекмуҳаммад У. Навоийнинг армонлари.Т.: Янги аср авлоди, 2011.-Б.117-120.

Ширин”да Шоҳғарибни, “Садди Искандарий”да эса Музаффар Ҳусайнни мадҳ этган:

Анга гап йўқ эрди халафдин шараф,
Мунга тенгри берди ўн олти халаф.
Алардин бири меҳри пурнур эрур,
Ки ҳар нома бошида мазкур эрур.
Бир улки, юз лутф эрур зотиға,
Ки, “Фарҳоду Ширин” эрур отиға.
Яна қолғон ўн тўрт маълум қил,
Назоҳатда ўн тўрт маъсум бил.
Икиси набира, ўн ики ўғул,
Ки ҳар бирга юз шоҳу шаҳзода қул.
Эрур давлат авжиға ўн ики бурж,
Шараф дурри лаълиға ўн ики дурж.
Ки бўлсун бори умридин баҳраманд,
Алардин даги хисрави аржуманд.
Бори бўлсун офоқ аро комгор,
Батахсис шаҳзодаи номдор.[281]

Янада содда қилиб айтганда, “Агар ун(Искандар)дан насл қолмаган бўлса, худо бун(Султон Ҳусайн Мирзо)га ўн олти фарзанд ато айлади. Булардан биттаси нурли қуёшдек бўлиб, бу(Бадиуззамон)нинг қутлуғ номи ҳар бир достоннинг бошида зикр этилмишдир. Иккинчиси эса (Шоҳғариб Мирзо) юз яхшилик билан дунёга келган бўлиб, “Фарҳод ва Ширин” достони унинг номигадир. Маълум бўлсинки, қолган ўн тўрттасини поклик ва озодаликда ўн тўртта маъсум гўдак деса бўлур. Булардан иккитаси набира, қолган ўн иккитаси ўғил бўлиб, уларнинг ҳар бирига юзлаб шоҳ ва шаҳзодалар қул бўлса арзийди. Бу ўғиллар давлат осмонининг ўн икки буржи ва бахту шарафнинг дурри-лаълиларини сақлайдиган ўн икки сандиқдирлар. Буларнинг ҳаммаларининг умрларини узоқ бўлсин, оталари бўлмиш буюк шоҳ(Ҳусайн Бойқаро)нинг мартабалари бундан ҳам зиёда бўлсин.”[282]

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо 1507 йилда Ҳиротга борганида Музаффар Мирзо(1473-1509)нинг мажлисларида

[281] Алишер Навоий. Садди Искандарий. (Насрий баёни билан). Т. Ғ.Ғулом номидаги НМБ, 1991.-Б.477.
[282] Кўрсатилган асар.-Б.801.

иштирок этган: *“**Музаффар Мирзонинг мажлисида** бир навбат бордим. Ҳусайн Али Жалойир (шоир Туфайлий) ва Мир Бадр Музаффар Мирзо қошида эдилар. Ул мажлисда бор эдилар. Кайфият бўлғонда Мир Бадр рақс қилди, хўб рақс қилди. Ғолибо бу навъ рақс Мир Бадрнинг ихтироидур”.* Бобур Ҳиротнинг машҳур ҳофизларидан Ҳофиз Ҳожи қўшиқларини Музаффар Мирзо томонидан унинг шарафига уюштирилган мажлисда тинглаган ва бу йиғинни “Бобурнома”да шундай тасвирлаган:[283] *“Мажлиста нағма аҳлидин Ҳофиз Ҳожи эди, Жалолиддин Маҳмуд нойи эди. Ғулом Шодийнинг иниси Шоди бача эди. Чанг чолур эди. Ҳофиз Ҳожи хўб ўқур эди. Ҳири эли паст ва нозук ва ҳамвор ўқурлар. Жаҳонгир Мирзонинг бир хонандаси бор эди. Миржон отлиқ, Самарқандий эди. Баланд ва дурушт ва ноҳамвор ўқур эди. Жаҳонгир Мирзо кайфият маҳалда буюрдиким, ўқуғай, ғариб, баланд ва дурушт ва бемаза ўқуди... ”.*[284] Музаффар Мирзо мажлисларида Катта Моҳ[285] ва Кичик Моҳ[286] исмли масхарабозлар қатнашиб, йиғинларни қизитган. *“Музаффар Мирзонинг Катта Моҳ ва Кичик моҳ отлиқ қуллари бор эди, мастлиқ маҳалларда бир пора бемаза гармхўлуқлар қилдилар. Кечгача гарм суҳбат эди, мажлис тарқади”.*[287] Дарҳақиқат, шеърлар ўқилган ва қўшиқлар ижро этилган Ҳусайн Бойқаронинг мушоира мажлислари каби йиғинлар Музаффар Ҳусайн Мирзо саройида ҳам ташкил этилган.

“Садди Искандарий” достонида Алишер Навоий султонзодалар ичида ажралиб турган бу шаҳзодани *“Унинг муборак номи бахт ва зафар маъносини ифодалайди. Зотан, у бутун айб-нуқсонлардан покдир. У адаб тахтининг осмон қадар баланд мартабали қуёши, ҳаё денгизининг покиза гавҳаридир”*, деб таърифлаган.

Юзи меҳр базмида шамъи тироз,
Қади салтанат боғида сарвиноз.
Латаф-жисмининг жону жононаси,
Шараф баҳрининг дурри якдонаси.
Ети пушти оламға султон келиб,

[283] Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т. Шарқ НМАК БТ, 2014.-Б.648.
[284] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. Шарқ НМАК БТ, 2002.-Б.144-145.
[285] Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т. Шарқ НМАК БТ, 2014.-Б.285.
[286] Кўрсатилган асар.-Б.290.
[287] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. Шарқ НМАК БТ, 2002.-Б.145.

Атодин ато хон, бин хон келиб.
Ато Шоҳи Ғозию ул нури айн,
Музаффар Ҳусайн ибни Султон Ҳусайн.
Алал-оламина дома эҳсонаҳу,
Лаҳу халладаллоҳу султонаҳу.
Таолиллоҳ, асру ажаб зот эрур,
Ки оламға андин мубоҳот эрур.
Зафарға қарин фаррух оти анинг,
Бори айбдин пок зоти анинг.
Адаб тахтининг меҳри афлоки ул,
Ҳаё баҳрининг гавҳари поки ул.
Келиб қаҳридин дўзах ўтиға бийм,
Вале хулқи жаннат гулидин насим.
Кичик ёшлиқ, аммо улуғ қадрлиқ,
Ҳилолида маълум ўлуб бадрлиқ.
Неча шер бўлсун кичик, гар улуғ,
Эрур савлати бирла эл қайғулуғ.
Улус чеҳраи оламафрўзидин,
“Билур йил келишини наврўзидин.”
Чу васфин баён қилмоқ осон эмас,
Ки поёниға етмак имкон эмас.[288]

“Садди Искандарий”да Навоий шаҳзодани мадҳ этар экан, унга ўз фойдали насиҳатларини, яъни ҳамма ишда шариатга амал қилиши ҳамда ота-онасини рози қилиши зарурлигини уқтириб ўтади.

Навоий не арз айлагай жуз дуо,
Вале бир анга ики сўз муддао:
Бир улким: шариат қўлин тут қавий,
Бори ишда бўл шарънинг пайрави.
Ки бу жодда бирла хиром айласанг,
Талаб маркабин тезгом айласанг.
Ики даҳр коми бўлуб ҳосилинг,
Наби кўйи бўлғай сенинг манзилинг.
Икинч улки, қил хизмати волидайн,
Бил ул икининг қуллуғин фарзи айн.

[288] Алишер Навоий. Садди Искандарий. (Насрий баёни билан). Т. Ғ.Ғулом номидаги НМБ, 1991.-Б.477- 478.

Агар истасанг дунёу охират,
Букун салтанат, тонгла кун – мағфират.
Ки ҳақдин ризо ҳосил этмак будур,
Ризо демайин ҳаққа етмак будур.
Сўзим чун туганди дуо айлайин,
Зароат тариқин адо айлайин.[289]

Мухтасар қилиб айтганда, Музаффар Мирзога ҳам темурийлар хонадони анъанасига кўра, ўнлаб шоирлар хизмат қилган ва унинг адабий базмларида иштирок этишган. Шаҳзода ҳам ўз навбатида ижод аҳлини қўллаб-қувватлаган.

МУНДАРИЖА

1.“Бадоъе ул-бидоя” девони дебочасида зикр этилган Муҳаммад Султон ким?.....3
2.Навоий мадҳияси кимга аталган?.....11
3.Алишер Навоий зоҳид бўлганми?.....16
4.Навоий эътироф этган Жаҳоншоҳ Мирзо ким эди?.....21
5.Навоийни “Устозу пирим” деган туркман ҳукмдори.....23
6.Султон Абусаид Мирзо золим подшоҳ эдими?.....35
7.Навоий учун табаррук бўлган шеърлар муаллифи.....40
8.Искандар Зулқайнайн авлодидан бўлган Шоҳи Бадахшон ва Алишер Навоий.....47
9.Навоийнинг Самарқандлик муқаввийси.....50
10.Навоий назари тушган Абубакр исмли темурийзодалар.....56
11.Навоий мажлисларига кимлар қатнашган?.....62
12.Навоий самоъ йиғинларида рақсга тушганми?.....75
13.Алишер Навоий қўшиқ айтганми?.....81
14.Босган изи меҳробга тенг бўлган хўблар кимлар?.....86
15.“Соқийнома”да хон деганда, Навоий қайси хонзодани назарда тутган?....90
16.Навоий шеърларини ёд билган шаҳзодалар ва Султон Увайс Мирзо.....94
17.Шоирлар тазкирасида зикр этилмаган темурий шоир.....101
18.Камолиддин Биноий ўлимига “Шайбонийнома” сабаб бўлганми?.....107
19.Мадҳ услубини равнақ топтирган зот.....112
20.Навоийнинг хос мулозимларидан бири.....115
21.Бир иқлимга сиғмаган Бадиуззамон ва ўн дарвеш.....119
22.Навоий шоҳ ва ғариб шогирди.....125
23.“Эркатой” шаҳзода ва Алишер Навоий.....128

[289] Кўрсатилган асар.-Б.485-486.

ШЕРХОН ҚОРАЕВ

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИНГ НОМАЪЛУМ ҚИРРАЛАРИ

(Илмий-оммабоп рисола)

Муҳаррир: В.Аҳмад
Техник муҳаррир: Б.Хайдаров
Мусаҳҳиҳ: Р.Йўлдошева

Босишга рухсат этилди: 30.08.2022.
Офсет қоғоз. Қоғоз бичими 84x108 1/16.
Тимес New Роман гарнитураси. Шартли босма табоғи 11
Нашр ҳисоб табоғи 13,75. Адади 100.

«ЗАМОН ПОЛИГРАФ» ОК босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри. Юнусобод тумани,
Бободеҳқон маҳалласи 45-уй.